




Нодира ХОЛИКОВА, Хумоюн УМАРАЛИЕВ



КОМИЛ ИНСОН: ҒОЯ, ТАЛҚИН ВА ТАДРИЖ



**Тошкент – 2022
“Fan ziyosi” нашриёти**

КВК: 76.14(5Ўзб)

УО'S: 718.642

U-18

Н. Холикова, X. Умаралиев // КОМИЛ ИНСОН: ғоя, талқин ва тадриж // монография – Т.: “Fan ziyosi” нашриёти, 2022 й, 120 бет.

Мазкур тадқиқотда Шарқ мутафаккирлари дунёқарашининг комилликка бошловчи ғоялари, уларнинг ўлмас асарларини ўрганиш ва келажак авлодга етказиш орқали баркамол авлодни шакллантириш устувор вазифалардан бири экани ҳақида сўз борар экан, бунда Шарқ Ренессансини яратган қомусий олимлар Фаробий, Ибн Сино, мутасаввиф ижодкорлар Ғаззолий, Яссавий, Азизиддин Насафий, Абдулбоқи Ҳожагий Муҳаммад Имканагийдан тортиб Ҳазрат Алишер Навоий ва XX аср жадид маърифатпарварлари Абдулла Авлоний, Ҳамза, Абдулҳамид Чўлпон ҳамда бошқаларнинг илмий, фалсафий, бадиий асарларига мурожаат этилган.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва ўрта маҳсус қасб-хунар коллежлари талабалари, шунингдек, мутафаккир аждодларимиз ижодига қизиққан барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Нурбой ЖАББОРОВ – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Адибахон ДАВЛАТОВА – филология фанлари доктори

Сирдарёхон ЎТАНОВА – филология фанлари номзоди

*Монография Тошкент вилояти Чирчик Педагогика институти
Илмий техник кенгашининг 2022 йил 17 июнданги 11-сонли баённомаси
асосида нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-747-52-4

© Н. Холикова, X. Умаралиев
© «Fan ziyosi» нашриёти, 2022.

**Комил инсон – жамики инсонларнинг хақиқатидир,
яъни одамийлар одамийсидир.**

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, инсон ва унга ғамхўрлик қилиш, унинг манфаатлари тўғрисида қайғуриш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг устувор сиёсатига, кундалик фаолиятига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”¹. 2022 йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши республикамизнинг барча аҳолисига бўлган эътиборнинг яққол далили бўлди. Модомики шундай экан, ҳозирги долзарб вазифа инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни етук шахс, замонамиз талабига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун қайғурадиган комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишидир. Ўз-ўзидан маълумки, бундай мураккаб ишни ота-боболаримиз, аждодларимиз бой маънавий меросидан ва тажрибасидан фойдаланмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақида гапирди. Албатта, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қиласди. Бунинг учун, аввало, минглаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2008, 5 бет.

истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур. Бирламчи вазифамиз фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир. Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”¹, - деб айтган эди. Дарҳақиқат, ёш авлодга бўлган ишонч ҳам, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳам чексиз.

Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиши масаласи қадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг дикқат марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар.

Мозийда яшаб ўтган мутафаккирларнинг инсон ва уни яшашдан мақсади, мукаммал жамият, одил ва маърифатли шоҳ, комил ва етук инсон ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз қадрини йўқотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.

Буюк мутафаккирлар ўзининг насрий ва назмий асарларида, ўлмас достонларида умуминсоний рух билан суғорилган комил ва етук инсон, мукаммал жамоа ва одил ҳукмдор ҳақидаги ғояларни илгари сурдилар. Уларнинг инсонпарварлик, илм-фан ва касб-хунарни эгаллаш, ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия ва юксак инсоний қадриятлар тўғрисидаги доно фикрлари кейинги даврларда ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳозирги вақтда турли вайронкор ва бузғунчи ғоялар, террористик чиқишлиар, ақидапарастлик, диний экстремизм ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларидаги комил инсон ғояси ва инсонпарварлик қадриятлари ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларни тарбиялашга, ёшлар онгини юқорида номлари келтирилган заарли ғоялар таъсиридан сақлашга ёрдам беради.

¹ <https://strategy.uz/index.php?news=615>

Марказий Осиё мутафаккирларининг комил инсон тўғрисидаги таълимотлари миллий ғоя такомили учун асос бўлиб хизмат қиласди. Зоро, миллий ғоя “ислом фалсафасидан озиқланиб янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Фаробий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида айниқса, теран ифода топган”¹.

Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари кишиларда ватанпарварлик, ўзликни англаш, одамийлик, ҳалол ва пок бўлиш, нафсни тийиш, сабр-бардошли ва етук инсон бўлиб етишиш каби фазилатларни касб қилишида, юксак маънавият ва маънавий мерос енгилмас куч эканлигини чуқур англаб етишида муҳим аҳамиятга эга. Ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбияламасдан жамиятимиз олға қараб тараққий этиши, ютуқларга эришиши қийин.

Марказий Осиё мутафаккирларининг ҳаёти, ижодий мероси, дунёқарashi ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Лекин мутафаккирларининг комил инсон тўғрисидаги қарашлари тарихий-фалсафий нуқтаи назардан маҳсус тахлил қилинмаган. Шунингдек, шўролар давридаги илмий тадқиқотларда Марказий Осиё мутафаккирларининг асарлари кўпинча бир томонлама ўрганилган.

Ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари ҳақида олимлардан Е.Бертельс, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов, М.Орипов, Ҳ.Алиқулов, И.Ҳаққул, С.Олим, О.Эргашев, С.Каримов, Б.Эралиев, А.Зоҳидов ва бошқалар ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

Мутафаккирларимиз олға сурган ғоялар аҳолининг, хусусан, ёшларнинг тарихимиз, бой маънавий-маданий, маърифий-ахлоқий қадриятларимиз ҳақидаги билимларини оширишга, ва улар онгига комил инсон, комилликка етакловчи ғояларни сингдиришга ёрдам беради.

Айни кунда Янги Ўзбекистон ибораси кўп ишлатилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этишининг бош дастуриламали сифатида

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 56 бет.

Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилда чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобини келтириш мумкин. Бу китоб муқаддима, етти боб ва хотимадан иборат бўлиб, “Маънавий тараққиёт” бобида “Ёшлиар – янги Ўзбекистон пойдевори” деб номланган сарлавҳа остида айни ёшлиар камолоти масаласига урғу берилган. Бу ерда яна бир бор ёшлиарга бўлган ишонч ва эътибор ўз аксини топган. “Томирларида буюк боболарининг қони оқаётган ёшлиаримиз улуғ аждодларимизнинг муносаб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак мэрраларга эришиши учун барча шарт-шароитларни яратишимииз зарур”¹, - деб ёзади Президентимиз ўз асарида.

¹ <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=2975>

ДУНЁ ОЛИМЛАРИ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ ХАҚИДА. КОМИЛ ИНСОН – ЖАМИЯТ МУАММОСИ

IX-XII асрларда диний илм вакиллари билан бир қаторда дунёвий илм эгалари ҳам комилликка бошловчи ғояларни яратдилар. Бу асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан бекиёс ривожланиб келган. Ўша тарихий даврларда яшаб ижод этган комусий олимларимиз инсоннинг маънавий ва тафаккур дунёсини бойитиш борасида кишилар онгини, маданий-маърифий қарашларини ўстиришга қаратилган ижодий амалларга ўз эътиборларини бериб келганлар. Ал-Хоразмий риёзиётда, Беруний кадимшуносликда, Фаробий фалсафа ва мантиқда, Ибн Сино табобатда, Ал-Фарғоний фалакиётда табиий фанлар тараққиётига ҳисса қўшиш билан бирга комил инсон тарбиясига қаратилган ахлоқ-одоб унсурларини жорий этиб келдилар. Бугун маънавият тарихи шуни курсатадики, циливизация (тамаддун) дегани – бу инсоннинг ўзини-узи англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг хосиласи экан.

Бу даврда яшаб ижод этган олимлардан бири Шарқ мутафаккирларининг ичидаги энг атоқлиси, уйғониш даврининг номдор вакили Абу Наср Фаробийдир (873-950). Фаробий унинг тахаллуси бўлиб, тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархондир. Урта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида тараққиյпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи унинг номи билан боғлиқ. Фаробий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юонон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, "Ал-Муаллим ас-соний" - "Иккинчи муаллим" (Аристотелдан кейин), "Шарқ Арастуси" деб юритилган. Фаробий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб – Ўтрор деган жойда туғилган ҳудуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси ҳисобланган. Фаробий бошланғич маълумотни она ютида олди. Сўнг Тошкент (Шош),

Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан Марказий Осиёдан келган кўп илм ахллари тўпланишган эди.

Олим комил инсоннинг жамият тараққиётида, ахлоқий ривожида муҳим шахс эканлигини бир неча асарларида қайд этиб ўтади. "Баҳт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола", "Баҳт-саодатга эришув ҳақида рисола" асарларида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди¹.

Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий асарларида ҳалқ ҳокимияти ва демократия, комил инсон ва етуклик тамойилларига очик-ойдин шама қилинади, чунончи мутафаккирнинг уқтиришича, жаҳолатли шаҳарларнинг барча турлари орасида жамоа шаҳри демократик бошқарувга жуда яқин туради, бу шаҳарнинг аҳолиси мутлақо тенг ҳуқуқли бўлиб эркин ҳаракат қиласи, қарамлик ва тобелик муносабатларига ўрин йўқ, яқин ва олис кишилар устидан ҳукмронликка даъво қилмайди. Шаҳарнинг бу тури жаҳолатли шаҳарлар орасида энг каттасидир, чунки ҳамма томондан одамлар бу ерга оқиб келади, натижада унда кўп одам тўпланиб қолади, улар орасида саҳоватли ахлоқ соҳиблари ҳам бўлади. "Шу сабабли, - деб уқтиради Фаробий, - бир вақт келиб унда энг муносиб кишилар етишиб чиқиши эҳтимодан ҳоли эмас... Бундай шаҳардан саҳоватли шаҳар қисмлари ажralиб чиқиши мумкин".

Мутафаккир назаридаги комил инсонлар яшайдиган шаҳарда санъат, фан турларини, касб-корни, кўнгил очар тадбирларни эркин танлаш имконияти мавжуд; яхши хулқ-атворлар, одат ва анъаналар ҳукмрон; аҳоли ҳар қандай зўравонликни рад этади, энг истеъододли, юксак маънавиятли ва энг мақбул кишиларни ҳукмдорликка кўтаради; фуқаролар ўз ватанини душмандан ҳимоя қилишга ўз юртида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга тайёр ва қодир.

¹ Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри", Т.: А.Қодирий, 1993 й, 28 б.

Фаробий эркинлик ва тенг ҳуқуқликни умумбашарий қадриятлар, деб ҳисоблади, аммо, юқорида айтилганидек, бошбошдоқликка йўл қўймайдиган ва эзгу фазилатларни ривожлантириш учун шароит яратишга қодир бўлган қаттиққўл бошқарувсиз ялпи баҳт-саодатга эришиб бўлмайди, деб ўйлаган. У ижтимоийadolatни ижтимоий турмуш меъёри деб, шаҳарнинг бутун аҳолиси фойдаланадиган умумий неъматларни одилона тақсимланган неъматлар сақланиб қолишининг гарови, деб тушунган. Шундай қилиб, Фаробий таълимотига кўраadolat – имкониятлар ва тақсимотдаги тенгликдир.

Фаробийнинг фикрича, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаган ҳолдагина фуқаролик жамиятини барпо этишнинг олиймақом моделини яратиш мумкин. Фаробий давлат билан жамият ўртасидаги тавофтни англаған ҳолда, ўз давридаги ижтимоий тузилмани батафсил тадқиқ қиласди. У ижтимоий табақаланиш яшаб келаётганлиги, мавжудлиги ва истиқболларини мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисоблаб, бўйсундурувчилар ва бўйсунувчиларнинг бир неча категориясини ажратиб кўрсатаган, ҳолда шундай ёзади: “Шаҳарда муайян инсон – бошлиқ бор ва ўз табақаларига кўра шу бошлиққа яқин бошқа кишилар ҳам бор, шу кишиларнинг ҳар бири ўз мавқеи, қобилиятига кўра бошлиқ белгилаб берган мақсадга мувофиқ ҳаракат қиласди. Бу кишилар биринчи пиллапояда туради, улардан кейинги кишилар биринчиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиласдилар ва иккинчи пиллапояни эгаллайдилар. Улардан кейинги кишилар ўзларидан олдинги пиллапояларнинг мақсадларига биноан ҳаракат қиласдилар. Шу тариқа шаҳар уюшмасининг турли аъзолари ўзидан олдингиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиласдиган тартибда жойлашадилар, сўнггилар фақат хизмат қиласдилар, аммо уларга ҳеч ким хизмат қилмайди. Улар энг қуи пиллапояни эгаллайдилар ва энг қуи ҳолатда турадилар”.

Маълумки, араб халифалиги жуда катта ҳудуддаги давлат бўлиб, турли мамлакат ва халқларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштирган эди. Тарқоқ феодал ерларини марказлаштириш, якка худолик динининг тамаддун учун устунликлари, анча юқори араб-форс маданиятининг ҳамма жойга,

жумладан Марказий Осиё халқлари ўртасида тарқатилиши нуқта назаридан мусулмон дини умуман ижобий роль ўйнади. Ана шундай шароитда Фаробийнинг схоластика ва ақидапарстликка қарши бўлган назарияси узоқ муддат давомида жамиятдаги ақл-идрокка таъсир ўтказиб, чуқур ва илғор инсонийлик мазмунини намоён этиб турди¹.

Фаробийнинг комил инсон ғояси тўғрисидаги назарияси шу билан фарқланадики, аввало у ҳам юон, ҳам араб мутафаккирларининг жуда катта илмий меросига таянади. Фаробий машҳур иборани бошқача тарзда ифодалаб, қандай ва қай тарзда яшашни билмоқ учун, дунёнинг бутун мажмуасини идрок этиш ва тадқиқ қилиш, инсоннинг ундаги ўрнини аниқлаш, унинг яшаш маъносини белгилаш, ўзгаришларнинг назарий асосини таърифлаш, фақат шундан кейингина барча фуқароларнинг кучи билан саҳоватли шаҳар қуришга киришиш керак, деб ҳисоблаган эди. “Ўз табиатига кўра ҳар бир инсон шундай яратилгандирки, - дейди Фаробий, - у ўз ҳаётини таъминлаш ва олий камолотга эришиш учун кўпгина буюмларга муҳтож бўлади, бу буюмларни у бир ўзи яратади ва уларга эришмоғи учун ҳар бири умумий хазинадан ўз эҳтиёжига керакли қандайдир буюмни етказиб берадиган одамларнинг муайян ҳамжамиятияга муҳтож бўлади. Равшанки, Фаробий назарида шахс – ижтимоий мавжудотдир; у “кўп кишиларнинг битта яшаш жойида бирлашуви орқали шу учун зарур имконият олиши ва олий камолотга эришиши мумкин”.

Муаллифлардан бирининг ҳақли равишда қайд этишича, Фаробий ижтимоий ҳаёт соҳасида бир неча йирик масалаларини кўтарган.

Фаробий ижтимоий уюшмаларнинг тарихий роли ва ижтимоий моҳиятини таъкидлаш билан бирга уларнинг бошлиқларини кўпчилик ижобий фазилатларга эга бўлган: ақлий, жисмоний, аҳлоқий, моддий, маънавий талабга жавоб берадиган бир неча тенг ҳуқуқли комил кишилардан муқобиллик асосида танлаб олишни таклиф қиласиб. Бундан чиқадиган маъно шуки, фақат энг ўқимишли бадавлат зодагонлар ва ҳеч бўлмагандага илғор зиёлиларнинг моддий

¹ Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри”. Т.: А.Қодирий, 1993 й. 31 б.

жихатдан таъминланган намоёндаларигина хукмдор бўлишлари мумкин.

“Агар бирон-бир ҳолатда раҳбарликда донишмандлик йўқ бўлиб қолса, - деб ёзади Фаробий, - ҳатто у бошқа ҳамма шартларга жавоб берганда ҳам, саҳоватли шаҳар-давлатсиз қолади, шаҳарни бошқарувчи бошлиқ эса ҳоким бўлолмайди, шаҳарнинг ўзи эса ҳалокат ёқасига бориб қолади”.

Жамиятда турли ҳалқлар яшайди, деб ёзади Фаробий, - улардан ҳар бирининг уч белгиси: “табиий феъл-атвори”, “табиий характер белгилари” ва “табиий тили” бир-биридан фарқ қиласди. Фаробий ҳалқларнинг бундай хилма-хиллигига асосий сабаб қилиб, ажабтовур бўлса ҳам, самовий жисмлар қисмларининг самодаги сферага нисбатан, қўзғалмас юлдузлар сферасига нисбатан ҳолатидаги тавофутни кўрсатади; оғма сфераларнинг ер қисмларига нисбатан ҳолатларида фарқ бўлади, деб ҳисоблайди. “Бундай тавофут, аввало, ер мазкур қисмлари тепасида биринчи сфера қисмларининг ҳолатидаги фарқ билан, сўнгра эса улар тепасида қўзғалмас ёриткич ҳолатидаги фарқ, сўнг уларнинг оғма сфералари ҳолатидаги фарқ билан боғлиқдир. Ердан кўтариладиган буғланишнинг фарқи ер қисмларининг фарқи билан боғлиқ бўлади, ердан чиқадиган буғланишларнинг ҳар бири шу ернинг ўзига ўхшайди. Ҳавонинг фарқи ва сувларнинг фарқи буғланишларнинг фарқи билан боғлиқ бўлади. Сўнг, айтишларича, ернинг ҳар бир жойидаги сув шу жойнинг ер остидаги буғланишлардан ҳосил бўлади. Ернинг ҳар қандай жойидаги ҳаво ердан осмонга кўтариладиган буғланишлар билан аралашади. Қўзғалмас сайёralар сфераларининг фарқи, биринчи сферадаги фарқ, оғма сфералар ҳолатининг фарқи, ҳавонинг фарқи, сувларнинг фарқи, ўсимликларнинг фарқи, ақлсиз жонивор турларининг фарқи, ҳалқларнинг овқатланишидаги фарқи ҳам шу тартибда давом этаверади. Уларнинг овқатланишдаги фарқ одамлар авлоддан-авлодга кўнишиб қолган чорва ва ўсимликларнинг фарқи билан боғлиқдир. Шундан кейин феъл-атворларнинг фарқи ва табиий характер хусусиятларнинг фарқи келади. Худди шунингдек, у ёки бу ҳалқлар тепасидаги осмон қисмларининг фарқи феъл-атворлардаги ва характер хусусиятлардаги фарқларнинг сабабидир. Сўнг мазкур

фарқларнинг ўзаро таъсиридан ва қўшилишидан ҳосил бўлган турли қоришмалар халқларнинг феъл-авторлари ва характер хусусиятлари ўзгаришига қўмаклашади. Шундай қилиб, бу соҳада ҳам мазкур табиий нарсаларнинг бирлашуви, уларнинг бир-бирлари билан турли босқичлардаги қўшилиши содир бўлади, шу йўл билан самовий жисмлар уларнинг мукамаллашувига қўмаклашади”.

Мусулмон Шарқининг бошқа кўпгина атоқли ислоҳотчи, маърифатпарварлари каби Фаробийнинг ҳам ижтимоий турмушни ижтимоий утопия (ҳаёлот) асосида қайта қуриш йўлидаги урунишлари олий даражада мақтовга лойиқdir. Биз, совет илмий адабиётида келтирилганидек, Фаробий таълимотининг аниқ мазмунини хаёлий пуч бир нарса, деб айтишга ҳақимиз йўқ, у ижтимоий тараққиётнинг чуқур сабабларини ҳозиргидек тушунмаган, деб унинг одамлар хаётини ўзгартириш йўллари тўғрисидаги тасаввурини камситмоқчи эмасмиз. “Ақл-идрокнинг ялпи ҳукмронлиги” бир орзу ва олий мақсад бўлиб, ўзидан ҳам дадилроқ ғоялар ва йўл-йўриқларга замин яратди.

Фаробийнинг комил инсон тарбияси тўғрисидаги назарияси мутафаккирнинг барча издошлари қарашларига жуда катта таъсир ўтказди. Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд ҳам инсонни фуқароларга хос хислатларга эга бўлган комилликка интилевчи мавжудот деб тан олиб, одамларнинг саҳовати ва қобилиятлари фақат биргаликда яшагандагина ривожланади, деб ҳисобладилар. Чунончи, Берунийнинг таъкидлашича, инсон “Эҳтиёжлари кўплиги ва сабр-қаноати камлиги оқибатида ҳимоя воситаларидан маҳрумлиги ва душманларнинг кўплиги сабабли муқаррар равишда ўзаро ёрдамлашиш ҳамда ўзини ва бошқаларни таъминлайдиган ишлар билан шуғулланиш учун элатлари билан бир жамиятга бирлашишга муқаррар мажбур бўлган”. Ибн Сино эса бундай деб ёзган: “Инсон бошқа мавжудотлардан шу билан фарқ қиласики, агар у ўзининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришда ёрдам берадиган мададкорга таянмай, яккаланиб, бир ўзи яшаса, ўз ишларини фақат ўзи бажарса, омон-эсон қола олмаган бўлади”. Аверроэс асарларида ҳам Фаробийнинг ижтимоётга хос баъзи ғоялари сезилади: “ҳаммадан кўра кўпроқ мукаммалик биргаликда олинган кўпгина индивидларда мавжуд бўлади, деб ёзган эди Ибн Рушд. – Айрим индивид учун

бошқаларнинг ёрдамисиз бирон-бир саҳоватни қўлга киритиб бўлмаслиги равshan. Инсон саҳоватга эришмоқ учун бошқа кишиларга муҳтож бўлади, шу сабабли у ўз табиатига кўра фуқаро мавжудотдир”.

Фаробий ижтимоий турмуш камчиликлари ва иллатларини танқид қилганида уни тубдан қайта қуришни асло талаб қилмаганлиги, балки уни такомиллаштириш тарафдори бўлганлиги тушунарли.

Фаробийнинг асарлари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритишга бағишлиган бўлиб, уларда асосини идеал давлат ташкил этиш ҳақидаги қарашлар ўрин олган, одил жамиятнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишига катта ўрин берилган эди. Фаробий ўз қарашлари ва фикрларининг ҳаётийлигига қарамай, кўп асрлар муқаддам давлат демократик кўринишини; тузилма ва мазмун сифатларини илғаб оладиган ҳамда кўрсатиб берадиган қатор элементларни камраб олган ўз феноменининг у ёки бу даражада кенгайтирилган тузилишини назарий жиҳатдан қуришга муваффақ бўлди. Масалан, у санаб ўтадиган подшолик, киборлик, диктатура каби бошқарув шакллари рўйхатида демократияни, яъни “бошлиқ ҳам, тобе ҳам бўлмайдиган” халқ ҳокимиятини фарқлаб кўрсатади.

Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги давлат, унинг қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ ғоялари катта аҳамиятга эга. Фаробий ўз фаолиятида ўз даври учун илгарилаб кетган юксак даражадаги (идеал) давлат қурилиши ҳақидаги назарияга таянган ҳолда, фозил жамият қуриш тамойилларини таҳлил этган. Мутафаккир орзусидаги ушбу идеал давлат ғоясини назария соҳасида ўз ақлий салоҳиятининг яхлит тизимини яратишга муваффақ бўлган. Ушбу фозил давлат ҳақидаги қарашлар, демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарувининг тузилмавий жиҳатлари, мазмун ва моҳиятини ҳамда имкониятларини очиб берувчи қатор ғояларни ўз ичига олган таълимотлиги билан ҳам қимматлидир¹.

¹ Фараби. Гражданскская политика. - В кн.: Аль-Фараби Социально-этические трактаты Алма-Ата, 1973. стр 156.

Бундай давлатда "аҳоли инсоннинг ҳақиқий турмуши, унинг яшаши, таъминоти во саломатлигини сақлашига дахлдор энг юксак мезонларга эришишда "бир-бирига кўмаклашади" ва "барча ўз хизматларига яраша бойликдан улуш олиши керак, акс ҳолда бу адолатсизлик бўлади"¹.

Фаробий таълимоти давлат ва жамиятга шарқий утопик қарашга асос солди ва бу таълимот кейинчалик олимлар томонидан ўрганилган ва татбиқ этилган.

Улар ўз замонларининг ҳақиқий воқеалари ва амалиётидан келиб чиқиб, бу таълимотга кўплаб янги муҳим жихатларни, аниқликларни киритдилар, қатор қоида ва принципларини ойдинлаштиридилар. Масалан, Кошифий сиёсатсиз ва бошқарувсиз давлат бўлмайди, чунки уларсиз "дунёнинг муҳим ишлари тартибли олиб борилмайди. Агарда тарбия ва жазо тўғрисида қонун бўлмаса, давлатнинг ишларига путур етади" деб хисоблаган².

У бошқарувнинг икки турини: ўз қалбини бошқариш ва тобеларни (фуқароларни) бошқаришни фарқрайди. Давлат аппаратининг мураккаб тузилмасига, уни бошқаришдаги улкан қийинчиликка эътиборни қаратади. Давоний эса, давлатсиз жамиятда тартиб ўрнатиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқарув бўлмаса, ўзаро қўллаб-қувватлаш тартибга тушмайди, ҳар бир киши ўз манфаатларидан келиб чиқиб бошқа кишига зарар етказади.

Фаробийнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари мана бир неча аср ўтган бўлса ҳам, ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Унинг бу қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз қадрига эга бўлиб, ёшларни тарбиялашда, баркамол инсон қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир етук олим Ибн Синодир. Дунё тамаддунида машхур ном қозонган беназир аллома Абу Али ибн Сино (Авиценна)нинг оқил давлат арбоби, истеъдодли шоир ва адабиётшунос, нафис мусиқашунос ва физик, ўткир математик ва астроном, кучли химик ва географ, моҳир руҳшунос ва файласуф бўлганлиги унинг яратган илмий-адабий меросидан маълумдир. Ибн Сино мутолаасининг

¹ Социольно-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: Фан, 1983, стр 37-38.

² Ўша ерда, стр 121.

бойлиги, илмнинг мاشақкат ва заҳматига чидамлилиги ва ғайрати билан ўтмишдошларини лол қолдирган. Унинг нодир ва ўлмас асарлари нафақат Шарқда балки Ғарбда ҳам машҳурдир.

Абу Али ибн Сино (Авиценна) – замондош олимлар томонидан “Шайх ур-Раис” (олимлар йўлбошчиси, устози), ғарбда – “Файласуфлар султони” ва “Шифокорлар подшоҳи” номи билан шуҳрат қозонган, X-XI асрда мусулмон Шарқида етишиб чиққан буюк қомусий олим, ҳаким ва файласуфдир. Унинг номи барча даврларнинг энг кўзга кўринган, маълум ва машҳур олимлари, файласуфлари ва маърифатпарварлари ичида ҳам энг ёрқинидир. Ибн Синонинг ижоди бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Оврўпо фани ҳамда маданиятига салмоқли таъсир кўрсатган. Ўрта асрларга оид миниатюраларда Ибн Синони ҳақли равишда Аристотел, Платон, Птолемей, Гиппократ, Гален, Евклид каби фаннинг буюк намояндлари билан бир қаторда тасвирлаганлар.

Ибн Сино ўзининг бутун ҳаёти давомида тинмасдан изланди, меҳнат қилди. “Мен меҳнат билангина тирикман, - деб таъкидлар эди у, - қолганлари эса фақат кун кечиришгина холос”. Илму фан Ибн Синонинг бутун борлигини қамраб олган, аллома унга ўзини бутунлай бахшида этган эди.

Олимнинг илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва табиий қарашлари жуда серқиррадир. Қайси фан соҳасига қалам урмасин, унда ўз зикрини қолдира олган. Мутафаккир ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва баҳт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган.

Буюк олим Ибн Сино ҳақида қуйидагиларни ўқишимиз мумкин: “Ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарслкларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аникроқ қилиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни,

маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор”. Ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлар яратди, лекин бизнинг давримизгача улардан 242 таси етиб келган.

Ибн Сино ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида илк ўрганиш борасида чеккан машакқатларини қуидагича баён этади: “Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен кечалари кам ухлаб, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда ҳам ўнгимдаги ўша масалаларни кўрадим, кўп масалалар ечими тушимда аён бўларди. Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим¹”.

Ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлар яратган: “Тадбир ал-манозил”² (“Турап жойни бошқариш чоралари”), “Рисола фи илм ал-ахлоқ” (“Ахлоққа оид рисола”), “Рисола фи ал-аҳд” (“Бурч ҳақида рисола”), “Рисола фи тазкият ан-нафс” (“Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола”), (Сиёsat ал-бадан”), (“Баданни бошқариш”), (“Китоб ал-ансоф (“Адолат ҳақида китоб”), “Ал-уржуза фит-тибб” (“Тиббий уржуза”). Мазкур асарларнинг бугунга қадар баркамол авлодларимизни таълим ва тарбиясида, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган доно, билимли ва кучли бўлишларида аҳамияти бекиёс.

Чунончи олим “Тадбир ал-манозил” (“Турап жойни бошқариш чоралари”) деган асарида одамларнинг оила қуриши тўғрисидаги масалага оид ўз мулоҳазаларини баён этади. Бундан ташқари, Ибн Сино ахлоққа тегишли “Яхшилик ва ёмонлик” деган асар ҳам ёзган. Бу асар ҳақида олим ўз таржимаи ҳолида эслаб ўтади. Лекин бу китоб бизгача етиб келмаган бўлса керак, чунки бу китоб олим томонидан тақдим қилинган кишининг ўзидағина бўлиши таъкидланган эди. Ибн Синонинг ўзи ҳам ўша пайтда унинг асрлар оша олмаслигини пайқаган шекилли, бу ҳақда таржимаи ҳолида

¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: Ўзбекистон, 1971, 271-бет.

² Бу асарнинг форс тилига қилинган таржимаси 1930 йил Техронда нашр этилган.

шундай деб ёзади: “Абу Бакр ал-Барқий деган Хоразмда туғилган бир қўшним бор эди, ўз табиати билан у киши фақиҳ – қонуншунос бўлиб, тафсир ва порсоликда ягона эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган “Ҳосил ва маҳсул” деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, унга ахлоққа тегишли бир китоб ҳам ёзиб тақдим этдим. Китобнинг номини “Китоб ал-бирр вал-исм” (“Яхшилик ва ёмонлик китоби”) деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқада йўқ. У икковидан нусха олиш учун ҳеч кимга бермаган ҳам”¹.

Ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола” асарининг қўлёзмаларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтининг китоб фондида (2385 рақамда XXVI) мавжуд бўлиб, бу асар 1908 йили Мисрда Ибн Синонинг “Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи” китоби ичида (152-156-бетлар) нашр қилинган. Иккинчи марта бу рисола 1910 йили Мисрда араб олимни Муҳийиддин Сабрий Қудрий томонидан “Рисолалар мажмуаси” (“Мажмуат ар-расоил”) асари ичида (192-203-бетлар) чоп этилган.

Ибн Сино ўзининг “Ахлоқ ҳақидаги рисола”сида ахлоқий хислатлардан ор-номус, шаън, қадр-қиммат, қаноат, сахийлик, ғайратлилик, сабр-тоқат, ҳалимлик, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, виждонлилик, дўстлик, садоқатлилик, камтарлик, сахийлик, адолатлилик каби шахс маънавияти категорияларига таъриф беради:

“Ғайратлилик” олимнинг фикрича, ғазабий қувватга мансуб бўлиб, бунда инсон ҳар қандай оғриқ ва аламларга бефарқ қарайди.

“Ҳикмат” тамайзий қувватга мансуб бўлиб, инсонни хато ва янглишишлардан асрайди.

“Қаноат”, яъни мўътадилликка таъриф бериб, Ибн Сино уни тана учун нормадан ортиқ озуқани истеъмол қилишдан сақланиш ёки хулқ нормаларига тўғри келмайдиган ишларни қиласлик деб тушуниради.

“Сабр” инсондаги шундай қувватдирки, у орқали инсон бошига тушган ёмонликдан холи бўлади.

¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: Ўзбекистон, 1971, 310-бет.

“Юмшоқлик” ғазабнинг юз беришидан ўзини тутишдир. Кимки ўзини ғазабдан тута олмаса, у оқибатда жиноят содир бўладиган феъл-авторга гирифтор бўлади. Ғазабдан ўзини тутишни Ибн Сино инсоннинг олижаноблигидир, деб жуда тўғри таъкидлайди.

“Виждонлилик” тез фаҳмлаш, хис орқали берилган бирор нарсанинг ҳақиқий маъносига тез етишдир ва турли хил ёмон ишлардан ўзини тийиб туришдир.

“Раҳмдиллилик” омадсизликка учраган ёки бошқа оғир кулфат тушган инсонларга ҳамдард бўлиш.

Ибн Синонинг тарбияга бағишлиланган рисолаларидан яна бири “Бурч рисоласи”дир. Бу асар 1910 йили Мисрда чоп этилган. Бу ерда Ибн Сино, асосан, одам ўзини доимо покиза тутиши кераклиги, инсонлар билан қандай муомала қилиш лозимлиги каби масалаларга тўхталиб ўтади.

Бундан ташқари, Ибн Синонинг ахлоққа оид асарларидан яна бири “Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола”дир. Ибн Синонинг бу асари (қўлёзмаси) Тошкентда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида мавжуд.

Донишманднинг тарбия мавзусига бағишлиланган асарларидан яна бири “Сиёsat ал-бадан” (“Баданни бошқариш”) дир. Бунда Ибн Сино ичкиликнинг зарари ҳақида, унинг қонун-қоидаларига ҳам тўхталиб, шаробни керагидан ортиқча ичилса, инсон баданида заҳарга айланишини таъкидлайди.

*Дастурхонда тўқин бўлса ҳам қанчалик,
Ичаверма, ҳирс қўйиб то бўкканчалик.*

Ибн Синонинг ахлоқ ва одоб борасидаги қарашлари унинг шоҳ асарлари “Тиб қонунлари”¹, “Аш-Шифо”ларнинг деярли барча қисмларида, шунингдек, унинг бадиий асарларида, айниқса, тибий поэмаси “Ҳайй ибн Яқзон”, “Қуш рисоласи”да ҳам ўз аксини топган. Ибн Синонинг “Тибий поэмаси” шеърий тарзда ёзилган, унинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв №300816) мавжуд бўлиб, бу асар

¹ “Тиб қонунлари”нинг дунё мамлакатларида машҳурлигини жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларининг кўплигидан билса бўлади. Маҳдавийнинг фихристида “Қонун”нинг 130 нусхаси келтирилган. Яхё Маҳдавий. Фихристи нусхаҳои мусаннафот-и Ибн Сино. Техрон 1333, №98. ЎзР ФАШИ қўлёзма фонди №3316. 97 85.

дастлаб 1936 йили турк олими Шарофиддин Ялткая томонидан турк тилига таржима этилган. 1956 йилда эса Жазоир университетининг профессори Нуриддин Абдулқодир билан француз олими Ҳенри Жак томонидан Парижда француз тилига ўгирилган таржимаси билан арабча матни чоп этилди. Олим А.Э.Шлионский Душанбеда бу асар асосида номзодлик диссертациясини ёқлаб, уни русчага таржима қилиб, баъзи қисмларини журнал ва тўпламларда нашр этди. 1972 йилда ўзбек шарқшунос олими Шоикром Шоисломов уни таҳлил ва насрый таржима қилиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриётида ўзбек тилида чоп этди ҳамда бу асар асосида номзодлик диссертациясини ёқлади. Асар 1326 байтдан иборат бўлиб, бунда Ибн Сино тиббиётнинг турли-туман соҳаларига тўхталади ва инсонга энг зарур бўлган тиббий маслаҳат ва йўриқномаларни баён этади. Асарда муаллиф овқатланиш ва ухлаш гигиенаси, нафсоний кайфиятлар, соғлиқни саклаш ҳақида инсон организми учун истеъмол қилиниши лозим бўлган нарсалар ҳақида, ичимлик сувлар, ичкиликлар, бадан тарбия ҳақида, иссиқ ва совук пайтда сафарда қилинадиган ишлар ҳақида, болалар тарбияси, боланинг туғилиши ва гўдаклиги ҳақида, дори-дармонларни ишлатиш ҳақида баҳс юритади¹.

Бундан ташқари, Ибн Синонинг ахлоқ мавзуидаги қарашлари унинг “Китоб ан-ансоф” (“Адолат китоби”) да ҳам ўз ифодасини топган. Бу асар йигирма жилдан иборат. Лекин у бизгача етиб келмаган. Бу тўғрида олимнинг садоқатли шогирдларидан бўлган Абу Убайд ал-Жузжоний шундай ёзади: “Шайх Абу Али ибн Сино “Китоб ал-ансоф” (“Адолат китоби”) деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфаҳонга бостириб кирган куни унинг аскарлари шайхнинг уйини талон-торож қилди, шунда бу китоб ҳам ўша ерда эди, шу тариқа китобдан асар ҳам қолмади”².

Ибн Сино ўзининг “Уюн ал-ҳикма” (“Ҳикмат булоқлари”) асарида ҳам таълим ва ахлоққа оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унда айтилишича, ахлоқ фани одамнинг чинакам баҳтли бўлиши учун унга доимо йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган фандир. Бу

¹ Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари (“Уржуза”) Т.; 1972.

² Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т.: Ўқитувчи, 1980, 13-бет.

фан кишининг хулқи, феъл-атвори устидан раҳбарлик қилади. Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонлар бир-бири билан дўст-иноқ бўлиб яшаши, уларда инсонпарварлик руҳи ривожланиши лозим. Инсонлар камтар, иродаси кучли, тежамкор бўлиши зарур. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак. Яхши хулқли кишиларда инсонларнинг энг яхши хислатлари мужассамлашган бўлади. Шунингдек, асарда кишидаги одамшавандалик, бир кори хайр қилишга ишонч, ирома, бу борада тадбиркорлик, дўстга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, душманга нисбатан нафрат хислатларининг бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилади¹.

Ибн Синонинг “Ал-уржуза фи-т-тибб” (“Тиббий уржуза”) достони унинг тиббий асарлари ичида “Тиб қонунлари”дан кейинги ўринда турувчи энг машҳур асаридир. Мазкур достон араб тилида ражаз услубида ёзилган бўлиб, ҳажми нисбатан кичик бўлишига қарамасдан (2644 қатор), тиббиёт ҳақидағи таълимотни бутунлай ўзида мужассам этган. Китоб тиббиётни ўрганувчилар учун дарслик сифатида мўлжалланган эди (шеърларни эслаб қолиш осонроқ бўлганлиги туфайли, дарсликлар кўпроқ шеърий шаклда ёзилар эди). Шунингдек, асарда ахлоқ-одоб, вафо ва садоқат каби инсоний зийнатларга эътибор қаратилган. Ибн Сино ушбу дидактик достонига ёзган муқаддимасида: “Мен унга мукаммал либос кийдирдим ва гўзаллик чакмонига ўралганини кўриб, ўзим ҳам ундан шодландим”, - дейди. “Гўзаллик чакмони” – бу асарнинг мазмунини белгилаб берувчи шеърий шаклдир. Шу боис “Уржуза” ўрта аср тиббиётининг ўзига хос “Ва де месум” и (айнан “мен билан юр”), яъни етакчиси бўлиб қолди. Кейинги асрлардаги йирик олимлар ҳам мусулмон оламида “Уржуза”нинг жуда оммавийлашиб кетганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. “Уржуза”га кўплаб шарҳлар битилган ва у қайта-қайта жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шарҳловчилардан Ибн Рушдни, ҳамда “Уржуза”ни ўта қадрлаб, уни “.... фаннинг барча негизларини ўз

¹ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. Т.: Фан, 1983. 15-18-бетлар.

ичига олади ва бутун бир китоблар коллекциясидан-да ортиқроқ туради”, - деб билган Мұхаммад ибн Исмоилни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

“Тиббий уржуза”нинг ёзилиш сабаблари ҳақида Ибн Сино шундай ёзади: “Мен баъзи мамлакатларда тиб санъати табибларнинг бирлашишига эмас, балки касалхоналар ва мактабларда уларнинг орасида ўзаро баҳс ва мунозарани вужудга келтирганини кўрдим. Мен ўз илмий жамоасини бойита олишга қодир бўлмаган инсонларни кўрдим: касалхона, мактаб – унинг қонун-қоидалари ҳақида хеч қандай тасаввурга эга бўлмаган инсонларни, бирон-бир аҳлоқий асосдан маҳрум, тиббий билимларини ривожлантирмасдан юрган, уни етарли даражада ўрганмаган инсонларни, бирор пойдеворга эга бўлмаган билимлари билангина ҳаракат қилаётган ва ўзларини устоз деб ҳисоблаган инсонларни кўрдим”¹.

Ибн Синонинг уқтиришича, инсонларда эзгу ният, ҳиммат, хайр-саҳоват, шиҷоат, адолат, покизалик, билимдонлик, иродалилик хислатлари билан бирга хасислик, ўғрилик, товламачилик, кўрқоқлик, такаббурлик, иғвогарлик, дангасалик, мунофиқлик, кибрлилик каби салбий аҳлоқий хислатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Ибн Сино фикрича, инсонлар феъл-атворида айрим нуқсонлар бўлади, қайсики одамлар доимо булардан ўзини асраб-авайлаб юриши, иложи борича улардан қочиши лозим. Ана шу нуқсонларни у санаб кўрсатади. Буларга ёлғончилик, рашқ, хусумат, қасд олиш, тухмат, иродасизлик каби салбий хислатларни киритади. Булар ичида энг катта нуқсон, дейди Ибн Сино, кишининг ноёб фазилати бўлган илмга зид келадиган нодонлигиdir.

Ибн Сино киши қалбига бўлиши мумкин бўлган мана шундай хислатларни “Ҳайй ибн Яқзон” асарида рамзий ишоралар билан баён қиласи, яхши-ёмон хулқ, феъл-атворларни иборали тарзда “киши ошналари” тариқасида талқин қиласи. Бу ошналарнинг баъзиси кўп номақбул йўлларга бошлайди, инсон ана шу йўлларга киришдан ўзини эҳтиёт қилиши лозимлигини уқтиради.

¹ Абу Али Ибн Сино. ЎМЭ. Т.1.2002. 60-бет.

“Яхшилик ҳаммага бевосита севимли, - дейди Ибн Сино ўзининг “Рисола фи-л-ишқ асари”да, - агар шундай бўлмагандан эди, ҳар ким ўзи истаган, ёки орзу қилган ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди”¹.

Ибн Сино ўз асарларида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва биродарлик каби ғояларини тарғиб қиласи, киши ҳаётида чин дўстлик эътиқод сифатида улуғланишини кўрсатади. Дўстликка таъриф бериб у қуидагиларни ёзади: “Дўстлик инсонга хос бўлган шундай бир хислатдирки, бунда бошқа бировга яхшилик исталади, бунда инсон яхшиликни аввало дўстлари учун истайди, Дўст бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигига ҳам, баҳтсизлик кезларида ҳам қайғу ва шодлигига шерик бўлади”².

Дўстликнинг ташқи кўриниши аломатларига тўхталиб, Ибн Сино уни уч турга бўлади: биринчиси, сухбатлашиш бўлиб, бу дўстликнинг шундай ҳолатидирки, бунда икки киши ҳозирлигининг вақт узунлигини билдиради. Иккинчиси, қувонч бўлиб, бу учрашувдаги лаззатни билдиради. Учинчиси, боғланиш бўлиб, бу никоҳ орқали боғланишни билдиради³.

“Инсонлар ичида нени яхши кўрувчилар бўлса, бу сенга ва сенинг яқинларингга яхшиликни истовчилар бўлади, - дейди Ибн Сино, - мабодо шундайлар топилиб қолса, у ҳолда илтифот мунтазам равища чин кўнгилдан ҳамда беминнат бўлиши керак. Ҳақиқий дўст сенинг дўстингга дўст, душманингга душман бўлади. У дўст душманидан узоқлашади, дўстига яқинлашади. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Чунки бунинг акси бўлса, душманлик саналади”⁴.

Ҳар бир мавжуд нарса ўз моҳиятига кўра камолотга интилади. Мана шу камолотга интилишнинг ўзи моҳиятига кўра яхшиликдир. Ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида яхшиликнинг икки томонини кўрсатиб ёзади: “Биринчи яхшилик қилувчига тегишли бўлса, иккинчиси, яхшилик қилинувчига тегишлидир. Иккинчи яхшилик қилинувчи учун яхшилик ҳисобланади. Лекин яхшилик

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Ўзбекистон, 1997, Ибн Сина. Трактат о любви. Стр.60.

² Ибн Сино. Ал-Хитоба, 135-бет.

³ Ибн Сино. Ўша асар, ўша бет.

⁴ Ибн Сино. Ўша асар, ўша бет.

қилинувчининг мукаммал эмаслигидан дарак беради. Чунки у мукаммал бўлганда эди, у яхшиликни қабул қилишга муҳтожлик сезмас эди”¹.

Агар яхшилик уни амалга оширувчи учун қандайдир мақсадни кўзлаб қилинаётган бўлса ёки мажбурий равишда қилинаётган бўлса, у ҳолда яхшилик бўлмай қолади, чунки комил яхшилик доимо мажбуриятсиз, бирор нарсанинг эвазига қилинмаган яхшиликдир, бундан чиқди у чинакам яхшилик саналади².

Ибн Сино яхшиликни фойдасиз ёки фойдали, роҳат ва ҳузур-ҳаловатга олиб келиш ва келмаслик билан ҳам баҳолайди. “Бирор манфаатни кўзлаб қилинган яхшиликда нимадир берилади ва нимадир олинади. Лекин олинадиган нарса ҳамма вақт кўзга кўринмайди. У хурсандлик, ташаккур, оддийлик кабилар бўлиши мумкин. Қаерда алмашув бўлса, ўша ерда манфаат ётади. Онгли одам нимаики кўнгилдагидек бўлса, у фойдали деб ҳисоблайди”³.

Ибн Сино ўзининг “Уй-жой тутиш тадбири” ҳақидаги асарида аёлларнинг ўн етти хислатини санаб кўрсатади; буларга дастлаб аёл оқила ва иймонли, шарм-ҳаёлик ва ор-номуслик, дидли ва фаросатлик, ораста, ўз эрига садоқатли, фарзанд кўра оладиган, итоаткор, дилкаш, бехархаша, покиза, вазмин, мулойим ва ўзини тутиб олган жиддий ва улуғвор, ҳар бир хатти-ҳаракатида яхши хислатлари сезилиб турадиган тежамкор, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла оладиган мушфиқу меҳрибон бўлиши керак.

Демак, Ибн Сино бу ерда аёлнинг донолигини кўкларга кўтариб мақтайди. Унингча, агар аёл оқила бўлса, ўз эрининг ишончли дўсти ва ҳамдарди бўла олади, у бевафоликни қоралайди, оилани ҳалокатга олиб борадиган сабаб ўша бевафолик, дейди. Инсон ўз хатти-ҳаракатларида эркин эмас, деган нотўғри хулқ-атвор ҳомийлари фикрига қарши ўлароқ Ибн Сино киши доимо эркин ва озод ҳаракат қилиши лозим, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун инсонга масъулият, бурч юклатилган, дейди.

Инсонда, дейди у, яхши ва ёмон майллар мавжуд бўлади ва инсон ўз характерини шакллантириб боради, агар яхшилик

¹ Ибн Сино. Донишнома, Сталинобод, 1957, 202-бет.

² Ибн Сино. Ўша асар, 216-бет.

³ Ибн Сино. Ўша асар, 194-бет.

фазилатига мойиллик инсон табиатини гўзаллаштиrsa, ёмонликка мойиллик эса унинг хулқини тубанлаштиради, яъни маънавий қашшоқликка олиб келади.

Иbn Сино бола тарбиясига оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирап экан, бола тарбиясини унга исм қўйищдан бошлишни лозим топади ҳамда болаларга яхши, муносиб исм танлашни отонанинг дастлабки олижаноб вазифаларидан ҳисоблади.

Сино бола саломатлиги ҳақидаги фаннинг асосчиларидан биридир. Унинг турли асарларида билдирган кўплаб мулоҳазалари фикрнинг чуқурлиги, инсонпарварлиги, таълим тарбиянинг қатор масалаларини ечишга тўғри ёндошилганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Алломанинг фикрича, тарбия бергувчининг бутун диққат-эътибори “боланинг хулқ-атворини яхшилашга, тегишли парвариши амалга оширишга, боланинг теварагида у ёқтирмайдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўлмаслигини таъминлашга қаратилиши даркор. Буларнинг бариси икки томонлама наф келтиради: 1) боланинг қалби ёлғиз эзгуликларнигина билади ва унда мустаҳкам, ўзгармас хулқ-атвор шаклланади; 2) хулқ-атворни мана шундай тартибда такомиллаштириш боланинг жисмоний ривожланишига ҳам ижобий таъсир қўрсатади. Шу боис, боланинг ҳам аҳлоқий, ҳам жисмоний саломатлиги унинг тарбиясига боғлиқ бўлар экан”.

Унинг асосий тамойиллари қуйидагича: Алломанинг фикрича, авваламбор ота ўз фарзандига яхши исм қўйиб, унга ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом энага ёки тарбиячи ёллаши лозим. Гўдак эмизикли ёшдан ўтиши биланоқ, отаси у ҳақда қайғуриши, уни нохуш таъсир ва шу каби қўнгилсизликлардан ҳимоя қилмоғи зарур. Бола олти ёшга қадам қўйганда унга мураккаб бўлмаган вазифаларни бажаришни ўргатиш керак. Бироқ буни, Иbn Синонинг тавсиясига кўра, эҳтиёткорлик билан, болани ҳаддан зиёд зўриқтириб юбормасдан амалга ошириш, боланинг топшириқни бажаришга қизиқиш билан қарашини назорат қилган ҳолда бажариш лозим бўлади. Иbn Сино бундай болаларнинг хулқ-атвори рисоладагидек ривожланиб, соғлом ва бардам ўсишларига ишонч билдирган.

Мактабда фақат яхши муаллимлар ишлашлари керак. Ибн Синонинг фикрича, муаллим мардонавор, ростгўй ва покиза инсон бўлмоғи, бола тарбияси усулларини ҳамда маънавият қонун-қоидаларини мукаммал билиши зарур. Аллома боланинг якка-ёлғиз илм олишига йўл қўйиш мумкин эмаслигига, бу уни баҳтсиз қилиб қўйишига ишонар эди. Болалар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришлари, бир-бирларидан яхши хулқни ўзлаштиришлари даркор. Муаллим, Ибн Синонинг ҳисоблашича, қуйидаги қоидани ўзлаштириб олиши шартдир: ўқувчини нохуш таъсирлардан асрashi, унинг хуш аҳлоқли ва виждонли дўстлар билан биргаликда бўлишлигини назорат қилиб туриши керак. У боланинг яхши ҳаракатларини ўз вақтида рағбатлантириб туриши, зарур ҳолларда қаттиққўллик кўрсатиши лозим бўлади.

Устоз ўқувчисининг феълинин батафсил ўрганиши, унинг ақл-заковати хусусиятларини билиб олиши керак. У шогирдининг қобилиятини ўз вақтида пайқаб, уни ривожлантириши лозим, чунончи Ибн Сино болаларнинг бири ақлий меҳнатга иштиёқманд бўлса, бошқаси – ҳунарли машғулотларга қизиқишини таъкидлаган. Устоз шуни фаҳмлагандагина, ўқувчидаги иқтидор куртакларини тўғри баҳолаб, унга келажакда касб танлашда кўмаклашиш имкониятига эга бўлади.

Ибн Сино фикрича, болага ёшлигидан бошлаб ёшига мос юмушларни бажаришга ўргатилмоғи лозим. Бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўриш ҳамда болага керагидан ортиқча иш юкламаслик зарур.

Ибн Сино бола хулқини мўътадилликда сақлашга катта эътибор беради. Бу ўринда боланинг истак ва майлларига диққат қилиш зарур. Ана шундагина бола ёшликтан яхши хулқли, эс-хушли бўлиб тарбияланади. Бундай тарбия воситалар қўлланилмайдиган оиласарда болалар жizzаки, жаҳлдор, қўрқоқ ва заиф бўлиб ўсадилар.

Ибн Сино фикрича, ўқитувчи мард, ҳалол-покиза, одобли, самимий ва хулқи билан намуна кўрсата оладиган бўлиши керак.

Тарбиячи болаларни яхши кўриши, ҳурмат қилиши, улар билан хушмуомала бўлиши шарт. Агар бола вазифасини яхши бажарса уни ўз вақтида рағбатлантириш, гоҳида мақтаб қўйиш, аксинча бўлганда

эса, унга танбех бериш керак. Бола тарбиясида бу ҳолат муҳим ҳисобланади.

Минг йил муқаддам битилган алломамизнинг бу фикрлари баркамол авлодларимизни тўғри йўлга солишга, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилишга, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини юксакликка, байроғини баланд кўтаришда беназир хизмат қиласди.

Ибн Сино ижтимоий-фалсафий, таълим ва тарбияга оид асарларида инсонларни фан, маданият, билим ва маърифатга эга бўлмоқ учун, илмнинг машаққати йўлида оғишмай меҳнат қилиб баркамоллик сари интилишга, ҳар бир муаммоли масалага илмий-назарий ёндашишга, ростгўй, вижданли бўлишга – хуллас одамийликнинг энг яхши хислатларини ўзида акс эттиришга ва инсон деган улуғ номни янада ардоқлашга чақиради.

Ибн Сино ўз фикрига садоқатли тарзда илмнинг турли соҳаларини эгаллаган, жуда кўп аниқ фан тармоқларини пухта ўргангандонишманд эди. Олимнинг бизгача етиб келган 242 асардан 80 таси фалсафа, илоҳият ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиқа, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағищланган¹.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш масалаларига Ибн Синонинг муносабати қизиқарли ва ибратлидир. Улар жуда илғор ва ҳозирги замон педагогик қарашларига яқиндир. Ибн Сино Шарқ олимлари ичидан биринчилардан бўлиб тарбиялаш услублари баёни ва тизимини берган. Бу масалаларга унинг “Тадбир ул-манозил” рисоласи, “Тиб қонунлари” асари, “Китоб аш-шифо” фалсафий асари ва бошқа кўплаб таърифлари бағищланган.

Абу Али ибн Сино асарларида камолотга эришишнинг биринчи мезони – маърифатни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун инсон қийинчиликлардан кўрқмаслиги зарур, дейди у:

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т., 2004.

“Эй, биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишидан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир”¹.

Зоро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиласидиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб.

Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

“Хай ибн Яқзон” қиссасини Ибн Сино 1023 йили Ҳамадонга яқин бўлган Фараджон қалъаси қамоқхонасида ёзган деган маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Қисса араб тилида ёзилган.

Иврит (қадимги яхудий) тилига қиссанинг шеърий таржимасини Ибн Эрза (1174 йилда вафот этган), насрый таржимасини 1886 йилда П.Д. Кауфман амалга оширган. Инсоннинг табиатига хос бўлган ижобий ва салбий жиҳатларнинг таърифиға катта ўрин берилган, қиссанинг ўзи эса, умуман инсоннинг маънавий қиёфасига, интизомига, уни номаъқул қилмишларга эргашишдан қайтаришга бағишлиланган. Қиссадаги барча қаҳрамонлар маълум рамзий сиймоларни гавдалантиради: ёш йигит билан бирга Ғарбдан шарққа саёҳат қилаётган қария сиймоси – фаолият кўрсатаётган онг рамзидир. Ғарб деганда моддий олам, яъни инсон танаси, шарқ деганда – инсоннинг руҳий олами, яъни инсон идроки тушунилади. Идрок инсонни ярамас кирдикорлардан огоҳликка чақиради, мантиқ илмини ўрганишга ундейди. Қиссада мантиқни – фаросат (яъни физиогномика) деб юритилган.

Инсон феъл-аворидаги қизиққонлик, мунофиқлик, таъмагирлик, зулмкорликка, ўғрилик ва алдамчиликка мойиллик, ўзининг ҳою-ҳавасларини қондириш истаги, эҳтиросларга берилиш, ҳайвоний ҳирслар – буларнинг барчасини Ибн Сино бузук ниятли “дўстлар” деб атаган. Ибн Сино инсон ўзининг “жиловини” мана

² Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2005. 90-бет.

шундай “дўстлар”нинг қўлига топшириб қўймаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Инсон доимо улардан юқорироқ туриши, доимо ақл-идроқи доирасида одимлаши лозим – шундагина у ўз дўстларини тўғри йўлдан бошлаб боради. Улар сени ўзларига бўйсундириб олмасларидан аввалроқ, - дейди Ибн Сино, - сен уларни ўзингга бўйсундиришинг лозим.

Ибн Сино бу асарида илм-маърифатни ўрганишга киришгани туфайли кўзи очилгани, натижада Ақл (Ҳайй ибн Яқзон) кўзига кўрингани ва илм унга ўз жамолини намоён этганини ҳикоя қиласр экан, илм – ақлни ўлим билмайдиган уйғок, қаримайдиган ёш, бели букилмайдиган – барваста, нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур қилиб зарур бўлган ва билиши мумкин бўлган нарсаларни ўқишга киришгани, бу йўлда ақлни ишга солиб, фаросатли бўлиб, ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларини билиб олганлигини қайд этади.

Демак, “Ҳайй ибн Яқзон” мантиқ илмига бағишлилангани билан ҳам ақлий тарбияда катта аҳамиятга эга. Рисола инсондаги ёмон иллатларни бартараф этишда илму фан, зиёning аҳамияти, инсондаги ақл-тафаккур қувватининг ёмон иллатлардан қутулиши, ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан адабий-фалсафий асаргина бўлиб қолмай, тарбиявий асар сифатида ҳам қимматлидир.

Шунинг учун ҳам у одамларга қаратада шундай хитоб қиласди: “Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан [тўсқинлик] пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, биродарларингиз сизлардан [ўзи билмаган] баъзи нарсаларни ўргансин ва яна бошқалари [бўлса] баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин”.

Модомики, инсон алоқага муҳтож экан, бошқа бирор билан қўшинчилик қилиш учун унинг уйи ёнига уй солади, ўзининг эҳтиёжини қондириш учун эса ишлаб чиқариш маҳсулотларини алмаштиради, душманлардан сақланиш учун ўзгалар билан бирлашади. Мана шу тариқа жипсланиши ва ҳамкорлик ҳисси, бошқаларга нисбатан севги-муҳаббат ва умумий ахлоқий негизлар ишлаб чиқилади. У дўстликни шундай таърифлайди:

- ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз дўстини бошига мусибат тушганда ёлғиз қолдирмайдиган дўстлик;
- манфаатлари ўхшаш ва фикран яқин дўстлик;
- ўз шахсий манфаати ва эҳтиёжини қондиришга қаратилган дўстлик¹.

Олим даъват қилган йўлига намуна ўлароқ ўз давридаги мавжуд фан тараққиётининг барчасини эгаллайди, илм йўлида қанчалик машаққат чекмасин, у ўз илмини ҳали жуда оз деб ўйлади.

Олим бу ҳақда камтаринлик билан:

*Ҳеч бир гап қолмади, маълум бўлмаган,
Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган.
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,
Билдимки ҳеч нарса маълум бўлмаган, - дейди.*

Унинг фанга, табиат сирларини эгаллашга бўлган интилишлари чексиз эди. Ибн Сино бутун фаолиятини ҳақиқатни билишга қаратди; у ўзининг бу йўлдаги интилишларини ушбу сатрларда ифодалайди:

*Ё етарман мақсадимнинг чўққисига охир,
Ё бу йўлда шум ажалдан топгуси ором бу жон.*

Ибн Сино фаннинг жуда кўп, хилма-хил соҳаларига қизиққанини, имкони борича уларни билишга уринганини ёзиб, фаннинг кўп тармоқлари, кўп соҳалари ҳали ўз камолотига етмаганини қуидагича ёзади:

*Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин,
Камолга заррача ҳам йўл топмади.*

У одамларни илм – камолотни эгаллаш йўлидаги қийинчиликлардан чўчимасликка, дадил, сабот билан қадам кўйишга ундейди: “Одамларнинг дадили келажакдаги ишдан кўрқмайди. Энг кўрққоқ кишигина ўз камолотини охирига етказмайди”.

Ибн Сино диний таассубчиларга, ўзини олим деб, тоат-ибодатдан нари ўтмайдиган ва кимки билим ва санъат, фан-

¹ Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2005. 92-бет.

маърифат билан шуғулланса, уни қоралаб, дахрийликка айблайдиганларга қарши шафқатсиз кураш олиб боради.

У жоҳилларни ёруғ дунёни кўра олмайдиган кўрларга тенглаштиради: “Қуёш кўрларга кўринмай, бекинганидек, бу жоҳилларга ҳам дунёда тўғри йўл байроқлари кўринмай қолади”.

Ибн Сино бундай жаҳолатпастлар олдида гапириб овора бўлгандан кўра илмингни яшириб турганинг дурустроқдир, демоқчи бўлади.

У баъзи лаёқатсиз, субутсиз кишиларнинг юқори мансабларга миниб олиши, уларнинг руҳсиз, ҳиссиз ишлари ҳакида куйиниб ёзади: “Нуқул жонсиз нарсалар юқорига кўтарилишда давом этаяпти. Ажабо, у ҳам жонсиз бўлса-ю, ҳам ўсса!”.

Ибн Сино ўсиб келаётган ёшларга шундай панд-насиҳат қиласиди:

*Сириңни сўрсалар кимсадан тут пинҳон,
Ҳар кимки гапирмас кўп, удир мулоҳазакор.
Ичингда нуҳон бўлса, сириң сенинг асириңг,
Ўзинг унга асирсан қачонки қилдинг ошкор.*

Алломанинг комиллик сари бошловчи асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро бундай инсонлар яратган аҳлоқий мавзудаги асарлар асрлар оша инсонларни яхшиликка, эзгуликка бошлайди.

МУТАСАВИФ ИЖОДКОРЛАРНИНГ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Жамиятда комил инсонни тарбиялаш, уни вояга етказиша диннинг, маънавиятнинг ўрни жуда мухим ҳисобланиб келган. Зеро Куръони Каримнинг Ал-Исро сурасида ўқиймиз: “**Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам килдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик**”¹. Шунга асосан, тасаввуф ахли инсонни Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг гултожи, каймоги деб таъриф этади. Хазрат Навоий эса “Махбуб ул-қулуб” асарида “Одамий шарифул кавнайндор” деган сўзни келтиради. Яъни: “Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф махлукидир”. Парвардигор оламларни яратар экан, мақсади Инсон эди. Олам Парвардигор хусну жамоли учун кўзгу булса, Инсон бу кўзгунинг мазҳари – Тангри таоло қудрати ва сиру асрори, илму каромати акс этган мўъжиза хилқат. Инсон калби эса Тангри илми ва ишқининг хазинасидир.

Хужжатул ислом И мом Абу Хомид Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида ёзадилар: “Инсон фаришта ва хайвон орасидаги махлукдир. Хайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йук. Фаришта хам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илохий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд”.

Мусулмон шарқидаги Илк уйғониш даврида тарбияга оид асарлар бир неча алломалар томонидан яратилди. Шарқ фалсафий-диний тафаккури тарихида алохида мавқега эга бўлган тасаввуф таълимотида комил инсон ғояси марказий ўринни эгаллайди.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзузи, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-

¹ Куръони Карим. (маъноларининг таржима ва тафсири). Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент, 2006, 289 бет, 70 оят.

мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган.

Тасаввуф Шарқ халқларининг маънавий ҳаёти тарихида муносиб из колдирган диний-фалсафий окимлардан биридир. Ўн асрдан ортиқ тараққиёти давомида тарихий даврларнинг ижтимоий, маданий-гоявий ва ахлоқий талабларига мос холда турли шакл ва йўналишларда ривожланиб келади¹.

Маълумки Мавороунаҳр худудида ва қадимий Туркистонда тасаввуфнинг Яссавийлик, Нақшбандийлик каби тариқатлари шаклланган ва ривож топган. Аҳоли зич жойлашган, ҳунармандчилик ёки дехқончилик билан тирикчилик қилинадиган худудларда дарвишлар халқ хайр-эҳсонлари ҳисобидан яшаб турганлиги учун яссавийликнинг барча талабларини, жумладан, қаноат ва зухд билан чекланишини бажаришнинг имкони бўлмаган. Натижада Яссавийлик асосан Турон заминининг туркий кўчманчи чорвадорлар орасида вужудга келган ва тарқалган. Абдухолик Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг кишиларни меҳнатга, ҳунармандчилик билан шуғуланишга даъват этувчи таълимотлари эса кўпроқ шахарлар ва улар атрофларида тарқалди.

Тасаввуф таълимоти ўз тарафдорларига ҳалол ризқ, адолат, инсоф, маънавий ва жисмоний поклик, сабр ва қаноат каби инсоний фазилатларни ривожлантириб, етук инсонийлик – комил инсон даражасига етишишни тарбиялаган. У эл орасида ёйилиб, ҳак ва ҳақиқатга ташна кишиларнинг юрагини банд этганига сабабчи бўлиб, ҳаттоқи халқ орасида расмий исломдан ҳам мақбулроқ ва яқинроқ аҳамият касб этган.

Аҳмад Яссавий ўз таълимотида комилликка элтувчи мақомларни шундай келтиради: “Ва у мақом тариқатда туур: таслим туур, яъни агар бало ва меҳнат бошига келса ўзини таслимга бажонудил солғай. Яна ичмақдин ва емақдин, киймақдин халқдин тиламасун ва гилам порасини атласдан зиёда курсун, кундузи рўза,

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Т, 2006, 43 б.

кеча номозда бўлсун ва тиловати Куръон бирла бўлсун”. Яссавийлик тариқати ўша даврда халқни эзаётган золимларнинг ёвузликларини фош этиш, жамиятдаги адолатсизлик, ҳақсизликни қоралайди, тўғрилик, софдиллик, одиллик, инсоф ва диёнат, поклик ва эзгуликни ҳимоя қиласди.

Ҳожа Аҳмад Яссавий ўз таълимотининг фалсафий илдизлари тўғридан-тўғри Куръон ғояларига бориб тақалишини, ҳикматлари мағзи Куръоннинг мазмунини ташкил этишини, улар Худонинг сўзларидан келиб чиқиб битилганини алоҳида кўрсатиб ўтади: Мани ҳикматларим-фармони субҳон, Ўқиб олсанг, ҳамма маънийи Куръон. Худойим сўзидан чиккай бу ҳикмат Эшитганга ёғар борони раҳмат”, деб алоҳида таъкидлайди. Ушбу ақидага асосланган Ҳожа Аҳмад Яссавий тариқат босқичларида қанчалик юксалмасин, комил инсон даражасига эришмасин, ўзини шунчалик ҳокисор тутарди ва бу ҳислатлар унинг бутун таълимотига ҳам сингдирилган. Ҳожа Аҳмад Яссавий ислом динига садоқати, инсонпарварлик ғояларини кенг халқ орасида фаол тарғиб этганлиги сабабли ҳам “Мадинада Мұхаммад, Туркистонда Ҳожа Аҳмад” деган нақл халқ орасида ёйилиб, машҳур бўлиб қолган, яъни комил инсон тимсоли бўлган.

Тасаввуф ва унинг Яссавия тариқатида ҳам инсоннинг моҳияти икки асос модда ва руҳдан иборатлиги билан изоҳланади¹. Ҳар қандай кишида шу икки асоснинг хусусиятлари жамланган бўлиб, моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун келса, инсонда илоҳийлик ривожланади, руҳ жисм қулига айланмаслиги, аксинча жисм руҳ учун бир асбоб, восита сифатида хизмат қилмоғи керак, руҳлари тараққий этган инсонлар ақлу заковати, илҳоми ва ижодкорлиги, илоҳий фаросати билан ажралиб турадилар, деб тушунилади.

Яссавий таълимотида диний-фалсафий тушунчалар билан уйғун тарзда келадиган кўплаб маъно борки, уларда инсонни улуғликка, комилликка чақирилади, ёмонлик билан яхшиликни фарқлашга, ҳалол нима, ҳаром нималигини билишга, тўғриликни

¹ Комилов Н.. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. “Шарқ машъали” журнали. 1998 й. 1-2 сон. 47-51 бетлар.

ёқлаб, эгриликка бўйин эгмасликка ўргатилади. Тасаввуф гуноҳни қоралайди, аммо гуноҳларга иқрорликни тўла ёқлайди, чунки тавбатазарру – тозаланиш, покланиш демакдир, деб тушунтиради.

Маълумки, тасаввуф ҳар томонлама етук бўлган комил инсонни вояга етказиш ва такомиллаштириш масаласига асосий эътиборни қаратади. Кўпчилик тасаввуф шайхлари (Абдухолик Фиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар)нинг эътироф этишларича, сўфийларнинг руҳий такомили учун тўрт босқич – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни босиб ўтиш зарурдир. Бу босқичларга эришиш бир лаҳзалик руҳий ҳолат ёки ҳодиса бўлмасдан, балки такомилга эришиш учун узоқ вақт риёзат чекиши талаб қилинади. Шундагина Аллоҳ васлига зухур бўлиш мумкин. Инсон ўз нафси амморасини тийиш орқали руҳини поклаши ва абадий руҳ билан бирлашиб кетиши мумкин. Бундай кишилар сўфийлик мақомига эга бўладилар ва комил инсон даражасини эгаллайдилар.

Шундай қилиб, суфийлик тариқатларининг барчасида марказий ғоя – бу комил инсон бўлиб, кишиларни камолот сари етаклаган ва чорлаб келган. Айникса Нақшбандийлик таълимотидаги “Дил ба ёру – даст ба кор” (Кўл ишдаю қалб Оллоҳда) ғояси кишиларни меҳнатсеварлик, ҳаққонийлик ва покликка, яъни камолот сари интилишга тарбиялаб келган. Ушбу ўгитлар бугунги кунларда ҳам ўзининг ахлоқий-тарбиявий ахамиятига эга бўлиб келмоқда.

Тасаввуф – инсон камолоти, ахлоқий покланиш ҳақидаги илм дедик. Бу тушунча комил инсон концепциясида аниқ қўзга ташланади. Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввувнинг доимий ўзак масаласи бўлиб келган. Айниқса, инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, руҳ ва жисм орасидаги кураш сўфийларни кўп қизиқтирган. Улар инсонда азалий икки қарама-қарши куч – раҳмоний ва шайтоний қувватлар борлигини, инсон Аллоҳнинг бандаси сифатида шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига ҳам шу мавқедан туриб қаралган; чунончи, ижтимоий низолар, уруш-

жанжаллар, мулкий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам тасаввуф инсон табиати ва сийратидан қидиради, инсоннинг ахлоқини тузатишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни мавҳ этишдан бошлаш керак, деб тушунтиради. Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан «нафс» ёки «нафси аммора» деб атадилар ва унга қарши уруш эълон қилдилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш, ҳирсу ҳавас қатъий қораланди, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва фалокатлардан қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли – нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, рух – иродани чиниктира бориб, инсонда инсонийликни, яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур, деб тарғиб қилинди.

Ушбу фикрлар улуғ шайхларнинг «тасаввуф» тушунчасига берган таъриф-изоҳларида аниқ ифодаланган.

«Тасаввуф нима?» деган саволга Шайх Нурий жавоб бериб айтади: «Тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишидир»¹. Ёки Шайх Сафий Алимшоҳ жавоби бундай: «Тасаввуф – нафс манзилларини босиб ўтишидир». Шайх Равим сўзи: «Тасаввуф – Худо йўлида нафсдан кечмоқдир».

Нафс худбинликни, ўзим бўлай фалсафасини тугдиради. Нафс домига тушгандан кейин киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-ҳаришдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлади. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади. Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, қаноат, сабру фақирлик тариқида гап кўп. «Дунёга бир марта қеласан, оладиганингни олиб қол», - илгаридан маълум фалсафа бу. Собиқ шўро мафкурачилари буни: «Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво», деб ўзгартирадилар, аммо мақсад ўша: иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин. «Ҳамма нарса раво» фалсафаси одамни иймону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тарожга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради.

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, рухи Мутлоқ рухга туташ, файзу кароматдан сероб,

¹ Комилов Н. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. “Шарқ машъали” журнали. 1998 й. 1-2 сон. 47-51 бетлар.

сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим показа зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзибур пок, ҳам ўзи.

Ҳуши давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.

Тасаввуф ахли сифинган идеал – **Комил Инсон** аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди. Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари ёзиб қолдирган асарлар, сўфиёна руҳдаги шеъру достонларни мутолаа қиласр эканмиз, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шаррга, файзу камолнинг нуқсу ноқислик, калтафаҳмлик ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Воқеан, тасаввуф шайхлари, зулм ва қоронғулик лашкарига қарши маърифатни курол қилиб олиб жангта кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар (Тустарий: «Маърифат жаҳл-нодонликка қарши жангдир»). Улар Каъба деб кўнгилни тан оладилар, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орақли биладиган ва кўнгилга сифинадиган одам Аллоҳнинг севгани деб чикдилар. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: «Исмоил Даббос дедиким, Ҳаж нияти қилиб борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуриб хирқасини ямайдур эрди, салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: Ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор... Мен эллик Ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

Бу одамлар – жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб ҳушёр тортар, дунё бехудлигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарруъ қилардилар. Уларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг муҳтасар мағзи шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймат ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор. Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда маҳсус китоблар ёзилган. Шулардан Сайид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)

ларнинг «Инсони комил» номли рисолаларини маҳсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳийиддин Ибн Арабий (1165–1240) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратди ва унинг сурату шакли Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун **«Халақоллоҳу адама алаъ суратар Раҳману»** (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шутариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди, дейдилар (Сайид Содик Гуҳарин. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, 125-бет).

Ибн Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тимсоли ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбаримиз халқ ва Ҳақ муқобилида турадилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва ҳатто анбиё ва авлиёларни, донишмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Ва агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак. Сайид Абдулкарим Гелоний фикрига кўра, ҳар бир инсон иккинчисининг ўрнини босадиган нусхадир ва бир-бирининг қаршисида турган кўзгу кабидир. Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб туради. Аммо фарқи шундаки, бу аксланиш баъзиларда феъл-харакат бўйича бўлса, баъзиларида эса қувва, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истеъдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра, бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб қўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлардан, балки бир-биридан ҳам кескин фарқланиб турадилар. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми

афзал, яна бир гурухи эса афзалу ақмалдирлар. Саййид Абдулкарим Гелоний мазкур таснифни айтиб, яна қўшиб қўяди: «Комил инсон, воқеан, Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи вәсалламдир ва қолган анбиёу авлиёйнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай».

Шайх Омилий дейдиким, ҳақгўй олимларнинг фикрига қараганда, олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулку малакут ундан таълим олурлар. Шундай мартабада Комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло Ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Шуни ҳам таъкидлайдиларки, комил инсонгина Ҳақ курдатининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.

Ибн Арабий, Шайх Омилий ва Абдулкарим Гелоний қарашларига диққат қилинса, Комил инсон бир кайхоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоний одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди. Унда биз жамики ғайритабиий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз. Бу ерда албатта жисмоний куч ҳақида гап бормайди, зотан илоҳиёт ҳақида гап борганда жисмоний куч эътиборга эга эмас. Чунки Холиқият яратган жисмлар илоҳий қудрат олдида арзимас ва ожиз суратлардир. Комил инсон булар назарида оламларни эгаллаган, оламларга, барча жонзотлар ва инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк руҳдир, Маънавий-Ақлий қудратдир.

Аммо Шайх Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон», «Мақсади ақсо», «Зубдатул ҳақойик»¹ номли ва бошқа рисолаларида комил инсон масаласи бир мунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради, инсонни кайхоний вужуд сифатида ҳам, ер маҳлуқоти сифатида ҳам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда комил

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Т, 2006, 45 б.

инсон рух тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари рух мартабалари сифатида олиб қаралади. Шу учун умумий тушунчлардан аниқ тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн Арабийга қўшилиб, инсонни олами сағир (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламни биргаликда олами кабир (улуғ олам) деб атайди. – Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд, дейди у. Шу тариқа инсон юқори олам – олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳакқиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Насафий санаган сифатларнинг дастлабки учтаси, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ Зардушт китоби «Авесто» дан олингандир («Гуфтори нек, кирдори нек, рафтори нек»). Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туроди. Азизиддин Насафий яхши ахлоқ ҳақидаги Зардушт сўзи ёнига «маориф», яъни тасаввуфий покланиш талабини қўшиб қўйган. Унинг фикрича, тариқат йўлига кирган соликлар вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки «ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади».

Насафийнинг мазкур таърифидан иккита хulosса келиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хulosса шуки, Насафийга кўра, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир.

Комил инсон ҳақида юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, қуидаги хulosалар келиб чиқади:

- Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

- Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илохий амр, ғайб асрорини оддий одамларга етказувчи улуг ҳомийдир.

- Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал) га тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллни, яъни Комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа маҳлуқотлар яратилди.

- Комил инсон рухи азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг кудратли руҳдир.

- Комил инсон шу сифатлари билан мутлок илохий хислатларни жамлаган қайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

- Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.

- Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган рух эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

- Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

- Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб ҳалққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга нафъ келтирса, ёмонларни йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.

Ушбу қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлиб туюлса-да, аслида моҳиятига кўра бир-бирига яқиндир. Яъни бу ерда инсоннинг камолоти, буюклигини тан олиш, инсон ва Коинот, инсон ва Илоҳ, инсон ва Мавжудотни ўзаро вобаста, алоқадор деб ҳисоблаш бор. Қарашлар орасидаги фарқ эса шундан иборатки, аҳли шариат тушунчасига кўра, инсоннинг қобилияти ва майллари азалдан маълум, яъни Аллоҳ таоло тақдири азалдан белгилаб қўйган. Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар рухи бошиданоқ юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари аввалдан белгиланган эди, дейди шариат аҳли.

Аммо ҳикмат ахли (файласуфлар) ва тасавуф ахли фикрига кўра, инсонга фаолият учун ион-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига етиши мумкин. Шайх Азизиддин Насафий «Зубдатул ҳақойик» (Ҳақиқатлар қаймоғи) номли рисоласида ёзади: «Одамларнинг сўzlари ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг сайъ-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қиласа, шунча билми ва мол-мулки ортади».

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз-ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчи, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади».

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос **ахлоқ кодекси** ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзуармони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъий назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлди, инсонни шарафли, эзгу ва Буюк Хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилди. Ҳар замон, ҳар лаҳза инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ножӯя қилиқлардан сақланишга қўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди.

Нақшбандия йўналиши бўйича тасаввуфнинг етук тарғиботчиси бўлган буюк ватандошимиз Абдулбоқи Хожагий Муҳаммад Имканагий Китоб туманинг Хўжайимканагий қишлоғида 918/1512 йилда туғилган ва шу қишлоқда 1008/1600 йилда вафот этганлар. Хожагий Муҳаммад Имканагий отаси Дарвиш Муҳаммад ҳазратларининг бош халифаси бўлиб, обид, зоҳид ва кароматлари кўп бўлган түфма дарвиш эди.

Ҳазрати Хожагий Муҳаммад Имканакий силсила омонатини ўз оталари Дарвиш Муҳаммаддан олганлар. Оталари Дарвиш Муҳаммад силсилаи шарифдаги иршодни Хожа Муҳаммад Зоҳиддан олган ва манбаларда келтирилишича, бу киши Дарвиш Муҳаммадга тоға бўлган¹. Хожа Муҳаммад Зоҳид силсила омонатини тоғаси Хожа Аҳор Валийдан олган ва шу тариқа бу улуғ силсила йигирма бир киши орқали пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) га бориб етган.

Ҳазрати Хожагий Муҳаммад ибн Дарвиш Муҳаммад Имканагий Нақшбандий тариқатидаги силсилаи шарифнинг йигирма иккинчи рутбасида туришлигини мавжуд барча манбалар тасдиқлайди.²

Бу улуғ силсилада Ҳазрати Хожагий Муҳаммад ибн Дарвиш Муҳаммад Имканагийнинг ўzlари, оталари ва икки тоғалари билан бир вақтда иршодни бир-бирларидан олиб муршиди комил бўлмоқликлари бир насаб вакилларининг нақшбандия тариқатини кенг тарғиб этилишида катта хизмат қилганликларидан ёрқин далолатдир.

Хожагий Муҳаммад Имканагий ибн Дарвиш Муҳаммад таълимни Самарқанд ва Бухоро уламоларидан олган ва тасаввуфий тарбиятни отаси Дарвиш Муҳаммаддан ўрганадилар.

Хожагий Муҳаммад Имканагийнинг илм-маърифат ва тасаввуфдаги комиллиги ҳақида “Мавоҳибу-л-Сармадия” ва “ал-

¹ Сиддик ибн Ҳасан ал-Кунужий. Абжаду-л-улум. Байрут. /Дору-л-кутуби-л-илмия/ 1978. Ж.3. Б.255.

² Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир Т., “Ёзувчи”. 1993. Б.5. ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввурлар Т., “Мовароуннахр” 2004. Б.109.

Анвору-л-Кудусия” асарларида қуидаги таъриф берилган: “Хожагий Мұхаммад Имқанагий инсонларни доимо түғри йўлга бошлаган ва маънавий тарбияни улуғ салтанат соясидан насибадор бўлгандир. У киши бажарган барча солиҳ амаллар лавҳул маҳфузда битилган бўлиб, дунёда биронта улуғ фазилатни тарк этмаган. Кундузни ёритган қуёшга ой ўз нури билан эргашиб тонгни мунаvvар этганидек, у киши ҳам ўз отасига эргашиб қалбларни мунаvvар этди” деб келтирилган.

Хожагий қолдириган асарларда комилликка йўлловчи ғоялар бир неча кўринишларда ўз ифодасини топган.

“Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи” китобида келтирилишича, Ҳазрати Хожагий Мұхаммад Имқанагий ибн Дарвиш Мұхаммаднинг “Интихоб аз китоби-н-Насама” (Шабодалар китобидан сайланма) деб аталган асари бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Ҳозирда мазкур асарнинг 5 варағи Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги №500 XVII рақами остида сақланмоқда. Асар 1275/1859 йилда кўчирилган бўлиб, асарнинг 194-198 вараклари мавжуд. Демак, бу маълумотлардан шундай хулоса чиқарадиган бўлсак, аслида бу асар ҳажми катта ва аҳамиятли бўлиб, XIX асрда тўлиқ бўлган деб айтишимиз мумкин.

Оталари Дарвиш Мұхаммад инсон камолоти, унинг маънавияти ва одоб-ахлоқини тарбия этиш ҳақидаги ўз таълимотида қуидаги қоидага риоя қилишни таъкидлаганлар, “Сукут сақлаш вақти келса, сукут сақланг, қачонки мулоқот пайти келса, мулоқот қилинг, қаерда ғайрат кўрсатиш керак бўлса, ғайрат қилинг. Қачонки бирон жой қандайдир ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун мақбул келса, амалга оширинг”¹.

Нақшбандия таълимотидаги силсилаи шариф Абу Бакр Сиддик р.а. орқали Пайғамбаримиз Мұхаммад (сав) га бориб тақалади ва бу силсилаи шариф ҳар бир давларда турли номлар билан аталган.

Абу Бакр Сиддик р.а. дан Боязид Бастомийгача (в.й. 875) Сиддиқия, ундан кейин Хожа Абдухолиқ Фиждувонийгача (в.й. 1199) Тайфурия, сўнгра Баҳоуддин Нақшбандийгача (в.й. 1389)

¹ Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати, Т., “Ўзбекистон” 1993. Б.16.

Хожагония, Баҳоуддин Нақшбандийдан Хожа Ахроргача (в.й. 1490) Нақшбандия номи билан аталган. Хожа Ахрордан Имом Раббонийгача (в.й. 1625) Нақшбандия-Ахрория, Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳаргача (в.й. 1195) Мужаддидия ундан кейин Шамсиддин Мазҳардан Мавлона Холидгача (в.й. 1826) Мазҳария ва кейин Холидия номлари билан юритилиб келингган. Мавлоно Холид силсилада ўттизинчи рутбада туроди ва у кишидан сўнг бу силсилаи шариф бутунлай нақшбандия номи билан машҳур бўлиб, шу ном билан кенг тарқалган.

Хожагий Имканагий ўз халифаси Хожа Муҳаммад Боқийга (в.й. 1606) маънавий, руҳий тарбиятни давом эттириш учун иршодни топшириб, у кишига “Ҳиндистондан бир имом зухур этажак ва у асрнинг маънавий пешвоси бўлади. Ҳақ таоло сен орқали унга ўз эшикларини очади. Дарҳол унинг олдига бор. Чунки аҳлууллоҳ унинг келишига мунтазирдир”, - дейди. Бу ишоратдан кейин Муҳаммад Боқий Ҳиндистонга бориб, Деҳлида Имом Раббоний р.а. (в.й. 1625) билан учрашади. Ҳақиқатан, Имом Раббоний р.а. кейинги даврнинг мужаддиди сифатида эътироф этилди ва бу киши сабаб Нақшбандия тариқати кенг ёйилди.

Юқорида санаб ўтилган алломалар ва мутасаввуф олимларнинг асарлари, яратган тариқатлари ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу инсонларнинг қарашлари ёшларни комилликка етакловчи ғоялар билан сугорилган.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОНПАРVARЛИКНИНГ ЎРНИ

**“Камол эт қасбким олам уйидин сенга фарз
ўлмагай гамнок чиқмок,
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних, эрур
ҳаммомдин нопок чиқмок”**

Ҳазрат Навоий

Инсон ва инсонпарварлик масаласи қадимги даврдан башариятни қизиқтириб келган. У ҳақидаги маълумотлар оғзаки ва ёзма манбаларда, мифологияга бағишиланган асарларда, мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий мероси ва бадиий адабиётда сақланиб келган¹.

Ватанимиз ва халқимиз тарихини, маънавий меросини, умуман миллий тараққиётни Алишер Навоий (1441-1501 йиллар) даврисиз ва Навоий таълимотисиз тасаввур этиб бўлмайди. Алишер Навоий темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфузга эга бўлган оиласда туғилди.

Қишиңиң кунларининг бирида сарой, давлат юмушлари билан неча кундан буён уйига келолмаган Ғиёсиддин Муҳаммад (Кичкина) хузурига ошиқиб жияни Али кириб келади. 40 ёшлар чамасида бўлган Ғиёсиддинга у “Суюнчи беринг, опамиз эрта тонгда ўғил фарзанд дунёга келтирдилар”, деди. Ғиёсиддиннинг қувончи чексиз эди. У Алига қараб ўғлим сиз каби шоир, ижодкор бўлсин, ва яна ҳеч кимдан кўрқмас, мард, жасур ШЕР каби инсон бўлсин, деб, исмини Алишер қўйишини билдириди. Ўша кун ҳижратнинг 844 йили рамазон ойининг 17 куни эди. Мана шу кунга ҳам 580 йилдан ошибди. 6 аср вақт ўтибдики, биз хамон Алишер Навоий номини бот-бот эслаймиз. Унинг қаҳрамонларини идеал образлар сифатида намуна қилиб кўрсатамиз.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, 1995; Ўзбекистонда ижтимоий-аҳлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. (Алиқулоа X., Носиров Р. ва бошқалар) Тошкент, Фалсафа ва ҳукуқ, 2007.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб юртимизда Алишер Навоий ижодини чинакам илмий мезонлар асосида ўрганишга киришилди. Бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида Абдурауф Фитратнинг мақолаларини кўрсатиш мумкин, кейинчалик С.Айний, В.Абдуллаев, Е.Э.Бертельс, Ҳ.Олимжон, Ҳ.Зариф, П.Шамсиев, Н.Маллаев, И.Султон, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, И.Ҳаққул, Н.Комилов, Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова сингари адабиётшунослар навоийшунослик тараққиётига алоҳида ҳисса қўшдилар.

Алишер Навоийнинг шеъриятдаги илк устози тоғаси Мир Сайд Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар бўлган. Шоир ўз фаолияти ва ижодида, биринчидан, чигатой-туркий (эски ўзбек) миллий онги ва миллий ғояси шаклланишига хизмат килган. Яъни, аввало ўзининг бадиий ижодида, хар қандай сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий (мактаблар, мадрасалар қуриш, санъаткорларга, олимларга, адибларга, уламоларга хомийлик қилиш) фаолиятида, туркий (эски ўзбек) тилда ижод килишни алоҳида рағбатлантиришда ва бошқа барча масалаларда янги шаклланаётган элат, унинг адабий тили ва давлатчилиги манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Иккинчидан, эски ўзбек адабий тили меъёрлари ва мезонларини тартибга келтиришда ҳал қилучи роль ўйнаган. Учинчидан, миллий-бадиий тафаккурни жаҳон бадиий тафаккурининг юксак чуққиларига кўтара олган. Навоий яшаган даврда мамлакатнинг равнақ топиши учун юзага келган талаблар салмоғи янада кўпроқ салобат касб этиб борган ва миллий тараққиётнинг кенг қамровли эҳтиёжлари Навоий маънавий меросида муҳим ўрин тутди. Айнан миллий тараққиёт олдига давр кўйган вазифаларни чукур идрок этиш ва уни амалга оширишга даъват этиш Навоий меросини таълимот, деб аташ учун имкон беради. Унинг асарларида ўзбек халқининг равнақини ўйлаш темурийлар давлати бардавомлиги, юрт осойишталигига эришиш йул-йуриқлари, миллатни тарбиялашнинг мукаммал тизими, инсонийлик, комил ахлоқнинг ўша даврга хос ҳам маънавий-табиий (эстетик), ҳам илмий-ҳаётий талкинларини

кўрамиз. Ҳакикатан, Алишер Навоий юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси хақида асарларида мулоҳаза юритади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган инсонпарварлик қарашлари ислом фалсафасидан озиқланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Алломанинг инсон ва инсонпарварлик тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилишдан аввал, унинг Аллоҳ ва табиатга муносабатига тўхталиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Унинг фикрича, Аллоҳ ҳамма мавжудотнинг ибтидоси, бошланғичини ташкил этади. Дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи, вақтинчаликдир, Аллоҳ эса абадий, нимаики борлиқда содир бўлса, унинг иродаси билан амалга ошади. Шоирнинг фикр юритишича, “ақл ёрдамида инсон ҳамма нарсаларнинг сир ва асрорини, дунёдаги ўзгаришларни, уларнинг моҳиятини чуқур идрок қилолмайди. Бунга ақл ожизлик қиласди. Зероки, инсон билими, ақли чегараланган. У ҳақиқатни тўла англай олмайди”¹. Шунга қарамасдан, мутафаккир инсонни ақлсиз тасаввур қилмайди. Инсон қандай иш билан шуғулланмасин, ақлга, тафаккурга, унинг кучига ишониши керак, деган фикр мутафаккир асарларининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Алишер Навоий кишиларга меҳр-муруват кўрсатишга, солиҳ амалларни бажаришга, нафсни тийишга, камбағалларга ҳайр-эҳсон қилишга, раҳмдил ва шафқатли бўлишга, доимо халқ ғамини ейишга, улар ташвишида яшашга инсонларни даъват қиласди, инсонийлик ва одамийликни ҳар нарсадан юқори қўяди:

*Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушибу басдур².*

Ҳазрат Навоий сахийликни инсонпарварлик, комилликнинг муҳим хислати деб билади. Одамийлик инсонни инсон қиласиган, уни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган нодир фазилатдир. Мутафаккирнинг таъбири билан айтганда:

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-аҳлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. (Алиқулоа Ҳ., Носиров Р. Ва бошқалар) Тошкент, Фалсафа ва хуқуқ, 2007.

² Навоий. Хамса. Тошкент, 1986, 119-бет

*Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ¹.*

Ҳазрат Навоий инсонпарварлигининг яна бир муҳим хусусияти, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, ул зот ўзининг ғазал, рубоий ва достонларида инсонпарварликка оид қарашларни баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзи буюк инсонпарвар шоир деган ном қозонди, инсонийликда бошқаларга ўрнак бўлди. У доимо оддий халқ ғам-ташвишига шерик бўлди, уларга ҳомийлик қилди.

Ҳазрат Навоийнинг “Хамса”сига кирган достонларида ҳам инсонпарварлик ғоялари яққол намоён бўлади. Унинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” ва бошқа достонларидағи Искандар, Фарҳод, Ширин, Суқрот, Афлотун, Лайли, Мажнун тимсоллари тарихий шахслар бўлмасдан, балки бадиий тимсоллар сифатида тасвирланади. Уларда юксак ахлоқий фазилатлар, олижаноб қадриятлар, инсонпарварлик жамланган. Бу образлар алломанинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларига мос ҳолда баён қилинади. Ҳазрат Навоий инсонийлик, одамийлик, вафодорлик, меҳр-оқибат, халқ ғамида яшаш, унинг фаровонлиги, баҳт-саодати йўлида ҳатто жонини фидо қилиш, хайр-эҳсон, ўзгаларга сахийлик қилиш каби фазилатларни хамма нарсадан юқори қўяди. Ул зот бу билан инсонни, унинг хислатларини улуғлайди, уни бошқа жонзотлардан аъло эканлигини ишонарли тарзда исботлаб беради².

Алишер Навоий “Хамса” сида комил инсон тарбияси, комиллик сари интилиш, етук ва баркамол инсон ғоялари етакчилик қиласи. “Хамса”даги достонлар орасида, айниқса, “Фарҳод ва Ширин” достонида шоир Фарҳод образи орқали етукликнинг олий чўққисини тасвирлаб беради. Маълумки, ҳазрат Навоий Шарқ Уйғониш даврининг буюк ижодкори, илм-фан ва маърифат ҳомийси эди. Унинг инсон, одамийлик, ҳалқпарварлик, умуминсоний қадриятлар

¹ Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Асарлар. Т.4. Тошкент, 1965, 447-бет

² Прадаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. Т., 2010, 13-14-бетлар.

тўғрисидаги ғоялари “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз аксини топган. Фарҳод ёшлигидан ўзининг ақл-заковати билан ажралиб турди. Халқ учун қайғуриш, унинг ғам-ташвишларига шерик бўлиш, оғир дамларда унга ёрдам бериш, мардлик, шиҷоаткорлик, саҳоватпешалик, бойликка ҳирс қўймаслик – буларнинг бари Фарҳодга хос фазилатлар эди. Аҳлоқий поклик, нафсни тийиш, жабр-зулм, адолатсизлик, ҳақсизлик ва бошқа ҳаёт қийинчиликларига қарши курашиш Фарҳод инсонпарварлигининг ўзагини ташкил этади ва комил инсон сифатида шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қиласи. Достонда Фарҳоднинг инсоний фазилатлари, хусусан камтарлиги ҳам юксак эътироф билан тилга олинади. Зоро, Фарҳод шундай овозали билими, шундай чексиз куч-кудрати билан ўзини алифбе ўқийдиган боладан ҳам кам тутар, бу камтарлик фақат билимда эмас, ўз кучини намойиш қилишда ҳам кўзга ташланиб турарди. Шоҳлар унинг эшиги тагида гадо бўлган ҳолда, у гадоликни подшоҳликдан афзал қўрарди. Навоий Фарҳодни бу борада улуғлаб, унга шундай таъриф беради:

*Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.*

Яъни, мен унинг фақат кўнгли поку кўзи пок демайман, балки унинг тили ҳам пок, сўзи ҳам пок, ўзи ҳам покдир. Достон давомида Фарҳоддаги буюк инсоний фазилатлар улуғланади. Зоро, бир ўринда отасининг тахтни таклиф қилиб, айтган сўзига Фарҳод ниҳоятда ҳозиржавоблик билан, мулоим тарзда рад этади. Гарчи у ақлли, тадбирли, паҳлавон бир йигит бўлиб, фақат Чин ҳоқонлигига эмас, балки бутун олам султонлигига ҳам лойиқ бўлсада, у ўзини кам олиб, бу ишга уқуви етмаслигини айтади ва “Умрнинг асоси кичикроқ, улуғларга эса улуғроқ ўлчовдадир. Яна бири шуки, пашша юз йил умр кўргани билан фил тортган юкни торта олмайди... Агар шахмат тахтаси мутлақо бўш турган бўлса, унда шоҳ ўрнини пиёда эгаллай олармиди? Қуёш агар юзини ғарб томонга яширса, минг-мингларча заррадан унинг ўрнини боса оладиган бир ёритқич пайдо бўлармиди” дея отасининг таклифини рад этади.

Навоий достонда Фарҳодни ниҳоятда инсонпарвар, халқ дардини ўйловчи, ўзини эмас, ўзгаларнинг ғамини тортувчи этиб тасвирлайди. Бунга мисол тарзида Фарҳоднинг Салосил дев кўрғонига банди қилганлари ва кишанлаб ташлаганлари, унинг эса Суқрот ҳакимдан ўрганганларини ишга солиб, занжирдан озод бўлганлигини келтириш мумкин. Фарҳод яrim кечаларда ўзидағи ҳамма занжирларни ва олдидаги ҳамма тўсиқларни очиб ташқарига чиқар, тоғу тошларда фарёд чекиб юриб, яна қоронғу кетмасдан, одамлар уйқудан бедор бўлмасдан ўз қамоқ жойига қайтиб келиб, кузатувчилар билиб қолмасин учун ечилган занжирларини қайтадан ўзига солар эди. Чунки бу иш одамлар орасида овоза бўлиб, Хисрав бу посбонларни жазолашидан, ўзи туфайли бу одамларнинг ҳоли хароб бўлишидан ташвишга тушар эди.

Навоий ушбу достонда Фарҳод ва Шириндан ташқари Суқрот, Суҳайлоларни ҳам комил инсонлар сифатида талқин қиласди. Достонда Мехинбону, Шопур каби бадиий тимсоллар ҳам борки, улар ҳам Навоий идеалидаги мукаммал ва етук инсонлардир. Мехинбону адолатли, ўзида ижобий фазилатларни мужассамлаштирган ҳукмдор. У халқ тўғрисида ғамхўрлик қиласди, мамлакатни обод қилиш ва илм-фанни ривожлантириш учун курашади. Шопур эса достонда Фарҳоднинг содик ва вафодор дўсти сифатида тасвирланади. У Фарҳоднинг ҳамма ишларида фаол қатнашади, Арманистонда Хисравнинг хужумини қайтаришда мардлик ва шиҷоатлик кўрсатади. Н. М. Маллаевнинг фикрича, Шопур “комил бир инсон, истеъдодли санъаткор-рассом ва сайёҳдир. Шопур – софдил ва самимимй киши. У дўстлик ва содикликнинг тенги йўқ тимсоли”¹. Эътироф этиш керакки, достон комил инсон ғояси атрофлича талқин қилиниб, етук инсоний фазилатлар тараннум этилган юксак бадиий асардир.

Комил инсон тарбияси Алишер Навоий ижодининг марказий масалаларидан бўлиб, асарларининг ғоявий-бадиий моҳиятини ташкил этади. Навоийнинг нутқи ва нидолари, таклифу тавсиялари,

¹ Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976.-Б.449

тарғибу ташвиқлари, маслаҳату насиҳатлари, васиятлари қаратилған шахс – бу, албатта, баркамоллиги орзу этилған навқирон авлоддир.

Баркамол авлод фалсафий тушунчасини шарҳлаш ва англашда Навоий мана бу қитъасининг ғоявий мазмуни ибратлидир:

*Камол эт қасбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Қитъанинг ҳаётий сабоги шундаки, олам уйига ташриф буюрган инсоннинг камолотга эришишдек муқаддас мақсади, орзуси бўлиши лозим. Дунёга келиб, мақсадсиз яшаган, инсоний баркамолликка эриша олмаган одам, охир-оқибатда, олам уйидан ғамнок – афсус-надомат билан чиқади. Шоир айтадики, умр ғаниматдир, баркамоллик касб этгин, токи ҳаётинг ниҳоясида ушбу оламни ғамгин, қайғули тарқ этмагайсан. Зоро, комилликка интилмасдан ўтиш бамисоли ҳаммомга кириб, нопок чиқиб кетмоқ билан баробардир.

Алишер Навоий асарларида баркамол авлод таълими ва тарбиясига тааллуқли фикрлар жуда кўп. Бунда илмга ва олимларга муносабат алоҳида аҳамиятга эга.

*Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қариликда харж қилғил ани.*

Шоир талқинидаги илм ҳозирги тушунчамиздагидан кўра кенгроқ маънога эга. У фан маъносидан ташқари, ҳунар, қасб-кор, ҳаётий тажриба каби маъноларни ҳам англатади. Бир қарашда, ёшлиқ илмни йиғиш, тўплаш – қарилик эса харж қилиш, сарфлаш мавсумидир. Чукурроқ ёндашганда, илм шундай хазинаки, у инсонга тўқ-фаровон, бой-бадавлат, баҳтли-саодатли умр кечириш ва қариганда муҳтож бўлмаслик, қарилик айёмида хор-зор, қаровсиз қолмасдан, ёшлиқда орттирилган илм хазинаси эвазига роҳат-фароғатда яшаш имкониятини беради.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари комил инсон тарбиясига доир муҳим манбалардандир. Айниқса, унинг иккинчи қисмida маънавий баркамолликка оид қатор фазилатлар шарҳланадики,

улардан ёшларимиз учун энг зарурларидан бири қаноатдир. Қаноатга шундай ажойиб таъриф берилади: “Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуrimайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дараҳтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир”. Дарвоҷе, қаноат билан табиатини тоблаган инсон мол-давлат илинжида олис юртларда сарсон-саргардон кезмайди, обрў-эътиборини ерга урмайди, оиласи ва халқининг шаънига доғ туширмайди.

Асарнинг учинчи қисмидаги таърифлар бири-биридан қимматбаҳо маънавий дуру гавҳарлардир. Ҳусусан, саховат ва ҳиммат тўғрисидаги таърифда кўнгил мулкини забт этувчи қуйидаги мушоҳадалар мавжуд: “Ҳиммат аҳлининг ихтисоси – саховатдир; бу улуғ сифат – покиза кишиларга хосдир. Одам – бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади... Ҳимматсиз одам – хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас”.

Улуғ шоир бошқа бир асарида нақл қилишича, ҳиммат-саховат ва ҳомийликни қасб-корига айлантирган Хотамтойдан ўзингиздек ҳимматли бошқа бир кишини кўрганмисиз, деб сўрайдилар. Хотамтой бир куни дашт аҳлига юз тужа, сон-саноқсиз қўйлар сўйиб, зиёфат берганини, шу орада тоза ҳаво олиш учун даштга чиқиб, ўтинчи чолни учратганини, уни орқалаб олган тиканлари заҳматидан озод бўлиб, Хотамтой зиёфатига кириб ором олишга даъват этганини, чол эса рад этиб, бирор берган хазинадан кўра, ўз қўл кучи билан ишлаб топган бир дирҳам афзаллигини айтиб, сен ҳам Хотамтой миннатини эшитгандан кўра, ушбу тиканли ўтин заҳматини тортақол, дея жавоб берганини эслайди ва шундай хулосани баён этади:

*Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендин аниңг ҳиммати афзун эди.*

Демак, тамасизлик, қаноат олийҳимматликнинг энг юксак босқичи экан. Навоий ҳиммат шарҳи учун табиатдан ҳам шундай

жуда оддий, аммо ажойиб ва ғаройиб мисоллар топиб, бадиий талқин этадики, унинг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ:

*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқми,
Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?*

Тухм, яъни лола уруғи – ёруғ дунёни тарк этиб, ер бағрига кирди, ғайрат-шижоат кўрсатиб томир отди, тупроқни ёриб чиқиб ўсди, лола гули бўлиб очилиб, оламга гўзаллик бағишилади. Курт ўз жонидан кечиб, ўз вужудини қурбон қилиб, пилла ўради. Шу йўл билан инсоният оламини кийинтиргулик ипак ҳадя этди. Арзимас бир уруғ ва жонзот ғайрат ва ҳиммат билан бунёдкорлик кўрсатди. Эй одамзот, сен коинотнинг гултожисан, сенгагина раво қўрилган тафаккур ва амал коинотдаги бошқа бирор жонзоту жонсиз унсурда йўқ. Наҳотки, оддийгина лола уруғичалик ғайратинг, ипак қуртичалик ҳимматинг бўлмаса, дея нидо чекмоқда Навоий. Бундай таъсирчан нидо ҳар қандай дангаса, инсонлик ғайрати, ғурури, ҳиммати мудраган ўсмирни маънавий-руҳий уйғоқликка даъват этса, ажаб эмас.

Дарвоқе, ҳар бир фуқаро инсонлик ғурури, нодир истеъоди, ғайрат-шижоати билан меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўз ундиrsa, шунинг ўзи олийҳимматлик, маънавий баркамолликдир.

Навоий асарларидаги ақл-заковат дурданаларини ўзлаштириш ҳам баркамолликка эришишнинг муҳим омилларидандир. “Маҳбуб ул-қулуб” даги сатрларнинг кўпчилиги шу қадар ақл-заковат билан йўғрилганки, улар халқ мақоллари даражасида пурмаъно ва машхур бўлиб кетган. Масалан: “Чин сўз мўътабар, яхши сўз – муҳтасар”, “Билмагани сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим”, “Оз-оз ўрганиб – доно бўлур, қатра-қатра йигилиб – дарё бўлур”. Асадаги чин сўз ва уни айтиш одоби, меъёри ҳақидаги мана бу мисралар ҳам баркамоллик тарбиясида аҳамиятлидир:

*Хирағманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бори чин ҳам дегулик эмас.
Киши чинда сўз деса, зебодуур,*

Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

Алишер Навоий ижодининг аксарият қисми баркамол авлод тарбиясига бағишлиланган, десак муболага бўлмайди. Бу асарлар мазмуни ва ғояларини ўқиб ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя эмас. Улар ёшларимизнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топмоғи зарур.¹

Навоий шеърлари ва достонларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Айни пайтда, Навоий сўфийликнинг нақшбандия сулукига мансуб йирик шахс – мутасаввиф сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ҳамда амалияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. У «қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг асоси» деган шеърида ўзи мансуб бўлган тариқатнинг тўрт тамойилини шундай тушунтиради:

*Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу ўл азми агар бўлса разбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушини,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иши била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгуси нақибанд,
Навоий, агар етса навбат санга.*

Маълумки, дилинг Худо билан, қўлинг иш билан банд бўлсин, деган шиор нақшбандия тариқатининг асосий тамойилидир. Навоий бутун умр, аввало, шахсан ўзи ана шу тамойилга амал қилди, қолаверса, деярли ҳамма асарида инсонни заминдан оёғи узилмаган

¹ Жумабоев Нусратулло. Навоий ижодида комил инсон масаласи (Илмий мақолалар тўплами) Т., 2010

қаҳрамон тарзида талқин этди. Шунинг учун ҳам аллома Бертельс Навоийни, нафақат буюк шоир ҳамда мутафаккир, балки буюк ва покиза, номи бош ҳарфлар билан ёзилишга лойик Инсон эди, деб таърифлайди.

Навоий ўз асарларида инсон қадр-қимматини биринчи ўринга кўяди, номус, орият ва инсоний ғуур тушунчаларининг ўзига хос талқинини беради. «Таваккул сифати ва бетаваккуллар мазаммати» шеърида мутафаккир шоир, Яратганга таваккул қилиш ўрнига ўзини тамаъ юзасидан шоҳлар олдида қулдек тутган ялтоқи киши, агар афсонавий қорун бойлигини мўлжалласа-да, унинг насибаси борйўғи бир товоқ ош бўлади, дейди. Зоро, ундан одам нафс ҳуружида катта даъво-мақсадларни дарҳол унутиб, олдига ташлаб қўйилган суяқ билан овора бўлиб қолаверади: кичик бир товоқдаги ош учун қуллик қиласидан бундай инсон юзига улкан қозоннинг қоракуяси муносибdir:

*Таваккулни улким қўюб хотирига,
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси.
Насиби онинг бир аёқ ош эрур, бас,
Агар ганжси қорун эрур муддаоси.
Бирақим, бўлур бир аёқ ош учун қул,-
Юзига керактур қазоннинг қароси.*

Навоий асарлари орасида тасаввуф ахлоқига доир яна бир машҳур қитъа борки, унинг ички-ботиний мазмуни алоҳида диқатга сазовор;

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Бу шеърга юзаки қараганда, гап дунёдан бирор касбнинг бошини тутмай ўтиб кетиш яхши эмаслиги ҳақида кетаётгандек кўринади. Аслида эса у, юқорида айтиб ўтганимиз – тасаввуф ахлоқшунослигининг «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Навоий ҳазратлари бу дунёга келиб, Оллоҳ инсон учун яратган барча фазилатлар ва эзгуликларни ўзига касб қилиб олмаган, юқтирган

киши тириклик оламидан боши қуи солинганича чиқиб кетади, чунки дунёдан нотамом, яъни комилликка эришмай ўтиш худди ҳаммомга кириб, ювинмай чиқиб кетиш билан баробар, дейди. Демак, улуг мутафакирнинг фикрига кўра, ҳар бир инсон Худо унга неъмат сифатида яратган фазилатлар эгаси бўлмоғи, комиллика интилмоғи зарур, ана ўшандагина у ўз инсонлик бурчини бажарган, инсон деган номни оқлаган саналади.

Буюк мутафаккирнинг «Маҳбул ул-қулуб» асари, айниқса, Темурийлар даври ахлоқшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшди. Уч қисмдан иборат бу асарда нафақат тасаввуф ахлоқшунослиги ва ахлоқнинг, балки бутун мусулмон Шарқи ахлоқ илмининг назарий муаммолари кўтарилади. Шунингдек, у панднома сифатида ҳам диққатга сазовор. Унда раъийят аҳли барча табақаларининг одоби, ҳулқи ва ахлоқий тамойиллари ҳақида фикр юритар экан, Навоий Сукрот изидан бориб, қонунни адолат билан айнанлаштиради: «Зиндан аҳли-дўзах аҳли», дейди мутафаккир. Айни пайтда ҳалол меҳнат билан кун кечиравчи дехқонга улкан саҳоват эгаси, қуртқумурсқадан тортиб, гадою мусофирга емак бергувчи, новвою аллофни иш билан таъминловчи, дарвешлар качкулию мамлақат ҳазинасини тўлдирувчи, барчага ризқ улашувчи олижаноб жаннатий инсон, ахлоқий намуна сифатида қарайди. «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар», дейди шоир ва унинг қўш ҳайдаётган пайтини Одам Атонинг ҳолатига ўхшатади. Дехқонга берилган бунчалик юксак баҳога, дехқончиликнинг бошқа касблардан юқори қўйилишига сабаб шуки, бошқа соҳадаги одамлардан, дейлик, ҳунармандлардан ажойиб ашъёлар, меъморкурувчилардан буюк бинолар неча ўн юз, ҳатто минг йилларга ёдгор бўлиб қолади ва бу ёдгорликлар билан уларнинг номлари бирга узоқ вақт яшайди. Дехқоннинг меҳнати эса шу жиҳатдан маълум маънода фийсабулло чекилган заҳмат. Унинг меҳнат маҳсули ер устида қолмайди, ердан пайдо бўлиб ерга сингиб кетади. Аммо унинг маҳсули билан инсон тирик ва дастурхон очиқ.

«Маҳбул ул-қулуб» да комил инсон масаласи ҳам ўзига хос тарзда ўртага ташланади. Навоий, нақшбандия сулукининг ахлоқий

талабларидан келиб чиқиб, ўз замонаси билан ҳамнафас бўла оладиган ва доимо комилликка интилиб яшайдиган инсонни ахлоқий намуна деб билади. Чунки ҳар бир инсон фақат ўз замонасидагина мавжуд ва шу мавжудлик доирасидагина бирор иш қилишга қодир; ох, ўтмиш зўр эди, олтин даврлар эди, ёки келажакда ҳамма нарса ажойиб бўлади, деб гапираверган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Инсон ўз замонаси имкониятларидан фойдаланиб, ҳам ўзини, ҳам замонасини гўзал қилишга интилмоғи лозим. Шу боис «Маҳбуб ул-қулуб» қўйидаги хотима билан якунланади: «ўтган рўзгор адамдир. Келажакдан сўз айтқон аҳли надамдир ва ҳол муғтанамдир. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдир»¹.

Байт:

*Мозио мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам.*

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Навоийнинг ҳаётда қилган ишлари, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, халқнинг турмушини яхшилашга, оғир қисматини енгиллаштиришга қаратилган савобли ва хайрли ишлари, насрый ва назмий асарларининг мазмун-моҳияти умуминсоний рух билан суғорилган. Мутафаккир инсонпарварлик тушунчасига ижтимоий мазмун бағишлайди. Унингча, камтарлик, вафодорлик, нафсни тийиш, ростгўйлик, сахийлик, донолик, мұхтож ва етим-есирларга ёрдам бериш, бағрикенглик, мулойимлик, шириңсуҳанлик, шижааткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик – буларнинг ҳаммаси инсонпарварликнинг таркибий қисми, мұхим хусусияти бўлиб, инсонни камолот сари етаклайди, уни етуқ ва комил инсон қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

¹ Ўрта асрлар мусулмон шарқи мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари. (Илмий-услубий мақолалар тўплами) Тошкент, 2008, 33-бет

АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА “ОДИЛ ПОДШОҲ ВА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ” ТАЛҚИНИ

Ҳазрат Навоийнинг комил инсон ғояси давлатни бошқаришда, унинг тасаввуридаги идеал, мукаммал жамият тўғрисидаги қарашларида, одил шоҳ хақидаги фикр-ўйларида, хукмдорнинг раиятга муносабатида, диний-ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишида ўз инъикосини топади.

Алишер Навоий ўзининг достонларида, айниқса, "Садди Искандарий", "Сабъаи Сайёр", "Фарҳод ва Ширин"да инсонларни бахт-саодатга элтувчи, мамлакатни равнақ топтирувчи, халқни фаровон қилувчи, жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонлик, ҳақсизликдан холи бўлган мукаммал жамият ва адолатли, ҳар томонлама етук подшоҳ тимсолини тасвирлайди. Шуни айтиш лозимки, идеал давлат барпо қилиш, адолатли ва маърифатли ҳукмдор тўғрисидаги ғоялар инсониятни қадимдан қизиқтириб келганлиги фольклор асарлари, тарихий манбалар, ўтмишнинг улуғ донишмандлари асарларидан, мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларидан маълум. Ушбу масала озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг "Иқболнома", Хисрав Дехлавийнинг "Хамса", Абдурахмон Жомийнинг "Хирадномайи Искандарий" достонларида ўз ифодасини топган.

Улуғ мутафаккир одил подшоҳни комил инсонлар сирасига киритар экан, агар у адл йўлидан борса, мамлакат обод бўлишини, халқнинг турмуши яхшиланишини, фаровонлик, мул-кўлчилик бўлишини таъкидлайди. Подшоҳнинг саъй-ҳаракатлари, тиришқоқлиги туфайли мамлакатда тинчлик, осудалик ҳукм суради, унинг меҳр-муруввати ва қўли очиқлигидан халқ тўқ, фаровон яшайди. "Очлар овқати мурувват ва бахшиши дастурхонидан, яланғочлар кийими марҳамат ва эҳсони хазинасидан. Мамлакат боғини обод қилишга ёмғир булутидай сероб ва мамлакат аҳли кўзини ёритишга худди офтоб. Ўзга мамлакатнинг аҳолиси ва халқи уни орзу қиласидар ва бошқа ўлка мазлумлари унинг адолати тўғрисида сўз юритадилар. Яхши отига атаб олимлар рисолалар

тузадилар ва яхши сифатлари ҳақида шоирлар қасидалар ёзадилар, чолғучилар уни деб куйлайдилар ва бастакорлар унга атаб куй яратадилар..."¹ — дейди алломаadolатли подшоҳ хусусида.

Алишер Навоий дўсти султон Хусайн Бойқарода ҳам асарларида тасвирланган адолатли, халқпарвар, оқил подшоҳни кўришни истайди. Доимо уни эзгу ишларга, халқ дарди билан яшашга ундайди. Хусусан, алломанинг "Муншаот" асарида Султон Хусайн Бойқарога ўзининг қимматли маслаҳатлари ва насиҳатлари, арз ва илтимосларини баён қилганлигини кўрамиз. Навоий бир хатида Хусайн Бойқарога "Ҳеч вакт кўнгулни Тенгри Таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар додидин отил² қилманг. Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жойиз эрмас, ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас"³, - деб насиҳат қиласи, салтанат ишларини бошқаришда сергак ва огоҳ бўлишга чақиради.

Ўрта асрларда подшоҳ Худонинг ердаги халифаси, деган фикр устуворлик қиласи эди. Унга кўра, подшоҳ адолат рамзи ҳисобланиб, уни ер юзи аҳолисига татбиқ қилиши, ўз фаолиятида фақат адолат қонун-қоидалари бўйича иш тутиши, ундан четга чиқмаслиги лозим. Ушбу масала юзасидан тадқиқотлар олиб борган инглиз исломшунос олими Э.Розенталнинг "Мусулмон мамлакатларда давлат бошлигининг фаолиятига 2 хил нуқтаи назардан баҳо бериш одат бўлган. Булар, илохий-хуқуқий ва тарихий-сиёсий жиҳатлардир. Қолаверса, давлат бошлиқлари ҳар қандай шароитда ҳам мусулмон эканлигини ёдда тутиб, шариат қонун-қоидаларига асосан мукаммал ислом давлатчилигининг устуворлигига ишонишган"⁴, - деган эътирофи ушбу фикрни тасдиқлайди. Ҳазрат Навоий ҳам ўз асарларида подшоҳ халқнинг ер юзидаги посбони, Аллоҳнинг ердаги вакили, деган фикрга қўшилади. Аллома "Махбуб ул-қулуб" асарида бу ҳақда шундай дейди: "Адолатли подшоҳ

¹ Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Т. 13. – Т.:Faafur Fulom nomidagi badiy adabiyet nashrieti, 1966. - 184 b.

² Отил – ўзини четга тортган.

³ Алишер Навоий. Муншаот. Асарлар. Т. 13. – Т.: Faafur Fulom nomidagi badiy adabiyet nashrieti, 1966. - 103 b.

⁴ Марҳабо П.Д. Алишер Навоий асарларида комил инсон гояси. (Автореферат) Т., 2010, 17 бет.

Ҳақдан халойиққа кўрсатилган марҳаматдир, мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабидир. Қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очар ва мамлакат кишилари бошига олтин билан дурлар сочар"¹.

Ҳазрат Навоий золим, жоҳил ва фосиқ подшоҳларнинг кирдикорларини очиб ташлайди: "Адолатли подшоҳ, - деб таъкидлайди шоир, - кўзгу ва бу унинг тескарисидир. У ёруғ тонг, бу унинг қоронги кечасидир. Зулм унинг кўнглига ёқимли ва фисқ унинг хотирига севимли. Мамлакат бузуқлигидан юрагида бирикиш, халқ паришонлигидан хотирида тинчиш. Обод жойлар унинг зулмидан вайрона, кабутар уялари бойқушга ошёна. Май сели унинг базмида ошиб-тошганидан мамлакат ободонликларини вайрона килган"².

Навоий ҳазратлари "Лисон ут-тайр" асарида яна бир ҳолатга эътибор беради, шундай шахслар бўладики, нуқсони бўла туриб, комилликка даъвогарлик киладилар, ўзини комил инсон эканлиги тўғрисида лоф урадилар. Навоийнинг фикрича, ўзини етук ва нуқсонсиз деб ҳисоблаганлар ҳеч қачон комил бўлолмайдилар. Улар фақат нуқсони ва камчилигининг кўплигидан "комил" бўлиши мумкин:

*Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Сенки нуқсон ичра комилсан басе,
Олим айтиб ўзни, жоҳилсан басе.
Ким ўзин комил кўрап ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур камоли сори йул³.*

Мамлакатнинг бўлинниб кетиши, тож-тахт талashiшлар, амир ва хонлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг ўсиб бориш хавфи миллий муштаракликка ҳалақит берар, бу жараённи ортга тортар эди.

¹ Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Т. 13. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. -1836.

² Ўша асар. - 1856.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Асарлар. З том. Тошкент, 1996, - 157 б.

Шунинг учун қандай килиб бўлмасин, мамлакатдаги парокандаликтининг, бўлинниб кетиш хавфининг олдини олиш, миллий жипсликни таъминлаш муҳим эди.

Миллий жипсликни таъминловчи омиллар Алишер Навоий яшаган даврда нималардан иборат бўлган, деган ўринли савол туғилади. Ўзи яшаган даврда миллий тараққиёт учун зарур омилларни Навоий теран англади ва асарларида изчил тадбиқ этди. Навоий асарларида илгари сурилган марказлашган ягона давлат ва унингadolatli подшоҳи, ҳалқнинг маъмурлиги, иктисадиётнинг ўсиши деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожланиши, тил бирлигига эришиш "адабий тил", маънавий-мафкуравий бирлик ғоялари миллий жипсликни таъминловчи муҳим омиллар эди. Алишер Навоий энг кўп мурожаат этган марказлашган ягона давлат ва унингadolatli подшоҳи ғояси миллий жипсликни таъминлаш учун ўша даврда етакчи омиллардан эди. Кудратли ваadolatli шоҳ ғояси давлат, мамлакат ва албатта, фуқаролик муносабатларини муштараклаштириш эҳтиёжларини мужассам қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Навоийнинг одил шоҳ ғоясида мамлакат аҳлининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашни давлат бошқарувининг асосий вазифасига айлантириш мақсади ўз ифодасини топган:

*Керак лутфу эхсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.
Раиятга сендан етиб шодлик,
Мамоликка юз қўйса ободлик. ("Садди Искандарий")¹*

Мамлакатниadolatli билан бошқаришни салтанатнинг кудратини белгиловчи омил сифатида талқин этар экан, Навоий давлатнинг иқтисодий юксалишга муҳим эътибор қаратган. Бу эса одил шоҳ ғоясида Навоий яшаган давр ва миллий тараққиётнинг муҳим эҳтиёжлари ифодаланганини асослайди. Иктисадий юксалиш, ҳалқ фаровонлиги ваadolatli билан бошқарув бугунги

¹ Алишер Навоий, "Садди Искандарий", Мукаммал асарлар тўплами, Тошкент, Фан, 1991, 177-бет.

миллий тараққиёт учун салмоқли аҳамиятга эга. Бу миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадида муҳтасар топган.

Алишер Навоий яшаган даврдаги сиёсий ҳаёт эса марказлашган ягона давлат ҳокимиятини қўлдан бермасликни, аксинча, уни мустаҳкамлашни, бу зарур чораларнинг давлат ва халқ тақдири учун нечоғлик долзарблигини очик-ойдин, кўрсатмоқда эди. 150 йил ҳукм сурган мўғулларга сиёсий қарамлик, юртдаги бошбошдоқликлар иқтисодий ва маданий қолокликка сабаб бўлгани ва Темурнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатдаги сиёсий парокандалик ва ички низоларга чек қўйилиши натижасида эришилган миллат ва юрт равнақи билан боғлик тарихий муваффақиятлар муҳим сабоқ ва тажриба ҳам эди. Темур ўз вафотидан олдин олий тахтнинг расмий ворисини тайинлаган, аммо унинг дунёдан ўтганлиги ҳақидаги хабар салтанатда тарқаши билан бу васиятга амал килиш ўрнига ҳар бир темурий шаҳзода тахтга ўтириш иштиёқи билан тож талашишга берилиб кетди, Бундай ҳолат Улуғбек ва Шохруҳ вафотидан кейин ҳам тез-тез тақрорланиб турган.

Мамлакатдаги ички парокандалик, бўлиниб кетиш ҳолатлари ташқи хавф ва таҳдид учун қулай имконият яратиб берар, миллий жипслик ва мамлакат тақдири жиддий хавф остида қолиши мумкин эди. Бундай шароитда Навоий воқеликка ўз фаол муносабатини билдирилмаслиги мумкин эмас эди. Ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан баркамол асар бўлган Алишер Навоийнинг "Ҳамса"си ватан ва халқ тақдири, миллий тараққиёт икки ўт орасида қолган даврда яратилди.

Форс тилидаги биринчи "Ҳамса" буюк шоир Низомий Ганжавий (1141-1209 йиллар) томонидан яратилган эди. Туркий адабиётда эса, "ҳамсачилик"ни Қутб ҳамда Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берди ва у ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди. Ўз даврининг миллий тараққиёт олдига қўйган долзарб вазифалари, миллий-маънавий юксалиш, миллий давлатчилиликни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш ғояси фақат Алишер Навоий яратган "Ҳамса" асарига хос эди. Шунинг учун Навоий "Ҳамса"си муҳим ғоявий қимматга эга.

Мамлакат ва халқ тақдирини шоҳнинг адолати билан боғлаш Шарқ тафаккур олами учун Навоийгача ҳам ўзига хос бир анъана сифатида шаклланиб келган. Навоий одил хукмдор ғоясини "Садди Искандарий"да ва бошқа асарларида янада аниқлаштириди, ўз даври муаммолари билан рамзий, мажозий образларда боғлади. Шоҳ бўлишга муносиб шахс учун қўйилган талабларда Навоий яшаган даврнинг энг долзарб вазифалари: юрт ободлиги, тинчлиги, маъмурлиги ўз ифодасини топган. Айнан шу вазифалар миллий тараққиётнинг эҳтиёжлари ҳамдир. Бу кузатувлар бизга миллий ғоянинг ҳаракатлантирувчи моҳиятини очиш учун ҳам зарурдир. Чунки миллий ғоя даврнинг миллат олдига қўйган вазифалари билан бирга такомиллашиб боради. У давр эҳтиёжларидан ажralган ҳолда, сунъий тарзда яшай олмайди. Миллий ғоя тараққиётнинг бирор халқ ва миллат томонидан англаңган эҳтиёжи сифатида юзага чиқади. Шу ўринда ғоянинг миллийлик моҳиятини тор маънода миллий кўринишлардаги қобиқ билан чалкаштириш унинг аҳамиятини бир томонлама, баъзан ҳатто нотўғри тушунишга олиб келиши мумкинлигига тўхталиш зарур. Навоий бежиз халқ маъмурлиги одил шоҳнинг бош мақсади бўлиши зарурлигига даъват этмаган. Мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий қудрати тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Айни пайтда халқнинг маъмурлиги мамлакат аҳлининг муҳим маънавий-ижтимоий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлик бўлгани учун у миллий жипсликни янада тезлаштирувчи ва мустаҳкамловчи омил эди. Маъмурлик мамлакат аҳлининг, ҳунармандлар, деҳқонлар, савдо-сотик аҳли ва бошқа кўплаб табақалар муносабатларининг янада ривожланишига бу билан эса ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг янада кенгайиши ва ўсишига йул очиб берарди. Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-қулуб" асарида шоҳдан тортиб оддий фуқарогача ўз олдиларида қандай вазифалар туришини англашга даъват қилиниши ҳам бежиз эмас. Мамлакат ахолиси сиёсий, иқтисодий ахлоқий, хуқуқий ва бошка ижтимоий-маънавий муносабатларининг ривожланиши фуқаролараро

муносабатларнинг янада юксак шаклларга кўтарилишига зарур мухит яратади.

Халқ ва давлат муносабатларининг ҳар томонлама мураккаблашиб бориши табиий йўсинда маънавий-мафкуравий бирликка эҳтиёжни юксалтиради. Шундай эҳтиёжларнинг бир кўриниши Алишер Навоий илгари сурган тил бирлигига эришиш фояси эди.

"Турк улусининг" хуштаъб беклари ва мирзозодаларининг кўпи ўз она тилларидан бегоналашиб, форсчага мойил бўлганларидан безовталанган аллома, уларни Хусайн Байқародан ўрнак олишга ундейди. Навоийнинг бу муддаоси "Муҳокамат ул-луғатайн" ниҳоясида кўтаринки руҳда ифодаланган. Туркий тилнинг ички имкониятлари, яъни фасоҳату балоғати форсийдан асло кам эмаслигини асослаб: "...турк улуси фосихларига улуғ ҳак событ килдимки, ўз алфоз ва луғатлари кайфиятларидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг ибрат ва алфоз бобида таън қилур сарзаминдик қутулдилар"¹, деганда Навоий туркий шаҳзодалар салтанатининг мустаҳкамланишини она тили ривожланиши билан боғлаган ва давлат мустақиллиги она тили ривожланишини белгиловчи омиллардан бири эканлигини таъкидлаган.

Ягона тил бирлигига эришиш мамлакат аҳли турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ва такомиллашишига қулай имконият яратиб, кўпгина қабила ва элатларнинг янада жипслашувига хизмат қиласарди. Иккинчи томондан эса давлат мустақиллиги она тилининг равнақи, унинг имкониятларининг бойиши учун муҳим эди. Она тили амал қилиш ва хизмат қилиш доирасининг кенгайиши фақатгина давлат мустақиллиги билан амалга оширилар эди. "Муҳокамат ул-луғатайн" мана шундай улкан вазифани бажаришга чорловчи асар ҳамдир. Чунончи, туркий ҳукмдорлар ўз салоҳиятларини она тилларида намоён этсалар, бу билан она тили ривожига ҳам ҳисса

¹ Алишер Навоий. "Муҳокамат ул-луғатайн". Муқаммал асарлар тўплами. Тошкент, Фан, 2000, 34-бет.

кўшадилар ва албатта она халқининг интилиши ва мақсадларидан бегоналлашиб кетмай, аксинча, унинг манфаатларига хизмат қилсалар, - деган даъво Алишер Навоийнинг асл муддаоси эди.

Бир-бири билан боғлик бўлган шу каби асосларга кўра, Алишер Навоий илгари сурган ғоялар яхлит таълимот даражасида мужассамлашган. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, Навоий қарашлари миллий юксалишнинг маълум бир тарихий босқичи бўлибгина қолмасдан, бугунги мустақиллик шароитида ўзликни anglashda, миллий манфаатни идрок этиш, давлат ва халқ манфаатларини бир бутунликда билишда ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас.

Алишер Навоий мероси мужассам таълимот даражасида ўрганилишига асос буладиган ғоялар тизимида қуйидагилар алоҳида ажralиб турди. Аввало, бу таълимотда ҳар бир масала халқ манфаатлари нуқтаи-назаридан тадқиқ этилади. Халқ орасида кенг оммалашган - "Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами" мисраларининг юз байт ўрнида қабул қилиниши ҳам мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Навоий тафаккурида ҳар бир фикр, ғоя халқ манфаатларини теран идрок этишнинг ёрқин ифодаси сифатида туғилиб, шу манфаатларни ҳал этиш йўл-йўриқлари билан чамбарчас боғланган. Навоийнинг барча даъватлари миллат ва халқ фаровонлигига йўналтирилганлиги билан бирга халқнинг моддий фаровонлиги маънавий-сиёсий мустақиллик билан, хусусан, давлат мустақиллиги билан бир-бирини тақозо этувчи вазифалар сифатида олинган. Миллатнинг халқ сифатида шаклланиши миллий манфаатларни умумхалқ манфаатлари даражасида англашни тақозо этибгина қолмасдан, халқ манфаатларини мамлакат равнақи билан уйғунлаштиришни асосий вазифага айлантиради.

Тарих ва тараққиётнинг ҳар бир миллат ва халқ олдига қўйиб келаётган бу ҳақиқати Алишер Навоий меросида муҳим ўрин эгаллаган. Миллий ғоя халқ ёки миллатнинг маълум бир ривожланиш босқичи билангина чегараланиб қолмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий жиҳатларидан бири ўзи мансуб миллат

ва халқ ҳаётини яхлит қамраб олиб, ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк бўла олишидадир.

Миллий ғоя миллат ва халқнинг тараққиёт эҳтиёжларини ҳам бир бутун ҳолида мужассам қамраб олади. Шу боис у халқнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий эҳтиёжларини ва интилишларини мухтасар ифода этади.

Алишер Навоий кўтарган ижтимоий масалалар миллий тараққиётнинг моҳиятли жиҳатларини реал белгилаб олишимиз учун асос бўлиб хизмат қиласи. Энг муҳими, Алишер Навоий даъватларининг, илгари сурган ғояларининг миллийлик касб этиши учун миллатга хос ташқи белгилар, урфлар йиғиндисини тартиб қилиб беришга ҳеч бир эҳтиёж йук. Бундай таркиб миллий ғоя тушунчасининг мазмунини умуман очиб беролмайди. Миллий ғоянинг харакатлантирувчи моҳияти халқни юксак мақсадлар йўлида жипслаштириши, сафарбар этилишидадир. Ҳар бир халқни тараққиётга рағбатлантирувчи ғоя унинг миллий ғояси ҳисобланиши мумкин.

Мамлакат ва халқнинг фаровонлигини ҳар жиҳатдан тадқиқ этган Навоий миллий жипслик ғоясига муҳим урғу берган. Чунончи, мамлакат аҳлининг жипслиги ҳам шоҳнинг одил сиёсати билан бевосита боғлиkdir.

Миллий жипслик ҳақида хулоса юритилар экан, Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-қулуб"даги танқидий қарашлари, ўринли хавотирларига алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакат аҳли: турли табақа ва касб-кор вакиллари, ягона куч, муштарак тизим. Шундай экан, улар ўз бурчларини шу муштаракликка зид бўлмаган ҳолда идрок этсалар мақсадга мувофиқ булади. Хусусан, шоҳнинг маслаҳатчилари, вазирлар, беклар, ноиблар ҳақида куюниб фикр юритганда, саъй-харакатлари мамлакат равнақига қаратилмаган амалдорларнинг танқид қилиниши, Навоийнинг улардан нафратланиши бежиз эмас. Улар мамлакат тақдирини белгилайдиган амалларда турганлари ҳолда миллий манфаатларни идрок этишдан йироқ "тариқдари-худнамолик", "варзишлари худпастлик", "расмлари-худододлик"дан нарига ўтмайди. Бундай жамиятда

фуқаро маъмур бўлмаслигидан, мамлакат ва мулк тақдирини уларга ишониб бўлмаслигидан безовталангандаги аллома мамлакатдаги ички парокандаликнинг келиб чиқиш сабабларидан шоҳни огоҳ этмоқчи.

"Махбуб ул-қулуб" асарида мусулмон жамиятида ўзига хос таъсир ва мавқега эга табақа вакилларининг таъмагирлик, шариат қонунларини бузиш ҳолатларининг танқид қилиниши орқали Навоий жамиятнинг маънавий парокандаликка тушиб сабаблари ва хавфидан огоҳ этади.

Навоий ўзини ўйлантирган ғояларни ўз тимсолларига сингдириб, бу ғояларнинг турли халқлар ва миллатлар учун бирдай қадрли ва эъзозли, ардоқли ва севимли бўлишини орзу қилган. Бундан максад умуминсоний бағрикенглик асосида бир-бирига қардош, ёндош халқларни ўзаро муштаракликка даъват этишдир. Бу эса ўз навбатида, миллий тотувлик эҳтиёжини, миллатлараро тотувлик, дўстликни, умуминсоний ва миллий қадриятларни яқинлаштиришни, омухталаштиришни Навоий ўз замонидаёқ қанчалик теран анлаганининг бир кўринишидир¹.

Миллий тараққиёт ва Алишер Навоий таълимоти ҳақидаги мулоҳазаларимиз умуминсоний бағрикенглик ва етук шахс ғояларисиз кемтик бўлиб қолиши мумкин эди. Алишер Навоий, албатта, бу мавзуларга ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндашган.

Авф, карам, меҳр-мурувват Навоий талқинидаги бағрикенгликнинг асосий сифатлариидир. Мамлакатнинг адолат билан бошқарилуви эл, юрт иқболи учун қанчалик муҳим бўлса, бундай бошқарув тамойилида инсоний бағрикенглик муҳим аҳамиятга эгадир. Алишер Навоий инсоний бағрикенгликни шунчаки эзгуликнинг бир кўриниши сифатида талқин этмайди, аксинча, салтанатнинг равнақини, ҳокимиятнинг қудратини айнан инсонпарварлик дастуриламали билан боғлайди, бундан кўзланган мақсад халқнинг маъмур ҳаётидир.

¹ Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Т. 13. –Т.: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 183 б. 48 б.

Айни пайтда, Навоий ўз замонидаёк сиёсатда, ижтимоий муносабатларда ва бошқарувда инсоний бағрикенгликнинг устувор бўлишига даъват этган. Амал қилинаётган қонуннинг аҳамияти салмоғини белгилашда инсонпарварлик, инсоний бағрикенглик энг асосий мезон эканлигига чақирган.

Таъкидлаш жоизки, ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма, деган тамойил умуминсоний қадриятдир. Бу тамойил Конфуций таълимотида ҳам, қадимги Ҳиндистоннинг "Ману конунлари" да ҳам, Таврот ва Қуръонда ҳам учрайди. Алишер Навоий бу умуминсоний ғояни бек ва шаҳзодаларга яна бир бор эслатади.

Навоийнинг комил инсон ғояси ҳаётнинг синов ва зиддиятлари билан тўқнашувларда моҳиятан янада очилади. Бизнингча, бу жуда муҳим масала. Бу, биринчидан, Навоийда комил инсон ҳаётдан ажратиб қўйилган хаёлий орзу эмаслигини, иккинчидан эса, Навоийнинг муҳим анъанавий қарашларга таяниши уларни такрорлашдан иборат бўлмаганини англатади ва Навоийнинг ўз даври зиддиятларига ечим топишни ўз олдига мақсад килиб қўйганини ҳар жиҳатдан ёқлади. Навоий талқинидаги комил инсон силлик, равон ҳаёт йўлига эга эмас. Улар англанган ҳолда шундай мashaққатлар билан юзма-юз бўладиларки, мақсадга содиқлик ибратини Навоий ҳар қандай ҳолатда ҳам устун қўйган. Бу Навоийнинг асл ғоявий мўлжалидирки, Фарҳоднинг халқ фаровонлиги йўлида ўзини баҳшида этишини, бундай мақсадни ҳатто ўз ишидан ҳам устун қўйиши алоҳида эътироф этиш зарур.

Ҳазрат Навоий мукаммал жамоа, одил подшоҳ ва комил инсон тушунчаларининг ўзаро уйғунлигини асарлари орқали тарғиб қилди. Иккинчидан, Алишер Навоий кучли марказлашган давлатни, мукаммал жамиятни асарларида тасвирлади, бундай давлат тузумини орзу қилди. Фақатгина орзу қилиб қолмасдан, ўзининг режаларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлди. Учинчидан, Навоий ўз идеалидаги мукаммал давлат ва одил шоҳнинг хаёлий образини "Хайрат ул-аббор", "Садди Искандарий" каби достонларида яратибгина қолмасдан, ўша даврдаги хукмдорларни тўғри йўлга

солишга, адолатли ва комил бўлишга чақирди. Тўртинчидан, Навоий комил инсонни кенг маънода тушуниб, инсоннинг комиллиги ёки ноқислигини баҳолашда ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларини асосий мезон сифатида эътироф этди.

Бугун биз мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди ҳар қандай боқимандаликни ўзига ор деб биладиган, билимни, энг замонавий касбларни эгаллаган, айни пайтда ватанпарвар, фидоий, маънавий етук булиб камол топиши тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, албатта, Навоийнинг ғоялари ва идеалларига таянамиз.

Хуллас, Алишер Навоий адолат, инсон қадри, мамлакат ва шахс манфаатларини яқдиллаштирувчи ҳалқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган асарлари муносиб маънавий мерос бўла олишини, бу ғоялар ҳамиша ўзликни англашга рағбатлантира олишини чуқур англаган шундай буюқ мақсад билан ижод қилган Навоий таълимоти миллатни ва ҳалқни ўзи орзу қилган ғоялар теварагида жипслаштириб турувчи беқиёс хазина эканлиги миллатни-миллат, ҳалқни-ҳалқ этишга етакловчи миллий ғоянинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўрганилганда янада яққолроқ намоён бўлади.

ОЛАМ АҲЛИ БИЛИНГИЗКИМ, ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИҒ...

Инсониятнинг бахтли яшashi йўлидаги орзу ва мақсадларини куйлаган асарлар борки, улар мангу яшайди ва унинг қаҳрамонлари ҳам ўлмас бўлиб қолади. Алишер Навоийнинг туркий халқлар маънавий хазинасига қўшган ҳиссаси беқиёсdir. Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни учратиш қийин. Асарларнинг шаклан гўзал ва баркамол, мазмунан пурхикмат ва сержило экани, ҳар бир ташbihҳ ва образ заминида катта фалсафий ҳаётий тушунча мавжудлиги, ҳар бир мисра-байт эса неча маъни ифодалай олгани – булар барчаси Навоий асарлари умрбоқийлиги нишонасидир.

*Оlam aҳli bilingizkим, iш эmas душманлиғ,
Ёр ўлунг бир бирингизгаким эрур ёрлиғ иши...*

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари ва қаҳрамонларининг юз йиллардан бери яшаб келаётганининг сири Ҳазрати инсон бўлиб яратилмиш зотнинг асрлар ўтса-да, у даврда ҳам, ҳозир ва кейин ҳам маслагиу матлаби муштарақ – инсонийлик, комиллик ва ҳақиқат эканидадир.

Инсон КАМОЛОТга якка ҳолда ета оладими? Камолот нима ўзи? Комиллик нима? Комил инсон ким у?

Навоий асарларида акс этган комил инсон бу диний ва дунёвий илми мукаммал бўлган, Ҳақни таниган шахсадир. Булар кимлар? Булар соф муҳаббатни ўзида акс эттирган, маънавий такомилга эришган Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун, одил подшоҳ Искандар ва вафоли ёр Дилором, карамиу саховати чексиз Хотами Тойлардир. Бири чин, бири арман, бири араб, бири юнон, бири хинд, яна бири форс миллатига мансуб бу қаҳрамонларни бирлаштириб турган восита мақсаднинг бирлиги, чин инсонийликдир. Инсониятнинг даҳо шоири, мутафаккир Алишер Навоий асарларида тараннум этилган маънавий тамойиллар, эзгу ғоялар барча халқлар ва барча даврлар учун бирдай аҳамиятлидир.

Аллақачонлар бизнинг онгу шууримизга миллий қаҳрамон, идеал образ, баркамол шахс қиёфаси бўлиб ўрнашган Фарҳод, Ширин, Искандар, шоҳ Нўъмон, Мехр, Суҳайллар эришган мавқеи, ютуқлари, инсонийлик мартабалари илм-маърифат билан чамбарчас боғлиқдир. Фарҳоднинг барча диний-дунёвий фанларни ўзлаштириб бўлгач, ҳунар ўрганишга бел боғлаши ва Корун, Боний, Моний каби даврининг етук усталаридан ҳунар сирларини қунт билан эгаллаши, айниқса, уни Ширин яшаётган мамлакатда одамларнинг оғирини енгил қилиш учун тоғ қазиб, сув чиқаришда қўллагани бизга ибратдир.

Навоийнинг қаҳрамонлари турли халқларга мансуб. Чин ўлкасининг фарзанди Фарҳод, арман гўзали Ширинга кўнгил беради. Араб элида оғизга тушган афсонавий севги қиссасига Навоий ўзбек тилида абадий ҳаёт бағишлайди. Дилором Чин элидан, Жўна ва Масъуд Ҳиндистондан, Суҳайл Ямандан, Фаррух Сарандиб (Шри Ланка)дан.

Навоий халқлар дўстлиги ғоясининг улуғ куйчисидир. У халқлар дўстлиги ғоясини “Фарҳод ва Ширин” достонида марказий масалалардан бири қилиб қўяди. Бу ғоя айниқса, достоннинг турли миллат вакилларига тааллукли уч ижобий образ – Фарҳод, Ширин ва Шопур образларида ёрқин ифодаланади. Уларнинг фаолияти, дунёқараши, орзу-интилиши бир-бири билан чамбарчас боғланган. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари билан Кавказ, Хитой халқлари ва бошқа халқлар ўртасида жуда қадим замонлардан бошлаб дўстона муносабатлар, иқтисодий-маданий алоқалар пайдо бўлган. Навоий асарларида халқлар дўстлиги мана шу реал замин асосида туғилган ва уни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга қаратилган эди. Шу билан бирга, Фарҳод, Ширин ва Шопур каби образлар, достонда қайси бир ўлка ёки халқнинг фарзанди сифатида тасвирланишидан қатъи назар, улар инсонийликнинг энг яхши сифат ва фазилатларини тажассум этган кишилар бўлиб, барча халқларга манзурдир.

Навоий қадими Юнон маданиятини, араб адабиётини, Ҳиндистонни жуда яхши билган. Хусусан, Юнон мамлакатини

қадимий маданиятнинг бешиги деб мадҳ этган. Унинг асарларида Клавдий Птолемей, яъни Батлимус, Арасту, Суқрот, Афлотун каби алломалар, Искандар каби подшоҳ образлари катта ўринни эгаллайди.

Навоий Хамсасининг юзага келишида Хитой маданияти, тили, тарихининг ҳам таъсири борлиги сезилади. Масалан, “Сабъай сайёр” достонида Эрон шоҳи Баҳром сайёҳ Монийнинг қўлида Хитойлик Дијоромнинг суратини кўриб, уни яхши кўриб қолади ва уни Хитойнинг бир йиллик хирожи ҳисобига сотиб олади. Хитой тарихига оид манбаларда чиндан ҳам Хитойда 7, 8, 9 асрларда тирик одамларни товар сифатида сотиш ва сотиб олиш ривожланган бўлгани маълум бўлади¹. Яъни Навоийнинг ёзганлари тарихий асосга эга.

Алишер Навоий халқлар дўстлигини фақатгина ўз асраларида куйлаш билан чекланмаган. У ўз даврининг буюк форс шоири Абдураҳмон Жомий билан яқин дўстона алоқада, устоз-шогирд мақомида бўлган. Навоий ўз “Хамса”сини айни шу устозининг матлаби билан ёзган дейилади.

Алишер Навоийнинг серқирра ижодида халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шоир жаҳон халқларига мурожаат этиб, уларни бир-бирига кўмакдош, елкадош, ҳамкор ва дўст бўлишга чақиради:

*Оlam аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бiringизгаким, эрур ёрлиг иш.*

Алишер Навоий асарларида кўзга яққол ташланиб, барчага ибрат бўлгулик яна бир хусусият борки, у ҳам бўлса бағрикенглик ва олижанобликнинг улуғланишидир. Чунончи улуғ шоир инсониятни жинси, ирқи, миллати ёки диний эътиқодига қараб эмас, балки уларнинг хислатларига қараб баҳолаш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Шунга биноан, Навоий асарларида ҳар хил ирқ ва эътиқодга мансуб кишилар куйланган, у ўз қаҳрамонларини турли ўлка ва халқларнинг фарзандлари сифатида тасвирлайди:

¹ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. Б. 69.

*Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитоий ўлсину ё армани ва ё ҳинду.
Ҳусн чун жилва қилур, оқу қорада йўқ фарқ,
Кишига келса бало-хоҳи Хито, хоҳи Ҳабаш.
Мен тилаб ҳусн, vale шоҳ тилаб аслу насаб
Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт...*

Алишер Навоий турли халқ ва миллат вакилларини самимият билан севади, уларни ҳурмат қиласи. Унинг қайси бир асарини олманг, турли халқ вакиллари образига дуч келасиз, унда уларнинг дўстлик, биродарлик ғоялари жўшқин ифода этилганлигини кўрасиз. Бу каби оташин мисраларда у халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи, тенгма-тeng қўювчи белгиларга эътиборни жалб этади ҳамда инсонни ирқи, элати, эътиқодига қараб, унга турлича муносабатда бўлиш каби ёмон иллатларга қарши курашади.

Бугун дунёда баъзи халқлар, давлатлар ва миллатлар орасида бўлаётган турли можаролар, биродаркушлиқ урушларининг олдини олиш, халқларни дўстликка чорлаш ғояларини шоир олдиндан башорат қилгандек туюлади. Миллати, элатидан қатъи назар, барча инсон дунёда эркин яшashi керак деган ғоя шоир ижодининг асосини ташкил этади.

Адолатли жамият, адолатли ҳукмдор ғояси азалдан миллатлар орзуси бўлиб келган. Инсониятнинг буюк вакиллари Платон, Аристотель, Суқрот, Абу Наср Фаробий, Томас Мор, Вольтер, Никколо Маккиавелли, Кампанелла ўз шоҳ асарларини айнан шу ғояга бағишилаганлар.

Шоҳ Искандарнинг фаолиятини қайта кўз олдимизга келтирайлик. Подшоҳ отасидан унга тахт билан катта бойлик, молмулқ, улкан мамлакат мерос қолди. Искандар уни ақл билан истифода қилиш пайида бўлди. Тахтга ўтиргач, атрофига оз эмас, кўп эмас, тўрт юз донишмандни йиғди, уларнинг насиҳатига қулоқ тутиб давлат бошқарувини янгилади. Уларнинг маслаҳатига биноан мамлакатнинг мудофаа тизимини кучайтиришга уринди. Душманлар давлат чегараларига яқинлашаётгани ҳақида хабар берувчи машҳур Искандар кўзгуси – Ойинаи Жаҳоннамони

яратиши олимларга фармон берди. Денгиз ости сирларини билиш пайида бўлди. Тафаккур нури ила Искандар деворини қуриб, жаҳолатнинг, ёвузликнинг йўлини тўсди. Ўлкани маърифат билан бошқаргани учун ҳам милоддан олдин яшаб ўтганига қарамай, 3 минг йилга яқин вақт ўтибдики, унинг номи тилдан-тилга ўтиб, афсонавий тарзда яшаб келмоқда.

Адолатли подшо образини куйлаган Алишер Навоий ўз достонларида майшату нафс амрига берилган подшоҳларни ҳам тасвиrlаб беради. Булардан бири Баҳромшоҳдир. Баҳромшоҳнинг бутун лашкари билан ўзи тўккан қонлар гирдобида ер қаърига кириб кетишини тасвиrlайди ва бундай ишлардан четлашишга ундейди. Дарҳақиқат, инсоннинг баҳти унинг ватани билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Ҳозирги даврда инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар ечими авваламбор инсоннинг маънавияти, маърифати ва соғлом фикри билан бевосита боғлиқ. XXI асрда инсоният ва тамаддун олдида турган барча муаммоларни тафаккур кучи, ўзаро ҳурмат ва келишув йўли билан ҳал қилиниши лозим. Бу йўл барча халқлар ва миллатлар ўртасидаги баҳамжиҳатлик ва teng ҳуқуқлиликка асосланган, шунингдек, умуминсоний ҳавфсизликка таҳдид солаётган кучларни бартараф этиш, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларини таъминлайдиган истиқбол йўлидир.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг инсоният баҳт-саодати йўлида яратган илмий-маънавий меросининг бугунги кун учун қанчалик аҳамиятли эканлигига эътибор қаратар эканмиз, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш, умумбашарий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, ҳар томонлама уйғун ривожланган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган шахсларни камол топтиришда инсоният тараққиётининг муҳим омили эканини яхши тасаввур этамиз.

Навоийнинг инсонни улуғлаш билан боғлиқ фикрлари аввало Куръони Каримдан олинган. Аллоҳ инсоннинг мартабасини шунчалар улуғ яратганки, ҳамма фаришталар унга сажда қилган, фақат шайтонгина бундан бўйин товлаган. Зоро, инсонни барча

жонзотлар ичида Оллоҳ латиф этиб яратган, шунинг учун бир-биримизни улуғлаб яшашга чорлайди:

Барчасини гарчи латиф айладинг,

Барчадин инсонни шариф айладинг.

Шу ўринда Президентимизнинг 2020 йилдаги Мурожаатномасида илк бор тилга олинган УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҳақида тўхталсак. Ренессансга эришмоқнинг йўли қандай бўлса, уни қандай тасаввур қиласиз ва қандай амалга оширамиз, биз билган ўрта асрлардаги Шарқ Ренессанси замонавий даврда қайтарзда такрорланиши ёхуд такомиллашиши мумкин, деган саволлар туғилиши табиий.

Ўнлаб қомусий олимларни етиштириб берган заминимизда Уйғониш даврида ҳозирги имкониятларнинг юздан бири ҳам бўлмаган. Лекин Ибн Сино-ю Берунийлар, Ал Хоразмий-у Фаробийлар, Улуғбек-у Навоийлар инсоният цивилизациясининг тамал тошини қўйган аждодларимиздир. Ахир Интернет олами бизга бераётган ахборотлар заминида ёшларимиз мактаб давридаёқ даҳо бўлиб кетиши керак эмасми? Мантиқан олганда, ахборот кўпайгани сари илм қучайиши керак.

Шайх Шиблий шундай деган экан: “Тўрт минг ҳадис ўқидим, тўрт юзини ёд туширдим, шундан тўрттасига амал қилдим ва мақсадимга етдим”. Демак, ҳамма гап қабул қилинаётган ахборотларнинг одам мияси ва тафаккурида қайта ишланиши билан боғлиқ. Қайта ишланмаган ахборот кераксиз тош, ортиқча юк. Бундай юкнинг фойдасидан зарари кўпроқ. Ахборот онгнинг овқати, у ҳазм бўлиши, қайта ишланиши, илмга ва фикрга айланиши керак. Узлуксиз ахборот қабул қилаётган мия тўхтовсиз овқат еб, ҳазм қилмаётган ошқозонга ўхшайди. Ошқозон овқатни ҳазм қилсагина овқат қувват ва қонга айланади. Аксинча бўлса, у ошқозонни ишдан чиқаради. Фалсафада анализ, синтез деган тушунчалардан фойдаланилади. Буни айни кунда Интернет ва бутун ташқи оламдан олинаётган ахборотга нисбатан қўллаш айни муддаодир. Анализ, яъни таҳлил қилиш, сўнгра синтез, яъни керакли-кераксизга ажратиш – мана шу икки амални бажарган тарзда ташқи олам

информацияларини тафаккур чиғириғидан ўтказиш биз истаган натижага – илм эгаллашга олиб келиши мумкин.

Инсониятнинг зулматдан қутулмоғи, баҳтга, саодатга етишмоғининг кағолати, шаксиз, маърифатда эканлигини минг йиллар олдин айтилган эди. Инчунин, улуғ шоиримиз, миллатимиз фахри Алишер Навоий асарларини, улар яратган адабий қаҳрамонлар фаолияти синчиклаб кузатилса, билим олмоққа даъват ғояси энг кўп тилга олингани равшан бўлади.

Ўтган асрда яшаб ўтган шоир Собир Абдулланинг мана бу сатрларини ҳар қандай ўқувчининг диққатини тортади, деб ўйлаймиз.

Билмак Навоийни – бу зўр маърифат нишони,

Билмак Навоийни – бу юксакка элтар они.

Билмак Навоийни – бу ўз нафъи, йўқ зиёни,

Билмак Навоийни – бу ойнаи жаҳони.

Устоз Иброҳим Ҳаққул ёзганларидек, “Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «хужжати»дир. Аммо Навоий ижодиётининг моҳият ва руҳоният оламига кириш, гўзаллик сир-асорорини баҳоли қудрат англаш осон эмас.

Навоийни англаш «мақоми» га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга ғоятда секинлик билан, нихоятда кўп мутолаа ва мушоҳада ила маълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демоқчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш – муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек маҳсус тайёргарликни талаб қиласи. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллатнинг эҳтиёжига айланиб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Руҳоният учун қайғурмоқчи,

ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамоқчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди¹.

Абу Наср Фаробий “Бахт-саодатга эришув ҳақида”ги рисоласида ёзганидек, “...камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хосияти бор, одамзод жинсида бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ва мажбурдир”. Ҳар қандай вазиятда, энг аввало, фарзанднинг келажаги ва тақдири учун ўзини жавобгар деб чуқур ҳис этган ота-онанинг шахсий намунаси кўзга ташланиши лозим.

Шоирнинг ҳалқ ғамини ўз ғами, ўз мушкули деб билмайдиган кишини одамлар сафига қўшмаслигини тараннум этувчи қуйидаги байтлари асрлар давомида дунё ҳалқлари орасида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда:

Одамий эрсанг, демагил одами

Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий “Агар сен чинакамига баркамол бўлишни истасанг, илм қайси тилда бунёдга келган бўлмасин, ҳамма тилда ҳам ўқиб-ўрганишга ҳаракат қил” мазмунида қуйидаги мисраларни ёзган эди: “Ибрию юнонию сурёни ҳам, Ҳинд агар жоиз бўлса они ҳам”. Қаранг, ҳазрат Навоий ўз даврида ёшларга мурожат қилиб, ибрит (яхудий), юонон, сурё (араб), ҳинд тилларини ўрганишга даъват этган бўлса, бугун ёшлар олдида ўз она тили – ўзбек тили билан бирга инглиз, рус ва бошқа жаҳон тилларини ҳам чуқур ўрганиш вазифалари қўйилмоқда. Алишер Навоий миллатимиз куёши. Биз яшаб, умргузаронлик қилиб турган оламда Куёш битта, у бетакрор ва сўнмас бўлгани каби Алишер Навоий ижоди ҳам завол билмас Куёш каби дунё аҳлини баҳраманд этиб келмоқда. Эътибор қилинг, ҳайкалтарош Равшан Миртоҗиев айтганидек, “қуёш эрталабки

¹ Ҳаққул И. Навоийни англаш. – Т.: Фан, 2007. Б. 4.

нурларини кун чиқар юрт Япониянинг пойтахти Токиодаги Алишер Навоий ҳайкалига сочади, ундан кейин эса нурларидан гўзал Ўзбекистонимизни баҳраманд этади, сўнг АҚШнинг Давлат Конгресси биносига қўйилган шоирнинг бюстини ёғдуга кўмади... Бу ҳам Яратганинг мўъжизасидир”. Ҳа, Алишер Навоий дунё ахли учун ана шундай жаҳон халқлари дўстлигининг бебаҳо куйчисидир.

Озарбайжон шоири Фузулий Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни “Султони салотини шуъаро” деб атагани, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас”, дегани ҳам бежиз эмас. Маълумки, бобокалонимиз ҳаётининг охирги йилларида бутун умри мобайнида ёзган шеърларини “Хазойин ул-маоний” номи билан 4 та девонга тақсимлаган. Ушбу девонлар XV асрдаёқ нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки Туркия, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва бошқа ўлкаларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Бу шеърлар мазмун тузилиши бўйича ишқий, фалсафий, дидактик ва ижтимоий-сиёсий, шунингдек, ҳаётий тасвир руҳида бўлиб, улар бадиий юксаклиги жиҳатидан ҳам ўз даври назмининг мислсиз намуналаридан ҳисобланган.

Навоий шеърияти инсон ва инсоннинг ҳаёт тарзи ҳақидаги сабоқлар тўпламидир. Унинг деярли барча асарларида эзгулик, саховат, ҳиммат, инсофу адолат, сабру қаноат каби ахлоқий хислатлар мадҳ этилади. Ҳасад, ёвузлик, адоват, баҳиллик, хасислик, тамагирлик, ёлғончилик, дунёга ҳирс қўйши каби иллатлар қораланади. Ул зот инсонни камолот сари интилишига чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қиласди ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушиаймон бўлмаслик учун эзгу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради.

Алишер Навоий асарларидаги асосий ғоя инсон камолотидир. Шоир жамият ҳаётини синчковлик билан таҳлил қиласди, инсоният тарихига назар ташлайди. Шу кузатишлар асносида ниятнинг эзгулиги, комиллик сари интилиш инсонни юксалтиришига ишора қиласди.

Навоийнинг эътирофича, комилликка эришиш, шарафга ноил бўлишнинг асосий шарти ёмон ахлоқни бартараф этишдир:

*Бордир инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.*

Шоир “Ҳайрат ул-аброр” да инсонни мукаррам этувчи фазилатлар ҳамда тубанликка бошловчи иллатлар хусусида ҳам фикр юритади. Мансаб, мартаба, бойлик одоб ўрнини боса олмайди, дейди Навоий:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди хаёву адаб.*

Одоб ва одобсизлик ўртасидаги масофа у қадар узок эмас. Ҳатто кулги ҳам меъёридан ошса, одобсизлик ҳисобланади:

*Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.*

Кишининг ўз ўрни ва ҳаддини билиши, ўзгалар ҳақига риоя этиши ҳам одобдан далолатдир:

*Гарчи адаб шарти бағоят керак,
Ҳар киши таврида риоят керак.*

Навоий оила масаласига алоҳида эътибор қаратади. Инсон оиласида ҳам одоб шартларига риоя этиши лозим. Оила бошлиғи рафиқаси ва фарзандлари учун масъулдир. Фарзандларга яхши исмлар қўйиш ота-онанинг фарзи ҳисобланади. Зоро, фарзандлар исмлари туфайли уялиб юрмаслиги керак:

*Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин ўёт.*

Ота-онанинг фарзанд олдидағи бурчларидан яна бири унга таълим беришдир. Илмли киши яхши-ёмонни фарқлайди, умрини беҳуда ўтказмайди. Навоий бу масалага жиддий эътибор беради:

*Қилмоқ эрур бири муаллим талааб,
Қилғали таълим анга илму адаб.*

Пок ният, биронинг мулкига кўз олайтирмаслик, барчага бирдек эҳтиром кўрсатиш, камтарлик, сабр-тоқат, вафо, садоқат, ҳаё ҳам баркамол инсоннинг фазилатлари эканини таъкидлаган шоир одобнинг муҳим шартларидан бири ота-онанинг хурматини жойига

кўйиш эканига диққатимизни қаратади, улар ризосини олишга ундаиди.

*Кимки бу куймак анга одат дурур,
Дунё уқбода саодат дурур.*

“Хайрат ул-аброр” достонида ростгўйлик ва ёлғончилик, илмнинг қадри, элга хизмат, одамгарчилик, сўзнинг сехри, тўғрилик ва ўғрилик, ҳаёт ҳикмати, умр фасллари, дунёнинг ўткинчилиги, майнинг зарари ҳақидаги фалсафий фикрлар талқини инсонни мушоҳадага ундаиди. Хусусан, шоирнинг инсон умри тўғрисидаги қўйидаги мисралари кўнгилдан чуқур жой эгаллайди:

*Шод ани бил даҳрда ким ғам емас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.
Чунки жаҳон боғи вафосиз дурур,
Умр гули анда бақосиз дурур.*

Бақосиз умр гулига кўнгил боғламаслик, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан самарали фойдаланиш, хайрли ишлар салмоғини орттириш, “яхшилик била от чиқариш саодати” га интилиш, баркамоллик, эл осойишталиги Навоийнинг эзгу орзуларири. Навоий асарлари асрлар оша яшаб келмоқда, авлодларга комиллик йўлини кўрсатмоқда. Чунки ҳаёт бор экан, эзгулик ва ёвузлик ҳам бор, улар ўртасидаги кураш ҳеч қачон тўхтамайди. Биз абадул абад ёруғликка, эзгуликка, комилликка интилиб яшаймиз.

Навоий 1480-1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 та ҳовуз курдиради. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга «Муқарраби ҳазрати сultonий» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган унвонни беради. Унга кўра, Навоий давлатнинг барча ишларига аралаша оларди.

Алишер Навоий инсонийлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида – жамиятда ҳар бир киши фойдали касб билан шуғулланиши, халқа кўпроқ манфаати тегишида, деб билади. Инсон халқ ғами билан яшashi ва иложи борича одамларнинг оғирини енгил қилиши, турмуши фаровон бўлишига кўмаклашуви

лозим, деб ҳисоблайди. Навоий инсонни камолот сари интилишга чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қиласи ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушаймон бўлмаслик учун эзгу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради.

Навоий ижодида ҳаётга муҳаббат инсоннинг миллатидан, ирқидан ва диний мансублигидан қатъи назар, унинг қадр-қимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу ғоялар билан суғорилган. Айниқса, ҳозирги кунимизда турли минтақаларда рўй бериб турган миллат ва элатлараро жанжалу можароларни олдиндан кўра билган буюк Навоийнинг безавол ўгитлари инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамоҳангдир. Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик ғояларини юксак маҳорат билан тараннум этган улуғ ижодкордир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг ёрқин сиймолари – Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий қаторидан муносиб ўрин олган. Навоий асаллари бутунжаҳон мулкидир.

ЖАДИДЧИЛИК, ХОТИН-ҚИЗЛАР ЗИЁСИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, фан-техникаси, умуман, деярли барча соҳаларда юксак глоболлашув жадаллик билан илгарилемоқда. Бу жараёнда Республикаиз дунё мамлакатлари орасида тенглар ичра тенг бўлмоқ учун росмана интилиб, ўз олдига мақсад қўйганидан қувонамиз. Чунки улкан жаҳон андозалари асосида марра олиш, албатта, натижа беради.

Шу маънода Учинчи Ренессанс тушунчасини кўпчилигимиз мана кундан-кунга яхши англаб боряпмиз. Тарих гувоҳки, Мовароуннахрнинг шонли ўтмишида иккита Ренессанс даври тарих сахифаларидан йирик ва тасаввур қилиб бўлмас даражада кенг масштабларни эгаллаган.

Илк Уйғониш даврида, IX-XII асрларнинг асосчилари саналмиш Фаробий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Хоразмий, Беруний ва шу каби қатор фан кишилари миллат тараққиётини илм-фанни теран ўзлаштириш ва тараққий эттириш билан боғлаганлар ва шу йўлда кашфиётлар, кузатишлар қилганлар.

XV асрда, иккинчи қайта Уйғониш пайти эса, масалан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзоларнинг фаолиятида улкан давлатчилик қуриш билан цивилизацияни таъминлаш мумкинлигини англаб етишган ва бор иқтидорларини ана шу нуқтага кўпроқ қаратишган.

XX асрда эса Мунаққарқори, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Бехбудий, Сўфизода, Сидқий, Ибрат, Авлоний кабилар фаолиятига қарасак, улар юқорида айтилган икки Ренессансни атрофлича ўрганишган ва дунё миқёсига чиқишининг шартини ҳам Мустақил давлат тузиш, ҳам илм-ирфонни жадаллик билан ривожлантиришда деб ҳисоблашгани маълум бўлмоқда. Демак, миллатимизнинг истиқболини ўйлаб улкан ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий ўзгаришларни бошлаган аждодларимиз қаттиқ қаршиликка учраган. Бориб-бориб 30-йилларда қаттиқ қатағон исканжасида ҳалок бўлишган.

Ўша пайтда иккига бўлиниб кетган жадидлар ҳам, қадимчилар ҳам хотин-қизлар масаласига жуда нозиклик билан ёндашишган, аёлларга ўқищ, сайловда иштирок этиш, тенг ҳуқуқли бўлиш имкониятини бериш лозимлиги ҳақида қурултойлар ўтказишган. Тарихнинг мана бу қирралари ҳали-ҳамон очилмай қолмоқда.

Бу даврда миллат, хусусан, хотин-қизлар зиёси масаласи жадидчилик ҳаракатининг ва адабиётининг етакчи ғоясига айланган эди. Бунинг боиси шундаки, жадид маърифатпарварлари таълим ва тарбия масаласинининг бош ўзаги аёлларда ва оналарда эканини яхши билишган. Чунки, жамият ҳар томонлама комил оиласлар ва улар тарбиялаётган фарзандлар эвазига барқарорлашиб боради.

XX аср бошларида юртимизда ҳамон жаҳолат давом этаётган эди. Шунинг учун давр адабиётида илмсизлик, мутаассиблиқ балоси келтириб чиқарган хотин-қизларнинг тутқинлиги, эрксизлиги, никоҳдаги тенгсизлик жадид маърифатпарваларининг ижтимоий муносабати ўлароқ асарларга сингди. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эркакларнидан кам эмаслигини, шундан келиб чиқиб, уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам эркакларнинг ижтимоий даражасида эканини жадидлар биринчилардан бўлиб эътироф этдигина эмас, балки исбот этди ҳам.

Ҳар бир даврда ижодкор гўзаллик сиймоси хотин-қизлар образи орқали замоннинг кайфиятини, руҳиятини, орзу-мақсадларини акс эттиради. Бинобарин, хотин-қизлар, эрксизлик, ҳақсизлик, тенгсизлик ҳамда зиёлилик, илму маърифат масалаларининг аёл ижодкорлар томонидан васф этилиши XX аср шеъриятига хос муҳим хусусиятлардан биридир.

Аёл сиймосида – дунё гўзаллиги мужассам. Ҳар бир даврда ижодкор гўзаллик сиймоси хотин-қизлар образи орқали замоннинг кайфиятини, руҳиятини, орзу-мақсадларини акс эттиради. Бинобарин, хотин-қизлар, эрксизлик, ҳақсизлик, тенгсизлик ҳамда зиёлилик, илму маърифат масалаларининг аёл ижодкорлар томонидан васф этилиши XX аср шеъриятига хос муҳим хусусиятлардан биридир. Миллий уйғониш даври шоирасининг қалб сўзларига назар солар эканмиз, ифодаланган янги жамият ва замон кишиси тасвири таҳлилини беришда, тарихий-ижтимоий воқелик,

ижодкор шахси ва бадиий тафаккурининг асар шакл-мундарижасига, образларга таъсирини назарда тутиш зарур. Шоира Нозимахоним “Афсус” сарлавҳали ғазалида ҳаётдаги реал ҳодисаларни тасвирлаб, 1905 йил воқеаларини қаламга олади. Ҳукуматдан адлу инсоф қўлдан кетгани, ҳақ сўзни сўзлаган кимса азобларга маҳкум этилаётгани надомат билан шеърга солинган. Лекин шоира қалам олдидағи масъулиятини англаған ҳолда,

Дегил назминг аро ҳақ сўзни Нозим,

Ки, шояд зулм туни бўлса барҳам¹ -

деб баралла ёзади. Ҳақсўз ижодкор қалбидаги яширинган орзуларни ошкора ёзиш ва айтиш, шунинг баробарида зулм тунини ёритишдан иборат эди. Шоира “Аё маҳкумалар...” ғазалида фикрини давом эттириб, миллатнинг тутқун қизлариға мурожаат этади. Қўшни туркий қавмлар қизларидан ўrnak олиб, худди улар каби хурофотни барбод этиб, жаҳолатни енгишни, залолатни даф этиб, эркин нафас олишни мақсад қилиб яшаш лозимлигини уқтиради.

Боқингким, ўзга миллат қизлари на ерлара етмуши,

Ўқуб илму ҳунарларни, ки ҳикмат сиррини билмуши,

Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмуши,

Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Ўқимишли, ҳар ҳикмат сирини билган, ҳуқуқини таниган зиёли қиз, аёл шоира орзусининг, маслагининг бадиий етук образи ифодаси эди. Бу даврда миллат, хусусан, хотин-қизлар зиёси масаласи, нафақат бадиий адабиётнинг, балки жадидчилик ҳаракатининг ҳам етакчи ғоясига айланган эди.

Муҳораба боис, аввало, хотин-қизларнинг ахволи оғирлашди. Бироқ қадди эгилса-да, уларнинг иродаси, шижаоти букилмади. Улар эркаклар билан бир сафда туриб курашди ва шеърларида “ёв зиддиға” чиқишига даъват этди:

Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддиға!

Бу нечук мудҳии балою оби тўфондур уруши.

Шоира Анбар Отин “Уруш” радифли шеърини мана шундай мисралар билан якунлайди. Аёлнинг ёвга қарши чиқиши – энг оғир

¹ Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.216.

ҳоллардагина рўй бериши мумкин бўлган ҳол. Бу халқ бошига тушган мусибатнинг нечоғлик оғир бўлгани тасдиғидир. Анбар Отин мазкур шеъри орқали Тўмарис сингари жасур аёлларнинг, “эр қизлар” нинг (Шавкат Раҳмон таъбири) ҳали Туронзаминда барҳаёт эканини уқтиради. Яна бир шеърида у, курашдан асл мақсад «тинчлик» ка эришиш эканини қуидагича таъкидлайди:

Анбаро, ул баҳри Уммондин ариқ оч дунёга!

Тинчлик бағрин кетурсин сув каби ул жўйи сул?

Маърифатга даъват кейинги давр ўзбек адабиётининг бош мавзусига айланди. Ўзбек миллий уйғониш адабиётида ифодаланган янги жамият ва замон кишиси, уларнинг тасвири таҳлилини беришда, тарихий-ижтимоий воқелик, ижодкор шахси ва бадиий тафаккурининг асар шакл-мундарижасига, образларга таъсирини ҳам назарда тутиш зарур. Бадиий асарларда, асосан, жамиятдаги қолоқликлар илғор фикрли шахс томонидан инкор қилинади ва бу зиддиятли қарашлар жамиятда ҳамда инсонлар ҳаётида муаллиф кўрмоқчи бўлган хусусиятларни ёрқинроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Даврлар инсон дунёқарашига, шаклланган, ўзгарган дунёқарашиба эса тузумларга таъсир кўрсатгани каби, ижтимоий тузумларга таъсир кўрсатгани каби ижтимоий-сиёсий воқелик оқимидағи янгиланишлар бадиий асарларда ҳам акс этиши табиий ҳол. XIX аср охири-XX аср бошларидағи адабиёт маърифатчилик бўёғининг қуюқлиги, руҳий кечинмалардан, қалб эврилишларидан кўра, ижтимоий мазмунни кўпроқ ифодалагани билан ажралиб туради.

Чўлпон ҳар бир жамиятнинг тараққий этганлик белгиси ундаги хотин-қизларнинг турмуш даражаси билан белгиланишини, ўзбек аёли нафақат ўз озодлиги, балки юрт ҳуррияти учун ҳам кураша оладиган кучга эга эканини биларди. Шунинг учун ҳам айнан шу масалани ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айлантириди.

Шоир яшаган даврда ёшларнинг саводи ва истиқболи, ўзбек хотин-қизларининг тақдири масаласи миллат ва жамият олдида турган энг долзарб масала эди. Хотин-қизлар тақдири ва нафосатига бағишлиланган шеърларида Чўлпон табиат мўъжизаси саналмиш аёллар дунёси ва қалбини нозик дид билан илғаб олди ва шоҳ

сатрларга жойлади. “Шарқ қизи”, “Мен ва бошқалар”, “Қиз қўшиғи”, “Ер асиralари”, “Паранжи”, “Келинчак”, “Зангбунинг қизи” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўлади”.

Демак, мукаммал турмуш тарзига эришмоқ учун эр-хотин баробар замондан хабардор бўлиши керак. Бунинг учун уларга илм эшиклари учун кенг йўл, қисқаси, эркинлик даркор. Бу ғоя қарийб барча умумтуркӣ адиблар бадиий хазинасидан жой олди. Масалан, қrim-татар шоири Умар Ипчи ижодига мансуб “Жимдан ёрдам?” шеъри татар хотин-қизларининг аянчли тақдирлари, тўрт девор ичида кечайтган зулматли кунлари, номувофиқ никоҳ фожеасидан завол топаётган умрлари ҳақидадир. Ушбу шеър 1917 йилда ёзилган бўлиб, ундаги масала деярли барча туркий халқларнинг замондош шоирлари ижодида учрайди. Умар Ипчи:

*Татар қизи қари умр қучогида эзиларкан,
Ойдин йўли қалин қора пардалар-ла тўсиларкан.*

*Кун кўрмасдан, завқ сурмасдан, тўрт деворнинг орасида
Азоб чекиб, хўрлик кўриб, ёш ҳаёти кесиларкан
Йўқми бир қўл, қалин қора пардаларни қўпоражсак?*

Йўқми бир мард, бу ёш қизни азоблардан қутқаражсак?¹

мисралари орқали хотин-қизлар ҳуқуқсизлигини ифодалаб, уларни қутқаришга қодир кучни орзу қиласди. Чўлпон эса:

*Фақат, мен бир ўзим, Шарқнинг бир қизи
Баҳор келганини кўрмай қоламан
Узун, қора қишининг кетмасдан изи
Унинг дўсти - кузни кутиб оламан.²
(“Шарққизи”)*

*ёки
Сиёҳпарда билармисанг – у олчоқ
Аски дунё сани биза бироқмии.
Эркли ўлан қодинларинг бошига
Дин исминдан асириги у тақмии.³
(“Ўзбек қизи” учун (Усмонлича)*

¹ Умер Ипчи. Кимден ярдымъ? // Йылдыз, 1987. – №6. – С.33.

² Чўлпон. Яна олдим созимни. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 388.

³ Чўлпон. Гўзал Туркистон. – Т.: Маънавият, 1997. – Б.36.

*Менда-да қанот бор, лекин боғланган...
Боғ йўқдир. Шоҳ йўқдир. Қалин девор бор:
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйим бор...уни-да деворлар тинглар...¹
(“Мен ва бошқалар”)*

мисраларини ёзар экан, бу фожеа нафақат ўзбек қизлари, балки бутун Шарқ аёллари қисматидаги ҳақсиз ёзуқ деб билади. Шоир кўнглида уйғонган ачиниш ҳисси, ер асиralарининг озодлиги орзуси унинг “Қор қўйнида лола”, “Кеча ва кундуз” каби насрий асарларига ҳам кўчди. “Аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари эркакларнидан кам эмаслигини, шундан келиб чиқиб, уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам эркакларнинг ижтимоий даражасида эканини, бизнингча, Фитрат жадидлар ичида нисбатан биринчилардан бўлиб эътироф этдигина эмас, балки исбот этди ҳам”. Намунали оилалар орқасидан келадиган турмушнинг мукаммал манзараси тўғрисидаги қарашлар Фитратнинг “Раҳбари нажот”, “Оила”, Сайд Аҳорийнинг “Оила китоби (Хоним-қизларимизга тортиқ)” каби рисоларида ҳам жамият тараққиётини кўзлаган тавсиялари билан муаллифлар ижтимоий идеалини ифода этди.

Жаҳолат қуршовидаги хотин-қизларнинг эрки масаласи, уларнинг мувофиқ никоҳ ва севгига муносиб экани асарлар мундарижасининг асосини ташкил қилди. Шундай қилиб, руҳий ҳолат, юрак иқлими-ю, қалб пейзажининг юксак тасвири инсоний мухабbat куйланган шеърларда янада нозиклашиб борди. Масалан, Фитратнинг “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламига кирган “Бир оз қул” шеърида тасвирланган малак шоир эстетик идеалини белгилашга лойиқ сиймо. Шоир уни қизил гул, гўзал қушга ўхшатади. Бу гул, яъни маъшуқа лирик қаҳрамон борлиғининг сultonидир. Биргина юзи, қора қўзию нигоҳидан жонлар тугул дунё айланса арзийди. Шоир мана шундай етук сийрат қаршисида лол, севгисини изҳор қилмоққа ожиз. Унинг йўлида тупроқ бўлиб, пойида бош эгиб, ҳолини баён қилишга ҳам қурби йўқ. Шоир:

Истар эсанг, менга келиб гапурма,

¹ Чўлпон. Гўзал Туркистан. – Т.: Маънавият, 1997. – Б.49.

*Ёнимда ҳеч ўтурма!
Ёлгиз ииғлаб турғанимни узоқдан
Кўрганингда...марҳамат эт, бир оз кул¹ -*

дэя ёридан бир табассум кутади. Чўлпоннинг айнан шу тўпламдаги “Суйган чоқларда” шеърида ҳам севилгувчи гўзалларнинг маликаси ўлароқ таърифланади. Боғдаги энг чиройли гул гунафша унинг латофатини ҳар қанча сўзласа-да, битмайди, булбулнинг сўнгсиз ноласи унинг туфайли. Фитратнинг лирик қаҳрамони “кулубгина мен сари ҳам боқарми?” дэя ёрининг назаридангина умид қилса, Чўлпонда эса:

*Йўлларингда “шитир” этса сўлган барг,
Қулогимга мусиқалар келтирур:
Қачон сенинг мусиқали овозинг
Сенинг мени “сийганингни” билдирур? -*

сатрлари орқали тўғридан-тўғри севгига жавоб кутади. Сўлган баргга жон бериб куйлатган, овози ҳам куйга монанд қўл етмас малак Чўлпон шеъриятида ифодаланган энг юксак эстетик идеал ҳисобланади. Айтиш жоизки, бу давр адабиёти нафақат маърифатли шахс, балки хотин-қизлар эркинлиги орқали жамиятнинг озодлиги орзусини талқин этди.

Чўлпон адабиётнинг қайси тур, қайси жанрида ижод этмасин, унинг кўплаб асарларида ягона ғоя муштараклигини кўрамиз. Чўлпон ижодининг марказида эркинлик масаласи туради.

“Абдулҳамид Чўлпоннинг Шарқ аёллари хусусидаги мулоҳазалари ҳозирги қунда атрофлича таҳлил этилмоғи лозим. Чунки шоир давр сўраган ўша мавзудан ўз қарашларини баён этиш учун фойдаланган” . Чўлпон “Мен ва бошқалар” шеърини ёзишда сарлавҳадан сўнг “Ўзбек қизи оғзидан”, деб ёзиб қўяди. Ўзбекистон Қаҳрамони, олим ва адиб Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг “Яна олдим созимни” китобига ёзган сўзбошисига: “Кулган бошқалардир, йиғлаган менман...” (Чўлпон таржимаи ҳолига дастлабки чизгилар) деб сарлавҳа қўяди. Ҳа, бу мисраларда йиғлаган, нафақат, ўзбек қизи, балки халқнинг ёш-у қариси, ҳатто, зиёлиси эди.

¹ Фитрат. Танланган асарлар. IV жилдлик. I жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.36.

Чўлпон шеърияти билан танишар эканмиз, уларнинг ичида “ўзбек қизи оғзидан” эмас, балки юрагидан отилиб чиққандек туюлгувчи байтларни кўплаб учратамиз. Мисол учун, “Қиз қўшиғи” шеъридан олинган қўйидаги байтларни олайлик:

*Сиқиқ қафасларда
Яйрай олмаймен.
Жаннат боғлар бор-ку
Сайрай олмаймен”.
Ёки:
Хасратим кўп, элга
Айта олмаймен.
Армоним кўп, дилга
Жойлай олмаймен”.*

Абдулҳамид Чўлпон “Куш ҳадиги” шеърида қўйидаги мисраларни ёзади:

*Фақат заиф вужудини қанча урсун деворларга,
Балки унинг юмишоқ тани тўлиб кетсун ол қонларга .*

Бу тасвир қафасдаги қуш ҳақида, лекин шоир бу байт орқали ҳақиқий қафасга солинган қушлар ўзбек хотин-қизлари демоқчи бўлаётгандир. Бу қушларнинг фақат танлари эмас, юраклари ҳам қизил қонларга тўлган эди.

“Наврўз кунида” шеъридаги бу парчалар ўзбек аёли қисматига ачинган Чўлпон қалбидан сизиб чиқади:

*Наврўз куни эрксизларга эрк берар,
Ўзбек қизи эркли кунда бўшолмай,
Зиндон каби тор уйидан чиқолмай,
Қалин, оғир деворларни йиқолмай,
Борлигини кенг дунёга отолмай
Чин эрк кунни кута-кута телмирад...*

Чўлпон ўзбек хотин-қизлари дардига малҳам қидиради. “Каптар” номли шеърида эса ривоятлардаги ботир қиз Семирамисга қаратадаги қўйидагча нидо қиласи:

*Эй, денгизнинг сувларидан қувват олган ботир қиз,
Кел, мундаги тутқун қизга ёлборайлик иккимиз!”*

“Шоир яшаган даврда ёшларнинг саводи ва истиқболи, ўзбек хотин-қизларининг тақдири масаласи миллат ва жамият олдида турган энг долзарб масала эди. Хотин-қизлар тақдири ва нафосатига бағишлиланган шеърларида Чўлпон табиат мўъжизаси саналмиш аёллар дунёси ва қалбини нозик дид билан илғаб олди ва шоҳ сатрларга жойлади. “Шарқ қизи”, “Мен ва бошқалар”, “Қиз қўшифи”, “Ер асиralари”, “Паранжи”, “Келинчак”, “Зангбуниng қизи” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўлади” .

Аёллар турмушидаги ҳақсизлик мутелик янги замон ижодкорида норозилик кайфиятни уйғотган, муаммонинг фақаттина шеъриятга сифмаслигини сезган адиб насрий асарларида ҳам масала ечимиға жавоблар қидирган эди. “Қор қўйнида лола” ҳикоясида Чўлпон Шафоатхоннинг қисмати ортида аслида мутаассиблиқ, кўр-кўона эътиқод турганини маҳорат билан очиб берган. Асар қаҳрамони Самарқанд аканинг “битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизға тутдик, садағалари кетсун!” деган гапидан хотини Кумрибуш “оқарди, кўкарди, сувратдек қотиб деворга суюниб қолди...”. Кумрибуш эрининг қарорига мана шундай жавоб қайтариши мумкин халос, уни ўзгартиришга, қизининг тақдирига аралашишга ҳақли эмас. Кумрибуш рухиятидаги “оқариш, кўкариш, сувратдек қотиб деворга суюниб қолиш” шаклидаги исён Курбонбиби қалбida жунбушга келди. Замон оқимиға қарши бормаслик, эр-хотин муносабатидаги тубсиз жарлик, дардини тўрт девордан ошириб айта олиш имконининг ўта чекланганлиги уни ақлдан оздиради. Адиб давр фожиасини аёллар тақдири воситасида тасвирлайди.

Маърифатпарварлик адабиётида аёллар тимсоли ўзига хос реал тасвирланган. Бунда ўша давр тузуми қаттиқ қораланиб, аёлларни илм-маърифатга, жаҳолат ботқоғидан чиқаришга даъват этилади. Хусусан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарида Зеби тимсолида ўша давр аёллари эрксизлиги очиб берилади. Зеби, ҳурқак оҳу каби гўзал ва иложсиз. Унинг қалби шу қадар тозаки, ёмонлик ҳақида ўйлаш нима эканлигини ҳам тушуниб етмайди. У инсонларни севиб яшайди. Разолат тўлиб ётган дунёга муҳаббат қўзи билан боқади, бироқ жаҳолат тозалик ва гўзаллик билан келишмайди, гўдақдай

беғубор бўлгани учун ҳам бағри ифлослик ва кирга тўла ҳаёт уни сифдирмайди, шудрингдай тоза ва чечакдай покиза бўлгани учун ҳаётнинг шафқатсиз ва бадбўй ҳавосида нафаси бўғилади.

Биргина Зеби тимсолида ўша давр аёлларининг машъум тақдири, ўзгалар томонидан бўғилаётган келажаги, топталаётган шаъни ва ғурури, кўраётган жабр ситамлари тасвирланган. Аёл киши таълим олиши шунчаки ҳаёл, орзу эди. Уларни жаҳолатга етаклаётган қолоқ ва кўзларини парда қоплаган жамиятга мазкур асарлар билан ойна тутилган.

Чўлпоннинг асосий мақсади ҳам мавжуд тузимни таг-томири билан ўзгартириш эди. Зеби фақат аёллик латофати ва олижаноб инсоний фазилатлари билангина эмас, айни пайтда хушвози билан барчанинг эътиборини тортади. Аммо ижтимоий тенгсизлик ҳукмон бўлган ва аёллар қадр-қиммати оёқости қилинган жамиятда Зебининг орзу-ҳаваслари янчилади. Бу асар орқали Чўлпон Зеби ва унга ўхшаган жабрланган аёллар тақдирига ачинади. Уларнинг озод бўлишини истайди. Ўз тақдирини ўзи ҳал қилишини, хур-эркин, илм-маърифатли бўлишини истайди.

Жамиятдаги барча аёллар бошқалар раъйига кўра тақдиридан рози бўлиб кетиб, алалоқибат, баҳтсизликка маҳкум бўлиб қолаётганларини қоралайди. Чўлпоннинг орзуси аёллар ҳурлиги, илм-маърифатли бўлишидир. Улар ҳам инсон сифатида ўз хоҳиш-истакларига кўра яшashi, илм олиши, оила қуришини орзу қилади. Жамиятни огоҳликка даъват этади.

Маълумки, маърифатга йўғрилган фикр, ғоя ҳар қандай шахсни, жамиятни турли тажовузлардан ҳимоя қила олади. Халқимиз маънавий ва ахлоқий қадриятларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, бағрикенглик каби хусусиятлар устувордир. Уларни изчил тарғиб қилиб бориш билан маънавий таҳдидларга ғоявий зарба бериш мумкин.

Маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия ҳамдир. Демак, жаҳолат билан маърифат бир-бирига қарама-қарши, бир-бирини сиқиб чиқарадиган тушунчалардир. Маърифат инсонни доимо тўғри йўлга бошлайди. Маърифат кимгадир кўз-кўз қилинадиган, ортида қандайдир

яширин бўлган нарса эмас. Жаҳолат каби кучларга доим маърифат қарши чиқа олади. Чунки, маърифат – тўғри йўлга бошловчи куч. Маърифат – инсонни маънавий камолотга етказувчи узлуксиз таълим-тарбия жараёнидир.

Собиқ шўро тузумида кўпгина халқларни маънавиятга ва маърифатга чорлаган кўпгина ватандошларимиз ўлдирилган. Улар ёмон ишлари учун эмас, балки жаҳолатга қарши маърифат билан курашганлари учун отиб ўлдирилган.

Хотин-қизлар саводхонлиги, миллат тарбиясида маърифатли онанинг даркорлиги шеъриятга олиб кирилди. Жоҳил анъаналар таъсирида тутқунликка маҳкум бўлган аёллар масаласи, уларнинг эркинлиги юрт эрки орзуси билан параллел тасвирланди. 1917 йилларга келиб шеъриятда мақсадни рамзлар орқали англатиш, фикрларни очиқдан-очиқ эмас, туйғуларга ўраб бериш ҳолатлари кўрина борди. Юрт озодлиги, истибоддан қутулиш орзуси тўғридан-тўғри замонавий шеъриятда акс этди.

XX аср жамиятидаги чиркин ва қора вазиятлар, аёлларнинг камситилиши, жамият ва ҳукумат ишларидан айро тутилиши, ҳукуқ ва манфаатларининг топталиши, нафақат жамият томонидан, балки, ўз оила аъзолари, отаси, турмуш ўртоғи томонидан турли босимларга учрагани, таълим ҳамда тарбиядан йироқ тутилиши тўғрисида маълумот берилган. Қиз болалар 10 – 11 ёшда мактабга қатнашни тўхтатганлар.

XX аср бошларида Туркистонда шаклланган ва таракқий этган фалсафий-эстетик тафаккур йўналишини асосан жадидчилик ҳаракати белгилаган эди. XX асрларда жамиятда мутаассиблик, жаҳолат, илмсизлик, маърифатсизлик авж олган эди. Шўро ҳукумати бор куч-ғайрати билан халқни, миллатни жаҳолат томон олға бошларди. Маърифат ва илм ёғдуларини сочмоқчи бўлган бир қатор шахслар халқ, миллат душманига айлантирилиб, қамоққа олинган, оғир азобларга дучор бўлган ва қатағон қилинган эди.

Жадидларнинг фалсафий-эстетик ва педагогик қарашларининг Ўрта Осиёда кенг тарқалиши ва катта ижтимоий ҳодисага айланишида Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Чўлпон, Абдулла Авлоний сингари буюк шахсларнинг хизмати катта бўлди.

Жумладан, жадид-маърифатчилари ўз дастурида миллат ва мамлакатнинг дунёвий тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб келаётган диний бидъат ва қолоқ расм-русларга қарши чиқиши, эски мактабларни янги ўқув усуллари билан ислоҳ қилиш, халқ оммасининг саводини чиқариш мақсадида матбуот масалаларига жиддий эътибор қаратиб, янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожи устида қайғуриш; Европа маданиятидан орқада қолиб кетмаслик учун замонавий миллий театр томошаларини ташкил этиш; хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиласдаги аҳволини ўзгартириш мақсадида турли ижтимоий ислоҳотлар йўлини қидириш сингари муаммоларни ўртага ташладилар.

Маърифатпарварлар драматургияни энг сермаҳсул ва оммабоп жанр сифатида ривожлантира олишган. Улар шу йўл орқали мутаассиб босқинчиларга ва ўз ҳолидан бехабар халққа ойна тутишни мақсад қилган эдилар. Маърифатпарвар адиларнинг аксарияти ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар. XX аср бошларида юртимизда давом этажётган жаҳолат, илмсизлик, мутаассиблик оқибати Авлоний, Ҳамза, Ҳожи Муин драмаларида – қурбон бўлган аёллар қисмати фонида берилган бўлса, кейинчалик асираларнинг руҳий олами, маънавий қиёфаси ортидаги ғоя ҳам юксак идеал сифатида улуғланиб, асарлар мундарижасида муқимлашиб борди. Чунки жамият ҳар томонлама комил оиласлар ва улар тарбиялаётган фарзандлар эвазига барқарорлашиб боради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” асари қаҳрамони Марям образи эса илмга ташна аёл тимсолидир. “Янги саодат” асарида Олимжоннинг маърифат туфайли баҳтли ҳаётга эришуви ва унинг ўз баҳтидан бошқа кишининг ҳам баҳраманд бўлишини тасвирлаган бўлса, “Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” фожиасида маърифатли инсоннинг жаҳолат ва ғафлат зиндонидаги фожиали тақдирини қўрсатишни мақсад қилиб олган. Ушбу асар жанрини Ҳамза “Туркистон мишишатидан олинган қиз ва куёв фожиаси” деб атайди. Драматург пьесанинг дастлабки саҳнасида ёқ қаҳрамонларнинг ўзларига муносиб бўлмаган, улар қалбидаги муҳаббат гулларини ҳазон

қилишга тайёр бир мұхитда яшаётганини күрсатади. Шу тарзда пьесанинг аввалидаёқ эскича қарашлар таъсиридаги ота-оналар билан улардан илгарилаб кетган ва ўз замонига сифмай қолган ёшлар ўртасидаги зиддият ниш уради. Воқеалар ривожланиши билан бу конфликт таранглашиб, охирида камоннинг тортилган ёйидек учеб боради-да ҳар иккала қаҳрамонни – Маҳмудхон билан Марямхонни ҳалок қиласи. Бундаги Марямхон образи маърифатга ташна аёл тимсоли сифатида гавдаланади.

Икки адабимизнинг ижодида ҳам аёллар тимсоли моҳирона тарзда очиб берилган, бу образлар орқали ёзувчилар жамиятдаги оғриқли нуқталарни ва уларни бартараф этиш йўлларини деярли барча асарларида ўз мағкуралари орқали намоён этади. Яъни жамиятда оиласи, аёлга бўлган эътибор ижобий томонга ўзгармас экан, жамият ҳам ўзгармаслигини айтиб ўтадилар.

Чўлпон мақолаларидаги жамият ва ўзбек аёли тақдири масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Аёлларнинг ҳам илм ўрганишга, жамиятда teng хуқуқли бўлишга эга эканлиги таъкидланган.

Ёшлар тақдирига куйинган Чўлпонни ўзбек аёли қисмати бефарқ қолдирмаслиги табиий ҳол эди. Шу боис ҳам Чўлпон бундай ёзади: «Бечора ўзбек хотуни! Сенга 12 ёшингда кафан кийгизган жаноблар туғилган кунингдаёқ сени иримларнинг бемаъни кучоқларига иргитадурлар! Билмайсен. Билмайсен. Билмаганинг учун сен ҳали кўп йиллар шу иримлар учун энг тоза умидларингни сўлдиргайсен! Сенинг билмоғинг, ўрганмоғинг учун кенг йўл очилган шу замонда сенга очилгуси мактабларнинг таъминоти учун маҳаллий маблағнинг кўпайишини тилайлик!». Чўлпоннинг бу ёниб-куйишлари бекорга эмасди, чунки у ўзбек аёллари орасида ҳам зехни ўткир, зукко ва истеъдодли, жасоратли аёллар борлигини биларди. Чўлпон “Ёрқин турмуш” журналининг 1936-йил 4-5-кўшма сонида чоп эттирган “Увайсий” номли мақоласида Жаҳонотин Увайсийнинг жасорати ва истеъдоди ҳақида ёзади. Бундан қўзланган мақсад ҳам аслида аёллар масаласига эътибор қаратмоқ кераклигини яна бир бор ёдга солмоқ бўлган. Мақолада шоиранинг асли Марғилондан эканлиги, у ердан хон саройидаги шоирлар базмида

қатнашиш учун Қўқонга келганлиги, уни саройга киритишмаганда қари кампир қиёфасида келгани ва шоирлар базмига киритишлари учун “Забонингни” дея бошланувчи икки мисрани ёзиб киритгани ҳақида ёзилган.

ХХ асрнинг биринчи чорагида Хамза, Чўлпон ўз асарларида аёл ва қизлар образини сезиларни даражада ёрита олган. Ба, бу орқали нафақат ўша давр балки ҳозирги замон учун ҳам керакли бўлган асарлар яратган десак, хато бўлмайди. Шунингдек ўша давр аёлларининг матонати моҳирона очиб берилган десак муболаға бўлмайди. Ҳатто биз учун ҳам ўrnак бўла олади.

Дарҳақиқат, бизнинг барча дардларимиз жоҳилликдан келиб чиқади. Доимий равиша ўқитиш ва ўрганиш керак. Бироқ, сиёsatдаги баъзи донишманларимиз тасаввур қиласиган тарзда эмас, улар факат қизларни тарбиялаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳақида гапиришади.

Туркистон ўлкаси мустамлака шароитида бўлган вактда миллатимизнинг жонкуяр зиёлилари халқни маърифатли ва маданиятли, зиёли бўлишга унади, аксарият ижодкорлар ўз асарида мактаб маорифдаги янги ўзгаришларга муносабат билдирибгина қолмай, ўз фаолиятларида ҳам амалий ҳаракатда бўлдилар. Шунингдек кўплаб зиёли жадидчиларимиз Европа ва айрим Шарқ давлатларидағи таълим тизимини Туркистон маорифига татбиқ этдилар.

Хотин-қизлар саводхонлиги, миллат тарбиясида марифатли онанинг даркорлиги шеъриятга олиб кирилди. Жоҳил анъаналар таъсирида тутқунликка маҳкум бўлган аёллар масаласи, уларнинг эркинлиги юрт эрки орзуси билан параллел тасвирланди. 1917 йилларга келиб, шеъриятда мақсадни рамзлар орқали англатиш, фикрлни очиқдан-очиқ эмас, туйғуларга ўраб бериш ҳолатлари кўрина борди. Бунда асосий идеал тури сифатида ижтимоий жўрлик мавзуси олинди. Юрт озодлиги, истибдоддан қутулиш орзуси тўғридан тўғри замонавий шеъриятда акс этди.

Маърифатли ҳақ-хуқуқини таниган зиёли аёллар образи шеъриятга кириб келди. Аввало, Дилшоди Барно, Анбар Отин ижодида ҳам акс этган бу каби ғоялар кейинчалик Тавалло,

Сўфизода, Ҳамза, Чўлпон ижодида янада ривожлантирилди. XX асрнинг 20-йилларига қадар яратилган шеърий асарларда ҳам илм-маърифат концепцияси ўз барқарорлигини йўқотмади.

Тарихда 1927-йил 7-март аёллар эрки учун қурбон бўлган кун деб қаралади. Аёллар ўз паранжисини оловга отиб, бу ҳаракатни озодлик учун деб билдиришади. Ушбу тарихий воқеадан бир йил ўтиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий аёлларни “Зубдай баша” яъни кишиларнинг сараси дея уларни озодлик билан қутлайди ва ушбу сатрларни ёзади.

*Ҳай-ҳай, на хуши ярашимши, саф-саф, бўлиб туришлар,
Лашкарча эскиликка мардана мавж урушлар,
Байроқ хинали қўлда, силқиб гўзал юришлар,
Гулшаннинг гуллари дек, ол яшина б у туришлар,
Чин маърифат нуридан, дилга упо муборак*

Ҳамза ўз шеърларида ҳалқ ва миллат дардини унга яхши таниш бўлган оҳангларда ифодалашга интилди. Ҳамза аёлларнинг эркини бутунлай ижобий баҳолайди. Уларнинг чиқишини эскиликка қарши денгизнинг мавж уруши дея таъкидлаб ўтади. Аммо бу курашда хинога яширган ибони йўқолмаслиги, балки у озодлик байроғи билан қоришиб кетганлигини айтади. Хотин-қизларни гулшаннинг бекиёс гулига ўхшатиш билан бирга, маърифатдан баҳра олишдек баҳт билан қутлайди.

*Ашъор адабларинг илҳом этар жамолинг
Деди қуёш ойга, “Биздан букун ўёлинг”
Озодлик чогида топқил яна камолинг.
Берсин ҳаётга сайқал, ойнайи жамолин
Топсин ташаббусингдан ишлар бақо муборак.*

Асрлар давомида шоирлар барча ашъорларини (ижод намуналарини) сенинг тимсолингга битади. Ёзувчи ушбу байтда ўхшатиш, яъни қуёш тимсолида забардаст йигитарни назарда тутса, ой тимсолида эса муnis аёлларни илгари суриб жамиятнинг ўша даврда қўллаб-қувватланган, шоирнинг наздида мутлақо хато бўлган фикрни қўштирноқ ичиди, киноя ёрдамида “Биздан букун ўёлинг” тарзда ифодалаябди. Энди жамолинг бутун бир ҳаётга сайқал бўлсин дея, озодлигини такрор равишда қутлайди.

*Ноз уйқудан уйғонгил, озодсан қафасдан,
Қайрил бу ён хурофот, бидъат, суқ - у нафасдан.
Фолбин, мозор, дуохон, кучук, тумор аласадан,
Бекұда у ясанлар, жангир-жунгур ҳавасдан
Турмушда хүп куарсен, нашъу намо муборак.*

Чўлпон ўзбек хотин-қизлари дардига малҳам қидиради. “Каптар” номли шеърида эса ривоятлардаги ботир қиз Семирамисга қарата қуйидагича нидо қиласи: Эй, денгизнинг сувларидан қувват олган ботир қиз, Кел, мундаги тутқун қизга ёлборайлик иккимиз!”. “Шоир яшаган даврда ёшларнинг саводи ва истиқболи, ўзбек хотин-қизларининг тақдири масаласи миллат ва жамият олдида турган энг долзарб масала эди. Хотин-қизлар тақдири ва нафосатига бағишиланган шеърларида Чўлпон табиат мўъжизаси саналмиш аёллар дунёси ва қалбини нозик дид билан илғаб олди ва шоҳ сатрларга жойлади. “Шарқ қизи”, “Мен ва бошқалар”, “Қиз қўшифи”, “Ер асиralари”, “Паранжи”, “Келинчак”, “Зангбуниң қизи” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўлади”. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳар бир жамиятнинг тараққий этганлик белгиси ундағи хотин-қизларнинг турмуш даражаси билан белгиланишини, ўзбек аёли нафақат ўз озодлиги, балки юрт хуррияти учун ҳам кураша оладиган кучга эга эканини биларди. Шунинг учун ҳам айнан шу масалани ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айлантирди. Чўлпон “Шарқ қизи” номли шеърида ҳам яна шу мавзуни қаламга олади: “Мен учун ёруғ дунё роҳати – Тўрт девор ичидан кўзлар ўйнатмоқ, Меним учун улуғ шодлик соати – Телба кўкрагимда ўйлар ўйғотмоқ... Мен бир Шарқ қизимен, Шарқнинг ўзиdek Бутун таним, жоним – хаёл уяси, Менинг қора кўзим кийик кўзидек Белгисиз овчининг ўқин кўргувси” - бу сатрларда келган қалб нолалари Шарқ қизи кўнглидан сизиб чиқмоқда. Унинг кўзлари фақат тўрт деворни томоша қиласи, унинг шодлиги кўнглидаги ўй-хаёлларда акс этади. Миллатпарвар шоир Шарқ қизигина эмас, балки Шарқ миллатларининг баррча халқининг ҳурлиги-ю хурсандчилиги фақатгина хаёлларда қолмоқдаки, бу хаёллар жуда кўп. Лекин бу Шарқ қизи шундайки, у миллатни ҳеч бир белгисиз ўзига асир қилиб олаётган овчиларнинг ўқини кўра олади. Чўлпон ижодидаги,

айниқса, ижтимоий лирикасидаги етакчи хусусиятлардан бўлган риторик сўроқдан фойдаланиш бу шеър сўнгидан ҳам қўлланилган: “Айталарким, ёзда ҳар бир жони бор Эркин нафас олар, шодланар, яйрап. Айтмайларким, Шарқда боғлиқ хотинлар Ул ёруғ дунёга на замон кирап?” Бу мисраларни ўқиб, Чўлпон жуда ўринли саволни ўртага ташлаганини гувоҳи бўламиз. Чўлпон ижоди ҳамиша ўзининг бетакрор жозибаси, тасвир услуби, интимлиги ва ижтимоийлиги билан ҳам адабиёт ихлосмандлари қалбига кириб борган. Чўлпон ижодининг етакчи хусусиятлари бўлган ижтимоий тушунчалар ҳамда уларнинг тасвир этилишидаги, бекиёс ўхшатишлардаги гўзалликнинг энг биринчи сабаби эса Чўлпоннинг қалбидир. Бу қалб фақатadolat дея жар солган. Баланд минбарларга кўрқмай чиқиб, аччиқ-аччиқ ҳақиқатларни баралла айтган эди.

Шоир, драматург, композитор, режиссёр, журналист, педагог сифатида фаолият кўрсатган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кўп қиррали ижодида “Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар” и алоҳида мавқега эга. Бу мажмуа 1915-1917 йилларда яратилган бўлиб, етти тўпламдан иборат: “Атир гул”, “Оқ гул”, “Кизил гул”, “Пушти гул”, “Сарик гул”, “Яшил гул” ва “Сафсар гул”. Ҳамзанинг ушбу тўпламларни яратишдан асл мақсади миллий ашувлалар куйларининг халқ ёдида сақланишига эришиш, миллатнинг орзумонларини ифодалаш орқали унинг ижтимоий-сиёсий онгини ўстириш, илм-маърифат тарғиби воситасида миллатни уйғотиш эди. Шуниси муҳимки, иккала ижодкорнинг ҳам шеър-ашувлалари 1916 йил воқеаларига бағишлиланган асарлар орасида алоҳида ажralиб туради. Хусусан, Абдулла Авлоний тўплаган “Мардикорлар ашувласи” 1916 йил 18 сентябрида мардикорлар эшелонини Россияга фронт ортидаги ишларга кузатиш маросимида “Турон” труппаси томонидан турли куйларга солиб айтилган хайрлашув қўшиқларини ташкил этса, ўз навбатида, Ҳамзанинг “Сафсар гул” тўплами юртдошларимизнинг кейинги тақдири – мусофириликда кечган изтиробли ҳаёти, дардли қечинмалари, соғинч туйғуларини акс эттирган.

Ҳамза ўз ижодида хотин-қизларни маърифатли бўлишга чақиради. “Ўзбек хотин-қизлари” шеърида аёлларни алқиссалаб ўтади.

*“Келди очилур чоғи, келди очилур чоғи, ўзлгинг намоён қил,
Парчлаб кишанларни, ҳар томон паришион қил.
Мактаб анжуман боргил, унда фикр очиб гоҳи,
Илм-у фан тиги бирлан жаҳл бағрини қон қил”*

Ушбу байтдан ҳам маълумки, шоирнинг ягона мақсади хотин-қизлар эрксизлигига қарши кураш, уларни илм-маърифатли қилиш. Хотин-қизлар ҳам жамиятнинг том маъносидаги кишанларига қарши даъват этади. Бу каби мавзуларда бош мезон – она қилиб, олинган.

Абдулла Авлонийнинг шоир, драматург, театр арбоби, журналист ва педагог сифатидаги фаолияти ўзбек халқининг миллий-ижтимоий онгини, маданий ва маънавий савиясини оширишга хизмат қилгани аён. Адибнинг кейинроқ ўз таржимаи ҳолида “Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”, деган эътирофи ҳам бунинг далилидир.

Шу ўринда вақтли матбуотда эълон қилинган хабарлардан бирига мурожаат этиш зарурати туғилади: “Мазмун эмиш, яқинда ҳам кўнгиллик ишчилар йиғилишуб, подшохи аъзам императўримизни суратларини кўторишуб, расмий байроқлар илан мусулмонча ашувлалар айтишиб, шаҳарни(нг) ҳама кўчаларидин юришгонларида аларни(нг) орқаларидин кўб кишилар йиғилишибурлар”. Ишчи мардикорларнинг иккинчи Николай суратини кўтариб юргани ҳақидаги маълумотни бошқа манба – хотираларда ҳам учратамиз. “Мусулмонча” дея таъкидланган ашувлалар эса, аслида, Абдулла Авлоний тўплаган “Мардикорлар ашувласи” экани эҳтимолдан холи эмас. Юртдошларимизни мардикорликка кузатиш чоғида Николайнинг сурати кўтарилигани, ашувлалар айтилгани ростдир, бироқ ўша дамда халқнинг кайфияти, руҳий ахволоти қай даражада эди? Кўнглидан нималар кечаётган эди? Абдулла Авлонийнинг “Мардикорлар ашувласи” мутолааси бу каби саволларга аниқ жавоб олиш имконини беради. Бу шеърларда,

энг аввало, бокувчисидан айрилаётган ота-онанинг ҳасрат-надомати акс этган.

*Найлайн, кетдинг қошимдан, қолдим энди айрилиб,
Сан кетарсан, ман ғарига ким боқодур қайрилиб?!*

Шунингдек, адабнинг “Биз ва сиз” драмасида турмушда, оиласидаги илмсизлик туфайли фарзандлар тақдиридагина эмас, бутун жамиятда юзага келаётган фожиалар қаламга олинади. Яъни Гаспринский идеалидаги давлат фуқароларининг маърифатли шахслар эканини эътироф этиб, бутун дунёда шундай инсонлар кўпайишини орзу қилса, Авлоний эса зиёли йигит фожиаси орқали ҳар бир хонадон вакилининг янгича дунёқарааш эгаси бўлиш лозимлигини уқтиради¹.

Россия империясининг тазиикларига қарамай, Туркистонда хотин- қизлар маорифини жонлантириш ва усули жадид асосидаги жадид мактабларини ташкил этиш ишлари давом этди. Мазкур жараёнларда миллий таракқийпарварлар билан биргаликда татар маърифатпарвар аёллари ҳам фаол иштирок этдилар. Татар муаллималарининг ўлкада олиб борган фаол фаолиятлари натижасида, маҳаллий аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигининг ошиши ҳамда улар орасидан ҳар соҳанинг илгор билимдонлари етишиб чиқиши ва ўз ҳақ-хуқуқи учун курашиш, қатъиятлилик, маърифатга бўлган интилиш каби хислатларни уйғонишига олиб келди, дейишимиз мумкин.

Баъзилар гендер – бу аёлларнинг ҳокимиятга бўлган интилишлари деб ҳисоблашади. Ҳақиқатда эса, бу эркаклар ва аёллар масалалари билан боғлиқ кенг ва долзарб муаммо – ҳар икки жинснинг тенглиги деб айтиш мумкин. Шубҳасиз, аёлларнинг жамиятда муаммолари кўпроқ, шунинг учун аёлларга кўпроқ эътибор қаратилган. Бугунги кунда дунё билан алоқалар, таълим, фан, маданият, ижтимоий сиёsat тизимидағи гендер нуқтаи назари янги қарааш прототипи, жамоатчилик билан алоқалар ва ўзаро муносабатларнинг янги модули сифатида қабул қилинмоқда.

¹ Davlatova Adiba. Nasriy asarlarda estetik ideal talqini (XX asr boshlari o‘zbek adabiyoti misolida). Uslubiy qo’llanma. -Toshkent: 2018.

Бизда кўплаб иқтидорли ва қобилиятли аёллар бор. Айни кунда 500 дан ортиқ фан докторлари ва 3000 дан ортиқ фан номзодлари мавжуд.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ҳам ҳар жиҳатдан етук бўлган баркамол шахсни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда ва бу йўлда ёшларни турли маънавий хуружлардан сақлаш, уларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш каби вазифалар устуворлик қилмоқда. Жаҳолатга қарши эса фақат маърифат билан курашиш лозим. Дарҳақиқат, дунёни жаҳолат эгалласа, нафақат ақл, балки ақлни пешлайдиган маърифат, маънавият, хурфикрик, инсон озодлиги барча-барчаси барҳам топади. Машхур файласуфлардан бири шундай айтиб ўтган: “Душманингдан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстларингдан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”. Бу бебаҳо гаплардан кўриниб турибдики ҳар биттамиз Ватанимиз ривожи, келажаги учун бефарқ бўлмаслигимиз ва бу ғайритабиий кучларга биз ўз билимимиз, миллий мафкурамиз билан ҳар доим, ҳар сония қарши турмоғимиз лозим.

Барчаси аёлнинг ижтимоий мавқеи, унинг идрок даражаси, умумий ҳуқуқий ва сиёсий маданиятига боғлиқ. Уй бекаси дунёни ўз қаричи билан ўлчайди, ўқимишли аёл эса ўз аҳамиятини ҳаётда ўрнини топиш, мустаҳкам позицияга эга бўлишда кўради.

Ҳозирги кунда юртимизга аёлларга бўлган ҳурмат, эътибор тобора кучайиб бормоқда, тараққийпарвар аёллар жамияти биздан кейинги авлодга аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида янада маданиятли жамиятни қолдириши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўша даврларда аёлларнинг ҳуқуқий саводлари деярли йўқ бўлганлиги сабабли кўплаб тазиикларга дуч келган, мисол қилиб айтадиган бўлсак, оиласда зўравонликлар кўпайишининг сабаби,

авваломбор, ишсизлик ва иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувиdir. Ишсиз қолган эркак қўрқув, хавотир, стрессни ҳис қилади.

Мамлакатимизда асосий қонун, Конституция билан бошланиб, бошқа қонун ҳужжатларига қадар бу масалада ҳамма қонун меъёрлари мукаммалдир. Аёллар ҳуқуқларини юздан ортиқ қонунлар ҳимоя қилади.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта Сенат раиси лавозими аёл кишига ишониб топширилгани ва 2019 йил август ойида «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг, ҳоким аёлларнинг пайдо бўлгани қувонарли ҳолат. Буларнинг барчаси умид борлигидан, қарорларни қабул қилиш даражасида аёлларнинг иштироки ортганидан далолат беради.

Яқин ўтмишда ҳатто ривожланган Германияда ҳам идеал аёлнинг немис жамиятидаги ўрни ва ролини белгилайдиган учта «К» (kinder, küche, kirche - «болалар, ошхона ва черков») тамойили мавжуд эди. Бироқ замонавий жамиятда аёлларнинг ўрни доимий равишда ошиб бормоқда ва бугунги кунда Германияда ҳам, бошқа Европа мамлакатларида ҳам квоталар орқали жуда яхши натижаларга эришилмоқда. Скандинавия давлатлари ҳукумат ва парламентидаги аёллар сони бўйича умуман бутун сайёрадан олдинда.

Эркаклар ўз вақтида қўлларини кўтарадиган итоаткор, мослашувчан аёлларни танлашни яхши кўрадилар. Оиладаги зўравонликка нафақат тажовуз, балки доимий ҳақорат ва руҳий босим ҳам киради. Бу каби зўравонлик негизида аёлнинг турмуш ўртоғи томонидан қайсиdir бир муаммони ечиш истаги эмас, аксинча оила аъзосини камситиш ва бошқариш истаги ётади.

Калтак ва таҳқирлашларга қарамай, оиладаги зўравонлик қурбонлари муҳаббат, қасос қўркуви, жамиятдаги қарашлар ёки ҳар қандай йўл билан бўлмасин ўз оилаларини сақлаб қолиш истаги туфайли қўпинча ёрдам сўрамайдилар. Баъзан бу фожиага олиб келади.

Минг шукурки мустақиллик йилларидан кейин бундай қарашлар ва бу каби салбий ҳолатларнинг тақдири тубдан бартараф

этилди. Ҳозирги кунда аёлларга бўлган эътибор ва ҳурмат юксак даражада бўлиб, аёлларнинг ҳар бир соҳада фидойилиги ва садоқати билан меҳнат қилиб, юксак мэрраларга эришиб келаётган хотин-қизларимизнинг ютуқлари салмоқлидир.

-Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

-Айни пайтда Олий Мажлис Сенатида-17 нафар сенатр,

-Қонунчилик палатасида -21 нафар депутат

-Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

-Туман ҳокимлигига 6 нафар аёллар фаолият олиб боради.

-Мингдан ортиқ аёллар маҳалла фуқаролар йиғинини бошқариб келмоқда.

Юқоридаги бу кўрсаткичлар хотин-қизларга бўлган ҳурмат-этиборнинг ёрқин ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий уйғониш ва миллий онг юксалишида катта роль ўйнаган. Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларидан Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Файзулла Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Исҳоқжон Ибрат кабилар ғоят оғир шароитларда тарқиб этишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг қадр-қимматини ерга уришга йўл кўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Маърифатчи жадидчилар оғир моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазийкларга қарамай, миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулияти бурилиш даврларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор тўйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай

саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур.

ХХ аср биринчи чорагидаги Туркистонда юритилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ҳақида илмий фикрлар илгари сурилади. Фикрлар фактларга асосланиб ёритилди.

ХХ асрнинг биринчи чорагида Хамза, Чўлпон каби ижодкорлар ўз асарларида аёл ва қизлар образини сезиларни даражада ёрита олган. Ва бу орқали нафақат ўша давр балки ҳозирги замон учун ҳам керакли бўлган асарлар яратган десак, хато бўлмайди. Шунингдек, ўша давр аёлларининг матонати моҳирона очиб берилган десак, муболага бўлмайди. Ҳатто биз учун ҳам ўrnak бўла олади.

Ҳамза драмаларида хотин-қизларнин илм-маърифат олиши масаласи майший мавзулар орқали қаламга олинган. Муаллиф бир қатор образлар баёнида хотин-қизлардаги ибо, ҳаё ҳамда оилапарварлик хусусиятларига юқори баҳо беради ва бу орқали мукаммал турмуш учун аёл ҳам баркамол бўлмоғи зарур, деган хулосани етказади.

Миллий уйғониш даври шеъриятида хотин-қизлар масаласи орқали миллатнинг илму маърифати, зиёси, эркинлиги ва истиқболи мавзуси тараннум этилди. Зеро мунис аёл сиймосида мужассам бўлган фидойи қалб, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат, сабру матонат, шукроналик ва инсонийлик хислатлари ҳаётимиз мазмунини ташкил этувчи асос манбалардир.

Миллий уйғониш даври адабиётида миллатнинг илму маърифати, зиёси, эркинлиги ва истиқболи мавзуси хотин-қизлар масаласи орқали тараннум этилди. Зеро, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини заковатли, уддабурон, фидойи, билимдон оналар ўзлари каби фарзандлар етиштириш билан қурадилар.

МЕРОС ИЛМЛАР – МАЪРИФАТ МАНБАИ

(Учинчи Ренессанс ҳақида ўйлар)

Маданият тарихида шундай буюк ҳодисалар борки, уларнинг номлари ўзларидан анча кейинроқ майдонга чиққан. “Ренессанс” атамаси ҳам илк бора XVI асрнинг ўрталарида қўлланила бошлагани ҳолда у ифодалаган жараён XII-XIII асрларда юзага чиққан. Уни маданият, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидағи юксалиш, тубдан эврилиш, янгиланишни билдирадиган термин сифатида татбиқ қилишган. Европа олимлари узоқ муддат Ренессансни фақат Ғарб олами учун хос ҳодиса, деб талқин этиб келишган. Аммо хитой, грузин, арман, озарбайжон Ренессанси тарихи ва ўзига хос такомилини маҳсус тадқиқ қилган академик Н.И.Конрад, Ш.И.Нуцубидзе, В.К.Чалаян, И.С.Брагинский, О.Хожиев каби олимлар Шарқда ҳам ўзига хос Ренессанс жараёни мавжуд бўлганлигини исботлаб беришган. Айни жиҳатдан Ренессанс кучли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий асосда пайдо бўлган **“маданий феномен”** ёки оламшумул эврилишdir.

Шу маънода, тарих саҳнасида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон Шарқ Ренессансининг марказларидан бири сифатида довруқ қозонган.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг эса айнан Учинчи Ренесанс ҳақида сўз юритиши ва уни мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий масаласи сифатида кун тартибиға олиб чиқиши ўз вақтида қилинган иш бўлди. Бизга илғор фикрли, янгиликка ўч, салоҳияти баланд, ғайрат-шижоатли ҳамюртларимиз учун ана шундай мотивация берадиган, олдинги марраларга чорлайдиган, руҳлантирадиган ғоя, режали тизим ва давлатнинг моддий кўмаги зарур эди ва бу кўпчиликнинг кўнглидаги муддао бўлгани матбуотдаги чиқишилардан, жамиятнинг турли қатламларида бўлаётган ўзаро сұхбатлардан билиш мумкин.

Табиийки, мақсадга эришмокқа юксак орзу, эзгу муддаонинг ўзи етарли эмас. Катта мақсадлар энди ҳаммамиздан қаттиқ меҳнат

ва фидойиликни талаб қиласи, айниқса, таълим ва илм-фан соҳаси вакилларининг зиммаларидағи ишлар янада масъулиятли.

Президентимиз 2020 йил 30 сентябрь кунги йигилишда кўплаб марта тилга олганидек, унинг энг биринчи ечими – илм-фанда ютуқларга эришиш, ўрганиш, изланиш, яратиш ва дунёга янгитдан юз очишидир! Бу борада мамлакат раҳбари илк ташаббусчи бўлиб, аниқ йўналиш, олинадиган мэррани қатъий кўрсатиб берди, яъни илм олишдек мешақатли меҳнат сафари беш босқичда: боғча, мактаб, олий ўқув юрти, илмий тадқиқот муассасалари ҳамда оила ўчоғидан ўтишини аниқ эътироф этди.

Қадим ва азим Ўзбекистон диёримиз асрлардан бери илм маъдани ва ҳикмат манбаи бўлиб, неча олимуму фузалоларни, муҳаддису шайхларни етиштирган. Шу ўринда илму фан ютуқларини бутун оламга танитган ва тарқатган.

Биз айтмоқчи бўлган масалалар ечими аслида ҳеч нарсани кутиб ўтирмасдан, амалий ҳаракатга ўтишда, таклифлар беришдадир.

Ўтмишда бир аёл фарзанди олти ойлик бўлганда, Ибн Сино ҳазратларининг ҳузурига олиб келади ва уни тарбиялаш учун нималар қилиши кераклиги ҳақида маслаҳат сўрайди. Шунда донишманд бобомиз онага қарата бола тарбиясида олти ой кечикканини айтади.

1. Демак, тарбия бола туғилган илк кундан бошланиши зарур экан, аввало, оиланинг маърифати учун қайғуриш, бепул китоблар тарқатишни йўлга қўйиш, маҳалла ва турли муассасаларда оила маърифатини юксалтирадиган мусобақалар ташкиллаштириш, муайян натижаларга эришаётган оилаларга ижтимоий кўмаклашиш зарур.

2. Бугунги кунда боғча тарбиячиларининг маърифий савияси ва замонавий педагогик технологиялар билан ишлаш малакаси етарли, деб бўлмайди. Муайян имтиёзлар, рағбатлар орқали бунга эришиш мумкин бўлади.

3. Мактаб таълим мининг сифатини ошириш борасида таълим вазири ва масъул шахслар, педагоглар кўплаб ишларни

қилмоқдалар. Шулар қаторида дарс берувчи ўқитувчининг синф хонасида қай даражада ўқитиши, билим бериш маҳорати, тушунтириш техникасини текшириш, назоратга олиш кескин сусайиб кетди. Уларни айнан синф хоналаридағи фаолиятига қараб чинакам баҳони бериш фақат ва фақат ўқитишда сифат ошишига олиб келади.

4. Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам бугун кўплаб самарали ташаббуслар қилинмоқда. Бизнингча, энг оғриқли масалалардан бири олийгоҳлар, илмий даргоҳлар ва мактаб орасида узвийлик етишмаётгандек. Бунга, айниқса, дарсликлардаги нотугаллик ёки узилишларни кузатиш билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мазкур уч даргоҳда дарсликларнинг мувофиқлигини таъминлашни йўлга қўйиш зарур, илм-фандаги ютуқлар мактаб ва олий ўқув юртларидағи дарсликларда мунтазам ўз аксини топиши лозим. Бизда эса бу борада анчайин оқсашлар бор. Табиийки, бу ҳам ечилиши лозим бўлган ва фанда тараққиётни таъминлайдиган мухим омилдир.

Энг асосий ишларимиздан бири, биз ўша X-XII, XV асрлардаги Ренессанс даврини юзага чиқарган олиму фузалоларимизнинг фақатгина исмларини узундан узоқ рўйхатини санаб беришни қотирамиз. Аммо уларнинг қандай китоблар ёзганлигию қанақа кашфиётлар қилганини тузукроқ англамаймиз ҳам. Таълимнинг ҳамма босқичларида талабгорларнинг савиясига кўра буларни ўргатишни йўла қўйиш лозим. Мутафаккир алломаларнинг бошланғич мактабни қандай ўқиганликлари ҳақида бир қизиқиб кўрайлик. Масалан, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ёки Али Күшчилар Куръони каримни ўн ёшларидаёқ ёдлаб олишган. Алишер Навоий, Бобур мирзо каби йирик шоирлар ўсмирликларида ўз даври ва ўзларидан олдин яшаб ўтган шоирларнинг 50-100 минг мисра шеърларини ёд билишган. Демак, ёдлаш, болага ёшлиқдан ёдлатишга жуда қаттиқ эътибор қаратиш зарур. Зеҳни ўткир бола ҳар қандай фанни ўзлаштириб кета олади. Зеро, Ренессанс даври олимларининг қомусийлиги, яъни бир вақтнинг ўзида фаннинг бир

неча соҳаларида ютуқларга эришганининг сабабларидан бири шудир.

Дарҳақиқат, ўтмишдаги буюк зафарлар ва дунёни лол қолдирган марраларга орзу-ният қилиш ёхуд ҳавасланиш билангина эришиб бўлмайди. Булар астойдил меҳнат, интизом билан ўқиш, ғайрат-шижоат билан қўлга киритилишини ўзимизга ва ёш авлод онгига қайта-қайта сингдириш лозим.

Ва яна дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, билим олишдаги мунтазамлик ва ўқилганларни қайта мулоҳаза қилиш, мустақил фикрлаш ва янгиликка интилиш туйғуси барча ютуқларга эшик очади.

*Илмдан яхшироқ хазина йўқдир,
Кўлингдан келганча териб ол уни.
Балодан сақланиши яроги илм,
Саодатга эришишмоқ чароги илм.*

Дарҳақиқат, ўз замонасининг донишманд шоири Рудакий илмни хазинага ўхшатар экан, албатта, уни эгаллашга чорлайди. Инсониятнинг зулматдан қутулмоғи, баҳтга, саодатга етишмоғининг кафолати, шаксиз, маърифатда эканлигини минг йиллар олдин айтган эди. Инчунин, улуғ шоиrimиз, миллатимиз фахри Алишер Навоий асарларини, улар яратган адабий қаҳрамонлар фаолияти синчиклаб кузатилса, билим олмоққа даъват ғояси энг кўп тилга олингани равshan бўлади. “Сабъаи сайёр” достонининг қаҳрамонларидан бири Суҳайл кўрсатган жасорат олқишига лойиқ. У ўзининг ишонувчанлиги, соддалиги ортидан қароқчи Жобир қўлига асир тушиб қолса-да, аммо ботирлиги, душман кўзига ҳеч кўрқмасдан, дадил қарай олиши, олган билимлари уни ғаними қўлидан эсон-омон қутулиб қолишига йўл очади. Ҳар қандай чиркинлик, ёвузликдан қайтмайдиган Жобир Суҳайлнинг кўзларидаги фидойилик, мардликни кўриб беихтиёр чекинади... Умуман олганда, буларнинг бари ҳазрат Алишер Навоий асарларини ибрат ва илм қўзи билан ўқиб-ўрганишини тақозо этади.

XX асрнинг машҳур жадид зиёлиси Ҳамза биз-у сизга шундай ўгит берганди:

*Оламнинг хурииди кундир, одамнинг хурииди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг мадори илм.
Гар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб, бедор бўл, даркор илм, даркор илм.
Ул ҳақиқат ошёнига сайқал истарсан Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм!*

Шоир оламнинг хурииди – Қуёш, дея таъкидляяпти. Қуёш бутун оламни ёритади, Ерга ҳаёт бағишлайди, Қуёшсиз тирикликни тасаввур қилишнинг ўзи юракка ваҳм солади. Худди шунинг каби одамнинг Қуёши, яъни қалбини ёритувчи, йўлини ойдинлатувчи, ҳаётига нур, мазмун берувчи омил эса – илм, илм ва яна илмдир.

Қадимий Чин ўлкаси чегараларидан тортиб то узоқ Оврупонинг ич-ичларигача узанган Ўзбек давлатининг байроғи ҳар вақт баландда турган, асрлар давомида буюк халифаликлар, сулолалар, енгилмас империялар ўлароқ жаҳонга эга чиқиб келишган. Улар дунё тамаддуни, илм-фани, тиббиёти, иқтисоди ва сиёсати борасида ҳамиша илғорлик яловини қўлда тутдилар. Шон-шараф, бетимсол ўтмиш, ор-номус ва Ислом шавкатига мушарраф бўлдилар. Буларнинг бари, албатта, миллатимизнинг соф иймони, жасорати ва муҳташам тилга эгалигидир. Ва янада муҳими, илм-фанга интилиш, мерос илмларни авлодларга етказишга интилишидадир.

ХУЛОСА

Марказий Осиё мутафаккирларидағи инсон ғоясини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қўйидаги бир нечта хулосаларни келтириб чиқариш мумкин:

1. Ёш авлодни комил ва етук инсон қилиб етиштиришда, унинг мазмун-моҳиятини идрок қилишда Марказий Осиё мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги қарашлари муҳим аҳамият касб этади.

2. Марказий Осиё мутафаккирлар асарларида инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолатли жамият ғояларини илгари сурди. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган.

3. Марказий Осиё мутафаккирлар инсонларнинг ҳатти-ҳаракати, қилган ишлари, подшоҳларнинг фаолиятини яхшилиқ, адолат, бурч, виждон, ор-номус, баҳт тушунчалари орқали баҳолади. Бу мутафаккирлар талқинида комил нсонни баҳоловчи энг умумий тушунчалар сифатида қаралади. Булардан ташқари, ўрта асрларда донолик, иффат (нафсни тийиш), шижаоткорлик инсонларнинг комил ва етуклигини белгиловчи асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Умуман олганда, донолик, адолат, иффат ва шижаот тушунчалари Ибн Мискавейх, Носируддин Тусий, Хусайн Воиз Кошифий, Жалолиддин Давонийнинг ахлоққа оид асарларида инсонларнинг хулқ-одоби, подшоҳларнинг адолатлилиги ёки золимлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юқоридаги тушунчалар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Бундай хислатларга эга бўлган инсонларни ёки подшоҳларни комил ва етук инсонлар деб аташ мумкин.

Марказий Осиё мутафаккирларининг фикрларига кўра комил инсоннинг акси ноқис инсон ҳисобланади. Уларни баҳолашда мутафаккирлар адолатсизлик, ёмонлик, жоҳиллик, баҳтсизлик, виждонсизлик, ориятсиз курқоқлик, нафсини тия олмаслик каби тушунчаларни қўллайдилар. Шундай қилиб, улуғ мутафаккирлар ўз

асарларида комил инсон ғоясими ҳам дунёвийлик, ҳам динийтасаввуфий нуқтаи-назардан таҳлил қилганига ишонч хосил қиласиз.

4. Комил инсон ғояси Ўрта асрларда нафакат таълим-тарбияда, кишиларни камолот сари етаклашда, балки мамлакатлар тараққиётида ва халқлар маънавиятининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улуғ алломаларнинг комил инсон ғояси баён қилинган боқий асрлари кейинги даврларда Марказий Осиё халқини инсонпарварлаштиришда, уларнинг турмуш тарзи ва онгига умуминсоний қадриятларни сингдиришда катта хизмат қилиб келди. Хозирги вақтда, бутун мусулмон Шарқи мамлакатлари халқи, айниқса, туркий ва форсий халқлар орасида Алишер Навоийнинг номи машхур бўлиб, асрлари севиб ўқилмоқда. Буюк шоирнинг комил ва етук инсон тўғрисидаги ўлмас ғоялари, доно фикрлари жамиятимизнинг юксалишида, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим асос бўлмоқда.

5. Комил инсон ғояси миллий мағкурамизнинг устувор ғояси ва тамойили бўлиб, у мустабид тузум мағкурасидан халос бўлишда, миллий ғояни такомиллиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Баркамол инсон ўз тарихи, ўз халқи, ўтмиши хақида хақиқатларни билиб олган, иймони бутун, хулқ-атвори намунали шахсадир. Шахс эса жамиятда ибрат бўладиган ишларни амалга оширган, онг-шуури, туғри сўзи, жонкуярлиги билан ажралиб турган обрў-эътиборли одамдир. Бундай одам ўз оиласи, махалласи, шахри, юрти ор-номуси, фаровонлиги, шон-шавкати учун қайғурадиган, барча хаёли, орзу-армонлари шунга йўналтирилган бўлади. Халқ бундай одамларни ҳурмат-эхтиром этади, ибрат намуна қилиб кўрсатади.

Етук шахсларнинг хаёти ва ишлари улуғ ибрат, тарбия сабоғидир. Тўмарис, Широқ, Муқанна, Торобий, Султон Жалолиддин, Амир Темур, Баҳоуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро, Улуғбек, Ҳожа Аҳрор Валий, Навоий, Бобур, Бехбудий, Чўлпон ва бошқалар ана шундай ибрат намунаси бўладиган шахслар эдилар. Улардаги мардлик, жасорат, ватан учун жонғидолик энг

олижаноб, энг улуг хислатлардир. Улар ақлу заковати, истеъдод ва ижодини ҳам энг эзгу қадрият – Ватан йўлига сарфлаганлар.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, комил инсон тушунчаси бизда анча қадим тарихга эга. Улуг файласуфларимиз, шайхларимиз бу борада ажойиб фикрларни билдирганлар. Умуман инсоннинг ахлоқий тарбияси аждодларимизнинг доимий диққат марказида турган.

Вокеан, бутун маънавият тарихи шуни кўрсатадики, цивилизация дегани – бу инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг хосиласидир. Барча динлар, таълимотлар, тафаккур даҳолари инсон қобилияти, рухияти ва ахлоқини ўрганиш, инсонни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлиш, ноқисликлар ва иллатлардан халос этиш билан шуғулланиб келдилар. Инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яна тубан ишларга қўл уради, хайвоний хирсу нафс домига тушиб, ўзини хароб этади, деган саволлар Шарқ мутафаккирлари қалбини қадимдан безовта қилиб келган.

Демак, инсонни тарбиялаш, унинг моддий - хайвоний хирсларини бархам эттириб (гарчи бу батамом мумкин бўлмаса-да), илохий-раҳмоний сифатларини кўпайтириш мумкин. Ёинки, тасаввуф таълимотига асосан, инсон руҳи мутлақ рухнинг бир кисми бўлганлиги боис у моддий тубанликни тарқ этиши, илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз инсонлигини идрок этиб, ботиний оламни поклаб, маърифат нурларига тўлдириб бориши шарт.

6. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-адабий муҳит янгича фикрлайдиган, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ қарамайдиган ижодкорларни шакллантирди. Натижада янги ўзбек адабиёти 30-йилларда бақувват адабиёт сифатида танила бошлади.

Айни шу заруратни теран идрок қилган фидойи зиёлиларимизни ягона мақсад атрофида бирлаштирган маърифий-ислоҳий ҳаракат миллий тарихимизга жадидчилик номи билан кирди. Жадидчилик ғояларини оммалаштиришда адабиётнинг роли

бенихоя катта эди, лекин ўша даврда, бу улкан тарихий миссияни удалаш учун адабиётнинг ўзидан ҳам шунга мос ҳолда ўзгариш, янгиланиш талаб қилинарди.

ХХ аср жамиятидаги чиркин ва қора вазиятлар, аёлларнинг камситилиши, жамият ва ҳукумат ишларидан айро тутилиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг топталиши, нафақат жамият томонидан, балки, ўз оила аъзолари, отаси, турмуш ўртоғи томонидан турли босимларга учрагани, таълим ҳамда тарбиядан йироқ тутилди.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек ҳалқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар йетакчилик қилган. Ўлкани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсадан устун қўйдилар. Жадид зиёлилари эрк, истиқлолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар. Буни эса таълим ва тарбияда – маърифатда деб билдилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқизори чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлмай маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъоддини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди.

Улар миллатни қолоқликдан, хурофот ботқоқидан олиб чиқиш учун ҳаракат қиласар эканлар, бунда шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш қоясини илгари сурганлар ва бу борада ўzlари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар.

Мутеълик, эрксизлик, жамиятдаги чиркин анъаналар, мутассиблик, онг ҳамда турмуш тарзидаги ўта қолоқликнинг инкори унинг зидди сифатида жадид ижодкорлари интилган энг юксак

маснад даражасига айлана борди. Бу эса тарихий воқелик талабига кўра гоҳ шўхчан, гоҳ ғамгин, баъзан рамзлар воситасида, турфа рангларга солиб куйланди.

7. Бундан юқоридаги фикримизга аниқлик киритадиган яна бир хулоса келиб чиқади: модомики инсон икки олам сарвари, шарафул махлукот экан, бу унинг илохий-раҳмоний жиҳатига қараб айтилган гап бўлиб, комил инсонга ишорадир. Комил инсон эса жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир. Биз ҳар биримиз илму амал, фазлу камол касб этиб, ана шу ҳақиқат сари интилишимиз лозим. Фарзандларимизни ҳам ана шундай баркамолликлар сари бошлишимиз керак.

Юқоридагилардан кўриндаки, Марказий Осиё мутаффак-кирларининг ижтимоий-сиёсий фикр ривожига қўшган хиссасини ўрганиш мустақиллик шароитида ёш авлодни миллий-маданий бойликларни, сиёсий қадриятларини яхши билган, миллий ғуур, ватанпарварлик хисси билан йўғрилган, дунё-дунё ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражасидан хабардор бўлиб етишувида етакчи омил булиб хизмат қиласи. Уларни баркамол инсон бўлиб вояга етишида муҳим роль ўйнайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2019, 2-жилд. 508 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2019, 2-жилд. 400 б.
5. А. Ирисов. Ҳаким Ибн Сино. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. А. Каюмов. Аҳмад ал-Фарғоний. – Т.: Фан, 1990.
7. А. Навоий. Мухокамат ул-луғатайн. Муқаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 2000.
8. А. Эркаев. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002.
9. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. – Т.: Фан, 1983. 15-18-бетлар.
10. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975.
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий, 1993 й.
12. Абу Ҳомид Газзолий. Мукошафат-ул қулуб. – Т.: Адолат, 2 китоб, 2004.
13. Алишер Навоий. Садди Искандарий, Муқаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1991.
14. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Асарлар. 3 том. – Т., 1996
15. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Т. 13. – Т.:Faafur Fулом номидаги бадиий адабиет нашриёти, 1966
16. Алишер Навоий. Хамса. – Т., 1986
17. Алишер Навоий. Муншашот. Асарлар. Т. 13. – Т.: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиет нашриёти, 1966.
18. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Асарлар. Т. 4. – Т., 1965

19. Баркомол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999й.
20. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар), 1 китоб. – Т.: Халқ мероси, 1995.
21. Ғаззолий Мұхаммад Абу Хомид. Ихъо-ул-улум / Арабчадан Алоуддин Мансур тарж. // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Т.: Ёш гвардия, 1990.
22. Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати. – Т.: Ўзбекистон, 1993. Б.16.
23. К.Хошимов, С. Нишонова Педагогика тарихи. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
24. Қуръони Карим. – Т.: Чўлпон, 1993.
25. М. Хайруллаев Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971.
26. М.Д.Пардаева Алишер Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари ва ҳозирги замон. Тошкент, 2006
27. М.Д.Пардаева. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. – Т., 2010.
28. М.Д.Пардаева. Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларида инсонпарварликнинг ўрни. – Бухоро, 2008
29. М.Д.Пардаева. Тасаввуфда комил инсон масаласи. – Бухоро, 2008.
30. М.Файзиев, А.Жовлиев. Маъмун академиясида фаолият кўрсатган тиббиёт алломалари. "Фалсафа ва хукуқ" журнали, 2005, 3-сон.
31. М.Ҳайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971.
32. М.Хасаний, С.Каримова Навоий даври табобати. – Т.: Ибн Сино, 1991.
33. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиллар). – Т.: Халқ мероси, 2001.
34. Н. Абдулахадов, Б.Дошимов. Аҳмад Ал-Фарғоний. – Фарғона, 1998.
35. Н. Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. “Шарқ машъали” журнали. 1998 й. 1-2 сон. 47-51-бетлар.

36. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
37. Нусратулло Жумабоев. Навоий ижодида комил инсон масаласи (Илмий мақолалар тўплами). – Т., 2010.
38. Р.Мухаммаджонов. Ўзбекистон тарихи (5 асрдан 15 аср бошларигача). – Т.: Ўқитувчи, 1994.
39. С.Ҳасанов. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳакида. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
40. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Т.: Ёзувчи, 1993.
41. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Т., 1991.
42. Султонмурод Олим. Янги аср таълимоти. "Тафаккур" журнали, 2001, 1-сон.
43. Т.Карим. Миллий тафаккур тарихидан. – Т.: Чўлпон, 2003.
44. Т.Файзиев. Улугбек авлодлари. – Т.: Ёзувчи, 1994.
45. У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
46. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.
47. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жиллар. Т., 2004.
48. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т., 1995 Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. (Алиқурова Ҳ., Носиров Р. ва бошқалар) Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
49. Ўрта асрлар мусулмон шарқи мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари. (Илмий-услубий мақолалар тўплами). Тошкент, 2008
50. Ф.Журақулов. Жаҳон фанида Беруний томонидан хинд фалсафасини ёритишнинг баҳоланиши масалалари. "Фалсафа ва ҳуқуқ", 2005, 4 сон.
51. Ф.Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
52. Фараби. Гражданскaya политика. - В кн.: Аль-Фараби Социально-этические трактаты Алма-Ата, 1973. стр 156

53. Х.Хасанов. Ўрта Осиёлик географ ва сайёхлар. – Т.: Ўзбекистон, 1964.
54. Ҳ. Жонматова Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
55. Ҳ.Хамидов. Олис яқин юлдузлар. – Т.: Чўлпон, 1993.
56. Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Ватан тарихи (биринчи китоб). – Т.: Ўқитувчи, 1997.
57. Ш.Хайтов. Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун сулоласи ва илм аҳлига хомийлик масалалари. "Фалсафа ва ҳуқук", 2006, маҳсус сон.
58. Ш.Шоисломов. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари ("Уржуза"). – Т., 1972.
59. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуп ҳақида тасаввурлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
60. Э.Очилов Комилликнинг икки йўли // Алишер Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001.
61. И.Ҳаққул. Навоийни англаш. – Т.: Фан, 2007.
62. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Ал-фанн-ус-соний фи-л-қофия вар-радиф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – № 3.
63. Абулқалам Озод. (2015). Инсон шахсга айланмаган жойда жамият мукаммал бўлолмайди. Маънавий ҳаёт // Тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий оммабоп журнал. № 2.
64. Авлоний. Танланган асарлар. II жилдлик. II жилд. – Т.: Маънавият, 1998.
65. Нигматуллина Ю.Г. Национальное своеобразие эстетического идеала. – Казань: Изд-во Казанского университета, 1970.
66. Ибрат. Ажзий.Сўфизода. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999.
67. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 2007.
68. Сайд Ахорий. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 2001.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Дунё олимлари комил инсон тарбияси ҳақида. Комил инсон – жамият муаммоси.....	7
Мутасавиф ижодкорларнинг асарларида комил инсон ғояси.....	31
Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларида инсонпарварликнинг ўрни.....	45
Алишер Навоий асарларида “одил подшоҳ ва комил инсон ғояси”нинг талқини.....	58
Оlam ахли билингизким, иш эмас душманлиғ.....	70
Жадидчилик, хотин-қизлар зиёси ва Учинчи ренессанс	82
Мерос илмлар – маърифат манбаи	105
Хулоса.....	110
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	115

Нодира ХОЛИКОВА, Хумоюн УМАРАЛИЕВ

КОМИЛ ИНСОН: ФОЯ, талқин ва тадриж

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Fan ziyozi» нашриётига
2021 йил 14 февралда берилган 308197041-сонли лицензияси
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30 уй.
Офсет қофози. Бичими 60x84, 1/16

Times гарнитураси. Шартли босма табоги 18,5
Буюртма № 32. Адади 200 нусхада
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100000 Тошкент ш., Буз-2 мавзе, 17-А уй.